

Карим НАЗАРОВ

МАЪМУРИЙ ХУКУК




Карим Назаров

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

(Умумий қисм)

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан хуқуқшунос мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.)

Ўқув қўлланма



**Тошкент-2004
«Янги аср авлоди»**

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг Давлат таълим стандартига мувофиқ юриспруденция йўналиши бўйича бакалавр даражасидаги мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Унда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқи фани умумий қисмнинг асосий масалалари баён қилинган.

Қўлланма ҳуқуқшунослик мутахассислар тайёрлайдиган таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабаларига мўлжалланган.

Учебное пособие подготовлено в соответствии с Государственным образовательным стандартом Республики Узбекистан для подготовки бакалавров по юриспруденции. В нём освещаются основные темы программы общей части административного права.

Yurisprudence.

Abstract.

According to the governmental formational standart of the Republik of Uzbekistan for the training of the bachelor degree on the yurisprudence.

There are the basic topics of the program of the jeneral part of the administratine law.

For teachers and students of the yurisprudencial educational institutions.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР: И.Ҳ. Маманов,

I-даражали Адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди.

ТАҚРИЗЧИЛАР: А.А. Рахимова,

юридик фанлари номзоди, доцент;

Э.Т. Хожиев.

ISBN 5-633-0025-3

КИРИШ

Маъмурый ҳуқуқ ҳар қандай давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизимининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, давлатни бошқариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўтган йиллар ичida унинг миллий ҳуқуқи, қонунчилиги, бошқарув тизими шаклланди, янги хўжалик механизми таркиб топди. Бинобарин, эндиликда Республикамиз таълим муассасаларида тамомила янги foялар ва тамойилларга асосланган, мустақил давлатимиз қонунчилиги асосида баён қилинган янги фан, янги ўкув курси Ўзбекистон Республикасининг маъмурый ҳуқуқи ўқитиладиган бўлди.

Ҳозирги вақтда маъмурый ҳуқуқни ўрганиш билан боғлиқ муаммолардан бири бу соҳадаги адабиётлар масаласидир. Шўролар даврида фойдаланиб келинган дарслик ва ўкув қўлланмалари (асосан рус тилида нашр қилинган)нинг бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермай қолганлиги, янги ўкув адабиётларининг етарли эмаслиги фанни ўрганишда жиддий қийинчиликларни туғдирмоқда. Янгича ижтимоий фикрлаш, шакланаётган миллий foя, миллий мафкура илгари назарий манба ҳисобланиб келинган марксизмленинизм классикларининг асарларида баён қилинган қоидалардан, КПСС ҳужжатларидан асосий раҳбарий адабиёт сифатида воз кечишликни тақозо қилди.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурый ҳуқуқи фанини ўрганишда Республика Конституциясининг аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаш лозим. Кейинги йилларда қабул қилинган Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлашга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини тартибга солишига қаратилган қонунлар бу фанни ўрганиш учун манба сифатида тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини

таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва миллий ҳуқуқ тизимини шакллантириш, республикамизда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан таъминлашни яхшилашга оид Ўзбекистон Президентининг китоблари ва нутқларида баён қилинган тамойилдар ва қоидалар ҳам маъмурий ҳуқуқ масалаларини ўрганишда дастурий манбалар бўлиб хизмат қиласди.

Маъмурий ҳуқуқни ўрганишда эътиборга лойиқ ҳолат яна шундаки, бу соҳадаги қонунчилик тез-тез ўзгариб туришга мойил. Шунинг учун даврий нашрларни, жумладан, газета ва журналларни мунтазам кузатиб боришга тўғри келади ва биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, Республика ҳукуматининг қарорлари тўплами, вазирликлар ва давлат қўмиталари, бошқа марказий идораларнинг меъёрий ҳужжатлари эълон қилинадиган нашрлардан самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқининг Умумий қисми бўйича ушбу қўлланма юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг В 380100 - ҳуқуқ йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш Давлат стандарти асосида тузилган ўқув режасига мувофиқ тайёрланди.

Қўлланманинг охирида курс бўйича энг асосий манбалар рўйхати илова қилинган бўлиб, ҳар бир мавзудан сўнг худди шу мавзу учун зарур бўлган адабиётларнинг номлари тўлиқ келтирилмасдан, фақат уларнинг тартиб рақами берилган. Меъёрий ҳужжатлардан фойдаланишда улар қабул қилингандан кейин киритилган қўшимча ва ўзгаришларга эътибор бериш лозим.

1-боб. Маъмурий ҳуқуқнинг предмети ва методи

1. Бошқарувнинг умумий тушунчаси. Давлат бошқаруви.
2. Маъмурий ҳуқуқнинг предмети. Маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари.
3. Маъмурий ҳуқуқнинг методи.
4. Маъмурий ҳуқуқнинг тизими ва манбалари.

1. Бошқарувнинг умумий тушунчаси

Давлат бошқарув

«Маъмурий ҳуқуқ», раҳбарлик, бошқарув маъносини англатувчи лотинча «administratio» сўзи билан боғлиқ тушунча бўлиб, ҳар қандай давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғини ташкил этади.

Маъмурий ҳуқуқнинг предметини давлат бошқарувини ташкил этилиши ва амалга оширилиши жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади. Маъмурий ҳуқуқнинг предметини аниқлаш учун «бошқариш», «давлат бошқаруви» тушунчалари устида тўхталиш зарур.

Бошқариш ягона тизим сифатида икки асосий элемент—субъект (бошқарувчи элемент) билан обьект (бошқарилувчи элемент) ўртасидаги муносабатларни англатиб, бунда субъектнинг обьект фаолиятини муайян мақсадга йўналтиришга ҳаратилган таъсири тушунилади.

Бошқариш, энг аввало, кишилар фаолиятини маълум мақсадга йўналтиришни англатади, яъни ижтимоий характеристерга эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳаёт кишиларнинг биргаликдаги фаолиятидир. Унда кишилар турли хил ҳаракатлари билан қатнашадилар. Уларни тартибга солиб туриш албатта зарур. Бинобарин, бошқариш бу ижтимоий ҳаётнинг обьектив зарурати, унинг муҳим шарт-шароитларидан биридир.

Давлат бошқаруви ижтимоий бошқаришнинг бир тури, давлат фаолиятининг мұхим йұналиши бўлиб, қонун чиқариш, судлов ва бошқа фаолиятидан, шунингдек жамоат бирлашмалари ва нодавлат тузилмалар (меҳнат жамоалари, тижорат тузилмалар ва ҳ. к.) нинг бошқарув фаолиятидан фарқ қиласди.

Давлат бошқарувининг мавжудлиги билан, одатда, маъмурый ҳуқуқ тармоғини шаклланиши боғлиқ бўлади;

давлат бошқаруви - ягона давлат ҳокимиятини амалга ошириш бўйича функционал ва ваколатли хусусиятга эга бўлган аниқ фаолият тури;

давлат бошқаруви - ижро этиш-фармойиш бериш характеристига эга фаолият. Унинг асосий йұналиши бўлиб ижро этиш, яъни қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳисобланади. Бу мақсадларга зарурый ҳуқуқий-мажбурий (ҳокимият) ваколатларидан фойдаланиш (фармойиш фаолияти) орқали эришилади;

давлат бошқаруви умумий тарзда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи - фармойиш берувчи органлари ёки давлат бошқариш органлари деб аталувчи белгиланган маҳсус субъектларнинг имтиёзли ҳуқуқини ташкил этади;

давлат бошқаруви - хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурый-сиёсий қурилишга кундалик ва бевосита раҳбарлик қилиш жараёнида амалга ошириладиган ижроия фаолият;

давлат бошқаруви - қонун асосида ва уни ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган фаолият бўлиб, қонун чиқариш фаолиятига нисбатан иккиламчи характеристерга эга.

Давлат бошқарувининг асосий белгилари ана шулардан иборат. Демак, давлат бошқаруви деганда, давлат органларининг қонунлар асосида ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ва давлатнинг функцияларини амалга оширишдан иборат ижро этиш-фармойиш бериш бўйича фаолияти тушунилади.

Айни вақтда ижроия ҳокимият давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилган даврдаги ўзининг бевосита бошқаришдан иборат бўлган давлат бошқарув функциясидан маълум да-

ражада «воз кечмоқда». Ҳозирги пайтда давлат томонидан тартибга солиш тизимининг шаклланаётганлиги кўзга ташланмоқда. Агарда илгари давлат бошқаруви давлат аппартигининг доимий равища ва бевосита (тўғридан-тўғри) обьектлар ҳаётига аралашувидан иборат бўлган бўлса, эндиликда бошқарувнинг асосий мўлжали (йўналиши, ориентири) муайян тизимларнинг мустақиллиги билан боғланган ҳолда белгиланмоқда.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, давлат бошқаруви ва давлат йўли билан тартибга солиш тушунчалари ўртасида мақсад йўналиши бўйича принципиал фарқ йўқ. Ўз моҳиятига кўра тартибга солиш давлат бошқарув фаолиятининг зарурый элементи, унинг функцияларидан бири. Шунга кўра гап давлатнинг иқтисодий ва бошқа жараёнлардаги иштирокининг даражаси (кўпроқ ёки камроқ) тўғрисида бориши мумкин, яъни давлат ёки обьектни бевосита бошқаради, ёки энг муҳим бошқарув муносабатларининг тартибга солувчи ролида намоён бўлади. Шунга қарамасдан бу барибир шартли, нисбий характерга эга, зеро давлат бошқарганда тартибга солиғи, тартибга солиш орқали бошқаради.

Бозор муносабатлари шароитида давлат – бошқарув фаолиятининг асосий функциялари бўлиб, қуйидагилар майдонга чиқади:

- умумдавлат сиёсатини акс эттирувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хўжалик ҳаётининг ҳукуқий ва ташкилий асосларини белгилаш ва ҳаётга татбиқ қилиш (масалан, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб- кувватлаш, барча мулк шаклларининг тенг ҳукуқлигини таъминлаш, мулк ҳукуқини муҳофаза қилиш, истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва ҳ.к.);
- давлат қарамоғидаги корхоналар ва муассасаларни бошқариш;
- нодавлат секторидаги турли обьектларнинг фаолиятини тартибга солиш;
- иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ва маъмурий қури-

риш иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини қисқартириш, давлат тузилмаларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига барҳам бериш, республика даражасидаги ваколатларнинг бир қисмини маҳаллий бошқариш органларига ўтказиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш имкониятларини яратади. Давлат ва хўжалик бошқарув органдари ходимлари сонини оптималь даражагача қисқартиришга, янги давлат хизматини шакллантиришга эришилади.

2. Маъмурий ҳукуқнинг предмети.

Маъмурий ҳукуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари

Ҳукуқнинг ҳар бир тармоғи ўзининг предметига - ҳукуқий тартибга солиниши лозим бўлган бир турдаги, ўхшаш ижтимоий муносабатлар доирасига эга бўлади. Маъмурий ҳукуқ Ўзбекистан Республикаси ҳукуқ тизимининг муайян, ўзига хос туркум ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилувчи тармоғи бўлиб ҳисобланади. Бу муносабатларнинг асосий характеристи хусусияти шундаки, улар давлат бошқаруви соҳасида, яъни Ўзбекистон Республикаси худудидаги ижроия ҳокимият тизимини ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ равишда вужудга келади, ривожланади ва бекор бўлади.

Бу ижтимоий муносабатлар бевосита давлат-бошқарув фаолияти билан боғлиқ ва шунинг учун бошқариш муносабатлари деб ҳам юритилади.

Таъкидлаш лозимки, барча бошқариш муносабатларини ҳам маъмурий ҳукуқ предмети деб ҳисоблаш нотўғри бўларди. Жумладан, нодавлат тузилмаларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатларда фақат шу тузилма аъзоларининг ҳукуқий бўлмаган нормаларда ифодаланган эрки ва манфаатлари ўз аксини топади. Бироқ, бу ҳол маъмурий ҳукуқ нодавлат тузилмаларнинг ташкил бўлиши ва фаолиятига нисбатан тамоман бефарқ эканлигини англатмайди.

лиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- давлат бошқаруви субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар)нинг хукуқлари ва мажбуриятларининг рӯёбга чиқарилишини таъминлаш;

- бошқарилувчи ва тартибга солинувчи соҳаларда давлат контроли ва назоратини амалга ошириш.

Эндиликда давлат бошқарувининг принциплари (раҳбарий асослари) тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Буларнинг асосийлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: бошқарувнинг инсон ва фуқаролар хукуқлари ва эркинликларининг рӯёбга чиқаришга ва муҳофаза қилишга йўналтирилганлиги; бошқарувни мунтазам демократлашиб ва эркинлашиб бориши; қонунийлик ва мустаҳкам интизом; бошқаришни ташкил қилишнинг илмий асосларининг кенгайиши; бошқарув тизими бўғинларининг ваколат доирасини аниқ белгилаб қўйишилик; бошқарув тизими кадрларининг сифатини мунтазам яхшилаб бориш ва бошқалар.

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёни жадал кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда ижтимоий ҳаётнинг баъзи соҳалари, биринчи навбатда, иқтисодиётда давлат бошқаруви доирасининг қисқариб бориши юз бермоқда. Бироқ, бу ижроия ҳокимиятнинг ролини камситилишини англатмаслиги керак. Ҳозирда ҳам турли кўринишдаги ижтимоий муносабатларни етарли даражада бошқаришни таъминловчи ижроия ҳокимиятга эҳтиёж катта.

Ўзбекистонда маъмурий ислоҳоўларни чукурлаштириш, давлат бошқарувини янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилдаги чиқарган «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ва «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда республика хукумати томонидан ишлаб чиқарилган маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича асосий ёндошувлар ва йўналишлар жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оши-

фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ўртасидаги муносабатлар.

Қайд қилинган барча бошқарув муносабатларида албатта у ёки бу ижро этувчи орган иштирок этади, усиз маъмурӣ-хуқуқий маънодаги бошқарув муносабатлари вужудга келмайди.

Бошқарув муносабатларини, шунингдек уларнинг пайдо бўлиш мақсадларига, яъни маъмурӣ-хуқуқий тартибга солинишига қараб ҳам турларга бўлиш мумкин. Бу асосга кўра икки гуруҳ шундай муносабатлар бўлиши мумкин:

а) ички ёки ички ташкилий, тизим ичидағи муносабатлар. Булар бошқариш тузилмаларини шакллантириш, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар асосини белгилаб қўйиш ва бошқариш аппарати органлари ходимлари ўртасидаги мажбуриятлар, ҳуқуқлар ва масъулиятларни тақсимлаш билан боғлиқ ва шу каби муносабатларни ташкил этади.

б) ташқи-ижроия ҳокимият тизимиға кирмайдиган (фуқаролар, жамоат бирлашмалари, тижорат тузилмалари ва ҳ.к.) объектларга бевосита таъсир қўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар. Аслида давлат корхоналари ва муассасаларини бошқариш бўйича муносабатлар ҳам ушбу гуруҳга киради, зероки улар ижроия ҳокимият субъектлари бўлиб ҳисобланмайди.

Маъмурӣ ҳуқуқ ўзининг тартибга солиш предмети доирасида энг аввало ижроия ҳокимият субъектларини ташкил қилиниши ва фаолият қўрсатиши, шунингдек тартибга солинадиган бошқарув муносабатларининг бошқа иштирокчилари хулқ-атвори учун муайян ҳуқуқий тартиб (режим) яратади. Айнан мана шунда ҳуқуқ ушбу тармоғининг хизмат роли, унинг ҳуқуқий тартибга солиш функцияси асосан намоён бўлади. Шунга мос маъмурӣ ҳуқуқнинг ижро қилиш, ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини ажратиш мумкин.

Шундай қилиб, маъмурӣ ҳуқуқ-давлат бошқарувини ташкил этишни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш

Маъмурий ҳуқуқнинг қоидалари амалдаги қонунчилиқда назарда тутилган ҳолларда муайян тарзда тартибга солувчи тасир кўрсатади.

Маъмурий ҳуқуқнинг предметини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

а) давлат-бошқарув фаолиятини ҳар қандай намоён бўлишини ўз ичига оладиган давлат бошқаруви соҳасини;

б) унда ҳаракат қилувчи ижроия ҳокимият субъекти ёки ўзга ижроия органнинг мавжудлигини;

в) бу субъектлар томонидан уларга давлат-бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун берилган ваколатларни амалда рўёбга чиқарилишини.

Маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган бошқарув муносабатлари турли хил бўлиб уларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин. Чунончи, уларда иштирок этувчиларнинг хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Турли ташкилий-ҳуқуқий даражаларда турган ва бир-бирига бўйсунувчи ижроия ҳокимият субъектлари ўртасидаги муносабатлар;

2. Бир хил ташкилий-ҳуқуқий даражадаги ва бир-бирига бўйсунмайдиган ижроия ҳокимият субъектлари (икки вазирлик, икки вилоят ҳокимлиги ва қ.к.) ўртасидаги муносабатлар;

3. Ижроия ҳокимият субъектлари ва уларнинг ташкилий қарамоғига кирувчи давлат бирлашмалари ва корхоналари ўртасидаги муносабатлар;

4. Ижроия ҳокимият субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлар;

5. Ижроия ҳокимият субъектлари ва нодавлат хўжалик ва ижтимоий-маданий бирлашмалар, корхоналар ва муассасалар ўртасидаги муносабатлар;

6. Ижроия ҳокимият субъектлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар.

7. Ижроия ҳокимияти органлари ва фуқаролар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатларнинг

билан боғлиқ: маъмурий-ҳукуқий тартибга солиш бир томонлама ҳал қилиш ваколатига эга бўлган расмий давлат органи мавжудлиги туфайли юзага келади; бироқ тартибга солинадиган бошқарув муносабатлари доирасидаги масалалар, кимнинг ташаббуси билан пайдо бўлишидан қатъи назар, қонунлар ва маъмурий-ҳукуқий нормаларга мос ҳал қилиниши лозим.

Тўртингчидан, маъмурий ҳукуқ методини тавсифловчи юқорида қайд қилинган барча хусусиятлар маъмурий-ҳукуқий воситалар билан мулкий характердаги муносабатлар тартибга солингандა ҳам намоён бўлади. Чунончи, монополияга қарши органлар муайян фаолият соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилишда чеклашлар белгилаши, шунингдек баъзи фаолият турларини амалга ошириш ёки муайян маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқаришни тақиқлаб қўйишлари мумкин.

Бешинчидан, маъмурий-ҳукуқий тартибга солишнинг мажбурийлик ва бир томонлама амалга оширилишидан иборат муҳим белгилари, зарурат бўлганда рухсат берувчи воситалардан фойдаланишни инкор этмайди. Бундай ҳолда тартибга солинувчи бошқарув муносабатлари қатнашчиларининг tengligига асосланган муносабатлар вужудга келиши мумкин. Аммо рухсат беришдан фойдаланиш ҳам маъмурий-ҳукуқий нормалар ёрдамида амалга оширилади (м: тегишли рухсатнома бериш).

Шундай қилиб, бошқарув муносабатларини маъмурий-ҳукуқий тартибга солиш методининг моҳиятини қуидаги ч тавсифлаш мумкин:

а) ҳаракатнинг муайян тартибини белгилаш - маъмурий-ҳукуқий норма билан назарда тутилган шартларда ва тартибда ҳаракат қилишлик учун кўрсатма бериш;

б) таъсир кўрсатишнинг тегишли юридик воситаларини қўллаш мумкинлиги хавфи остида муайян ҳаракатларни тақиқлаш (м: интизомий ёки маъмурий жавобгарлик);

в) маъмурий-ҳукуқий нормада назарда тутилган зарурий хулқ-атвор варианtlаридан бирини танлаш имкониятини

учун мүлжалланган ҳуқуқий нормаларнинг йифиндисидан иборат ҳуқуқ тармоғидир.

3. Маъмурий ҳуқуқнинг методи

Давлат ва ҳуқуқ назариясига биноан ҳуқуқий тартибга солиш методи деганда узоқ муддат давомидаги инсонлар ўртасидаги муносабатлар натижасида ишлаб чиқилган кишиларнинг хулқ-авторига юридик таъсир кўрсатиш усулалий йифиндиси тушунилади. Агарда ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳуқуқ нимани тартибга солади, деган саволга жавоб берса, метод-қандай тартибга солади, деган саволга жавоб беради.

Маъмурий-ҳуқуқий метод даставвал юридик-ҳокимият фаолият характеристига эга бўлган давлат бошқарувининг хусусиятлари билан белгиланади.

Давлат - бошқарув фаолияти моҳиятидан ва маъмурий ҳуқуқ предметидан келиб чиқувчи бошқарув муносабатларини маъмурӣ, ҳуқуқий тартибга солишнинг қўйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, умуман маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмига фармойиш бериш характеристидаги ҳуқуқий воситалар, яъни мажбурий кўрсатмалар бериш хос.

Иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш муносабатларини битта иштирокчисининг бир тарафлама хоҳишини намоён бўлишини тақоза қиласи. Бу хоҳиш-ирода юридик мажбурий тарзда бўлади ва шунинг учун у ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Учинчидан, маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган бошқарув муносабатларида бошқарувчи билан бошқарилувчи ўртасида қўйидагича алоқадорлик ўз ифодасини топади: ёки бошқарувчи тарафда бошқарилувчи эга бўлмаган юридик-ҳокимият ваколатлари мавжуд бўлади, ёки бошқарувчи тарафда бундай ваколатлар ҳажми бошқарилувчига нисбатан кўпроқ (м: ижроия ҳокимиятнинг турли даражали бўғин органлари). Ушбу хусусият қўйидаги муҳим қоида

бошқарув муносабатларини ўз ичига олиб, қуйидаги нормаларни бирлаштиради:

- 1) давлат бошқарув органларининг ташкилий-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи;
- 2) ижтимоий-маданият фаолиятини тартибга солувчи;
- 3) фуқаролар, жамият, давлат хавфсизлигини таъминловчи, маъмурий-сиёсий фаолиятни тартибга солувчи;
- 4) тармоқлараро соҳа.

Маъмурий ҳуқуқ бошқариш муносабатларининг кўп сонли ва турли-туманлигига мос равишда ҳуқуқ тизимининг энг мураккаб тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жамият ҳаётининг бирор-бир соҳаси йўқки, унда давлат бошқарув органи иштирок этмайдиган бўлсин. Иқтисодиётда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишининг аҳамияти камайиб бораётган, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида, ҳатто қуролли кучлар таркибини шакллантиришда шартномавий, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тобора кенг қўлланилаётган бўлса-да, бу соҳаларда ижроия ҳокимиятнинг, маъмурий ҳуқуқнинг функциялари ниқоятда муҳимдир.

Маъмурий, давлат (конституциявий), фуқаролик ва қатор бошқа ҳуқуқ тармоқлари ҳуқуқий тизимнинг асосий (фундаментал), йўналтирувчи (профилирующий) қисмлари бўлиб, улар биргаликда бу тизимнинг ўзагини ташкил этади. Маъмурий ҳуқуқда у ёки бу даражада бошқа тармоқларда фойдаланиладиган бошланғич материал мавжуд. Унинг атрофида молия, ер, экология ҳуқуқи гуруҳланади, яъни маъмурий ҳуқуқнинг кўпгина нормалари бошқариш муносабатларини мустаҳкамловчи бутун бир тармоқлар туркумини бошқаради. Бу ҳуқуқ тармоқларида ҳам тартибга солишининг маъмурий-ҳуқуқий методидан кенг фойдаланилади.

Масалан, маъмурий ҳуқуқ нормаларидан солиқлар ва йиғимлар йиғиш тартибини белгилашда, солиқ қонунчилигига риоя қилиш устидан давлат назоратини амалга оширишда фойдаланилади; тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий асосларини яратишда қўлланилади; улар давлат хизмати

бериш. Одатда, бу метод мансабдор шахслар хулқ-атворини тартибга солишга мүлжалланган бўлиб, бунда мансабдор шахслар бу танлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлмайди;

г) ўз ҳоҳишига кўра ҳаракат қилиш яъни маъмурий-хуқуқий нормада назарда тутилган ҳаракатни муайян шароитларда содир қилиш ёки қилмаслик имкониятини бериш.

4. Маъмурий ҳуқуқнинг тизими ва манбалари

Мустақил ҳуқуқ тармоғининг предмети ва методи билан бир қаторда учинчи хусусияти унинг яхлитлиги, бир бутунлигидир. Бу хусусият маъмурий ҳуқуқда ҳам анча аниқ кўзга ташланади.

Маъмурий ҳуқуқ-хуқуқий нормалар ва институтларнинг яхлит тизими. Уларни ҳуқуқий тартибга солиш предмети, миқсадлари, принциплари ва методи бирлаштириб туради. Ҳуқуқий нормалар ва институтлар бўлимлар ва груптарга бўлинган пайтда ҳам бир бири билан мувофиқлашган, ягона тушунчаларга таингин, бир хил атамалардан фойдалангин бўлишлари зарур. Тармоқ ичida турли юридик кучга эга бўлгин, умумий ва маҳсус нормалар даражалари (субординацияси) мавжуд бўлади. Умуман эса, тармоқ тартибга солишнинг ўзига хос маъмурий-хуқуқий режими (тартиб)ни ўрнатади.

Маъмурий ҳуқуқ тизими Умумий ва Маҳсус қисмларга бўлинади. Умумий қисм бошқаришни бутунлай қамраб олувчи нормаларни ўз ичига олади, Маҳсус қисм эса, ижроия ҳокимият фаолиятининг алоҳида соҳалари доирасида ҳаракат қилувчи нормалардан иборат бўлади.

Умумий қисм кўйидаги масалаларни тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олади:

- 1) Маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари;
- 2) Маъмурий-хуқуқий шакллар ва методлар(усуллар);
- 3) Маъмурий жавобгарлик;
- 4) Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш.

Маъмурий ҳуқуқни Маҳсус қисми тўрт йирик соҳадаги

муносабатларининг вужудга келиши ва тугаши тартибини ўрнатади; бошқа тармоқлар доирасида фаолият олиб борадиган турли органлар (масалан, табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари) компетенциясининг кўпгина томонлари ни тартибга солади.

Давлат бошқаруви доирасида маъмурий ҳуқуқнинг предметига кирмайдиган, бошқа ҳуқуқ тармоқлари қоидалари таъсирида бўлган ижтимоий муносабатлар ҳам бўлишилиги сабабли турли ҳуқуқ тармоқлари ўртасидаги муносабатлар вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқ биринчи навбатда конституциявий ҳуқуқ билан яқин алоқада бўлади. Етакчи ҳуқуқ тармоғи ҳисобланадиган конституциявий ҳуқуқ ижрдия ҳокимиятни ташкил бўлиши ва фаолиятининг асосий принципларини, унинг субъектларининг давлат механизмида тутган ўрни, давлат ҳокимияти бошқа тармоқлари субъектлари билан ўзаро муносабатларини, инсон ва фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини белгилайди. Маъмурий ҳуқуқ учун булар бошланғич, таянч қоидалар бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ кўп ҳолларда ташқи қўриши жиҳатидан ўхшаш мулкий ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Маъмурий ва меҳнат ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатларда ҳам шундай ҳолат учрайди. Маъмурий ҳуқуқ билан молия ҳуқуқи ва ер ҳуқуқи ўртасида чегарани аниқлаш бир мунча қийинлик туғдиради. Улар ўзаро муносабатлари механизми хусусияти шундаки, бу тармоқлар предметига кирувчи анчагина муносабатлар маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Маълумки, юридик ўқув муассасаларида маъмурий ҳуқуқ фани ўқитилади. Демак, маъмурий ҳуқуқ тўғрисида ҳуқуқ тармоғи (давлат бошқаруви соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йигиндиси) сифатида ва ҳуқуқий фан сифатида сўз юритиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ фани маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тармоғи сифатида тушунчалар ва билимлар тизими бўлиб, унинг

тариҳий тараққиёти, давлат бошқаруви институтларининг хусусиятлари, маъмурий ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш йўллари қаби амалдаги ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинмайдиган масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Маъмурий ҳуқуқ фани маъмурий ҳуқуқий нормаларни ривожланиш ва такомиллашиш қонуниятлари, уларни қўллаш тажрибасини тадқиқ қиласди.

Маъмурий ҳуқуқ фани мамлакатимизда бозор муносабатларини жорий этиш, демократик фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш билан боғлиқ, бу соҳалаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласди.

Маъмурий ҳуқуқ фани (ўкув курси) икки қисмдан иборат.

1. Умумий қисм маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тармоғи ва фан сифатидаги хусусиятларини, маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари, маъмурий ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ва усуллари, маъмурий жавобгарлик ва давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш тўғрисидаги тушенчаларни ўз ичига олади.

2. Махсус қисм эса турли соҳаларни (иқтисодиёт, ижтимоий маданий тараққиёт, маъмурий сиёсий қурилиш ва тармоқларро) ва улар таркибига киравчи тармоқларни бошқаришни ташкил этиш билан боғлиқ билимларни ўрганади.

Маъмурий ҳуқуқнинг манбалари - бу маъмурий-ҳуқуқий нормалирнинг ташкил намоён бўлиш шаклидир. Булар маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган давлат органларининг хужжатларидир.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни кўп турлилиги маъмурий ҳуқуқ минбаъричининг ҳам кўп хиллигини тақозо қиласди. Улар ичига қонун чиқарувчи (вакиллик), ижроия ҳокимийт ортигинларининг норматив ҳужжатлари ва шунингдек, улар томонидан тасдиқланадиган қоидалар, низомлар, уставлар ва шу кабилар киради.

Маъмурий ҳуқуқнинг манбалари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Унинг

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi

кўпгина умумий нормалари маъмурий-хуқуқий йўналишга эга. Масалан, булар: ижроия ҳокимият органларининг ташкил этилиши ва фаолияти асосларини белгиловчи, фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги хуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамловчи ва бошқа конституциявий нормалар.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги, Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги, Ташқи Иқтисодий фаолият тўғрисидаги, Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг кўпгина моддалари маъмурий-хуқуқий муносабатларни тартибга солади. Маъмурий хуқуқ манбай сифатида қонунлар ичida кодекслар алоқида ўрин тутади:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Божхона колекси, Солиқ кодекси, Ер кодекси ва бошқалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив фармонлари. Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиги сифатида Конституция билан берилган ваколатлар доирасида турли хуқуқ тармоқлари, жумладан, маъмурий хуқуққа оид актлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999 й., №7), «Коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001 й., №4), «Илмий - тадқиқот фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» (2002 йил 20 февраль), «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» (Халқ сўзи, 2002 йил, 4 июль) каби фармонлари шулар жумласидандир.

4. Ўзбекистон Республикаси хукумати (Вазирлар Маҳкамаси)нинг норматив қарорлари ва фармойишлари. Республика хукумати маъмурий - хуқуқий нормалар ижодкорлиги соҳасида ҳам фаол иш олиб боради: ижроия ҳокимият орган-

лари (М: вазирлар, давлат құмиталари ва ҳ.к.) тұғрисидаги хужжатларни тасдиқлайды, маъмурий-хуқуқий нормалар мавжуд бўлган қоидалар, низомлар чиқаради.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат құмиталари, вазирликлари, идоралари ва хизматларининг норматив хужжатлари. Шуни таъкидлаш лозимки, бу органларнинг актларидаги маъмурий-хуқуқий характердаги қоидалар тегишли соҳа доирасида ҳам, тармоқлараро соҳаларга ҳам алоқадор бўлиши мумкин(М:молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат құмитаси ва ҳ.к.).

6. Вилоятларда, туманларда (шаҳарларда) ушбу тузилмалар давлат ҳокимият ва бошқарув органлари (вакиллик органлари, ҳокимлар) томонидан чиқариладиган норматив хуқуқий хужжатлар маъмурий хуқуқ манбай сифатида хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексининг 6-моддасида белгиланишича Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, шунингдек табиий оғатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш ва колатига эга. Булардан ташқари ушбу органлар бир неча масалалар бўйича(М:ов қилиш ёки балиқ тутиш, ҳайвонларни карантинга қўйиш, ит ва мушук боқиш, ободонлаштириш ва ҳ.к.) бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни ҳам белгилаши мүмкин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг норматив актлари.

8. Ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланадиган низомлар, уставлар, қоидалар ва ҳ.к.

9. Давлат органлари ва жамоат ташқилотларининг құшма хужжатлари, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари томонидан тасдиқланган ёки маъқулланган норматив хужжатлари.

10. Давлатлараро битимлар, давлат корпорациялари,

бирлашмалари, корхоналари ва муассасалари раҳбарлари-нинг норматив ҳужжатлари (ички ташкилий характердаги) ҳам маъмурий ҳуқуқ манбалари бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун саволлар:

1. Бошқарув ва унинг бир тури бўлган давлат бошқарининг моҳияти нимада намоён бўлади?
2. Давлат бошқаруви ва ижроия ҳокимият ўртасида қандай муносабат мавжуд?
3. Маъмурий ҳуқуқ предметини нима ташкил этади?
4. Маъмурий-ҳуқуқий метод қандай характерли хусусиятларга эга?
5. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида маъмурий ҳуқуқ қандай ўрин тутади?
6. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқининг тизимини тавсифлаб беринг.
7. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқининг асосий манбаларини санаб кўрсатинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар.

1; 5; 6; 7; 11; 12; 13; 14; 164; (1-боб); 165 (1-2 боб).

II боб. Маъмурий-хуқуқий нормалар ва маъмурий-хуқуқий муносабатлар

1. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тушунчаси ва хусусиятлари.
2. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг турлари.
3. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг тушунчаси, асосий хусусиятлари ва турлари.
4. Маъмурий хуқуқда юридик фактлар.

1. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тушунчаси ва хусусиятлари

Ҳар қандай хуқуқ тармоғи юридик нормалардан иборат бўлади, уларнинг уюшган йифиндисини ташкил этади. Маъмурий хуқуқ хуқуқнинг бошланғич элементи, бу тармоқ тизими қад кўтарадиган «фиштчалар» бўлиб маъмурий-хуқуқ хуқуқий нормалар ҳисобланади.

Маъмурий-хуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи қоидалар бўлиб, улар ижро этилмаган тақдирда давлат мажбурлови ёрдамида амалга оширилади.

Маъмурий-хуқуқий нормаларда маъмурий хуқуқ предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари ўз аксини топади.

Маъмурий-хуқуқий нормаларда маъмурий хуқуқнинг тартибга солувчилик роли бевосита ўз ифодасини топиб, бу қийидагиларда намоён бўлади:

а) маъмурий-хуқуқий нормалар ижроия ҳокимиятнинг бутун тизимини (давлат бошқаруви) ҳам, унинг алоҳида бўғинларини ҳам ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишини зарур даражада тартибга солиниши ҳамда улар ўртасида ўзаро тўғри муносабатлар ўрнатилишини таъминлашни мақсад қилиб қўяди;

б) маъмурий-хуқуқий нормалар бевосита давлат бошқа-

руви соҳасида ҳаракат қилувчи ва унинг муайян функциясини бажарувчи барча шахслар ва ташкилотларнинг ҳукуқий давлат манфаатларига мос келувчи зарурий хулқ-атворини белгилайди. Зарурий хулқ-атвор қандай ҳаракатларни содир қилиш мумкин (рухсат берилган), қандайларидан ўзини тийиш (тақиқланганлар), қайсиларини содир қилиш лозим (мажбурий қўрсатмалар) лигини тақозо қиласди. Худди ана шунда хулқ-атворга бошқарувчи таъсир кўрсатиш ўз ифодасини топади;

в) маъмурий-ҳукуқий нормалар давлат бошқаруви соҳасида ҳаракат қилиб, энг аввало ва асосан, ижроия ҳокимиёт механизмини конституциявий ролини самарали рӯёбга чиқаришни, яъни Ўзбекистан Республикаси қонунларининг талабларини ҳаётга татбиқ қилишни таъминлашга мўлжалланган бўлади;

г) маъмурий-ҳукуқий нормалар давлат бошқаруви соҳасида зарурий хулқ-атвор доираларини белгилаб, давлат бошқарув фаолият жараёнида вужудга келадиган муносабатларда мустаҳкам қонунийлик режими ва давлат интизомини ўрнатиш ва таъминлаш манфаатларига хизмат қиласди;

д) маъмурий-ҳукуқий нормалар бошқа кўпгина ҳукуқ тармоқларидан фарқли ўлароқ, уларга бўладиган тажовузлардан муҳофаза қиласдиган маҳсус юридик ҳимоя воситаларига эга бўлади. Масалан, бунда суд тартибида бўлмаган ҳолда юзага келадиган маъмурий жавобгарлик назарда тутилади;

е) маъмурий ҳукуқий нормалар кўп ҳолларда фақатгина уларнинг ҳимоясидагиларнигина эмас, бошқа ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солувчи бўлиб майдонга чиқиши мумкин. Масалан, уларнинг ёрдамида молия, ер, меҳнат ва бошқа муносабатлар тартибга солинади, айнан улар асосида солиқлар, йиғимлар олиш тартиби белгиланади, солиқ, табиат муҳофазаси, меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши устидан давлат назорати амалга оширилади, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим ташкилий асослари ўрнатилади;

ж) маъмурий-ҳукуқий нормалар кўп ҳолларда бевосита

ижроия ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида ва бевосита унинг субъектлари томонидан чиқарилади.

Маъмурий-хукуқий нормалар бошқарув характеридаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи сифатида давлат бошқаруви соҳасидаги хукуқни қўллашнинг муҳим юридик шакли бўлиб тавсифланиши мумкин.

Маъмурий-хукуқий нормаларнинг муайян даражалари (иерархия) мавжуд: конституциявий нормалар, қонунларнинг нормалари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ бевосита ижроия ҳокимият субъектларига берилган хукуқ асосида ўрнатилган нормалар. Бу хукуқий нормалар бир хил юридик мазмунга эга бўлгани ҳолда ўзларининг юридик кучига кўра тенг аҳамиятли эмас.

Ижроия ҳокимият субъектлари томонидан ўрнатиладиган маъмурий-хукуқий нормалар шуларга ўхшашиб конституциявий ёки қонунлар нормаларига нисбатан иккиламчи характерга эга, яъни улардан келиб чиқади; конституциявий ва қонунлар билан белгиланган қоидалар ўз юридик аҳамиятига кўра бирламчи характерга эга бўлади. Демак, ижроия ҳокимият субъектларининг маъмурий-хукуқий нормалари қонуности хусусиятига эга қоидалардир.

Ижроия ҳокимият субъектлари томонидан ўрнатиладиган нормаларнинг муҳим аҳамияти шундаки, улар қонунлар билан белгиланган умумий қоидаларнинг тўғридан-тўғри ҳаракат (амал) қилишларини таъминлаш вазифасини баҷарадилар.

Маъмурий-хукуқий нормалар биринчи навбатда ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) субъектларига мўлжалланган юридик мажбурий хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олган бўлади.

Шундай бўлишиига қарамасдан, маъмурий-хукуқий нормаларини тартибга солини таъсир доиралари жуда кенг. Айнан шунда ижроия ҳокимият вазифалари ва функцияларини амалга ошириш фаолиятининг ўзини кенг қамровли эканлиги сингари маъмурий-хукуқий нормаларнинг ҳам универсаллик хусусияти намоён бўлади.

Маъмурий-хуқуқий нормалар қатъиј (императив) булиб, ваколатли органларнинг уларда белгиланган юридик-мажбурий хоҳиш-иродалари бир тарафлама характерга эга булади.

Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг тузилмаси анъанавий: улар гипотеза, диспозиция ва санкциядан иборат таркибий қисмларга эга.

Гипотеза—маъмурий-хуқуқ нормаларнинг қўлланишини белгиловчи ҳаётий шарт-шароит(ҳолат)лар баён қилинган қисм.

Диспозиция — норма белгилайдиган қоида: ваколат берадиган, мажбур қиласдиган ёки тақиқлайдиган хулқ-атвор.

Санкция- норма бузилганда қўлланадиган таъсир чораси(маъмурий ёки интизомий), норма ҳаракатининг мантикий якунловчи қисми.

2. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг турлари

Маъмурий-хуқуқий нормаларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин. Бу асослар ичидаги уларнинг моҳияти, мазмуни ва шакли буйича турларга бўлиш муҳим ҳисобланади.

Мазмунига кўра моддий (хуқуқий муносабатлар субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи) ва процессуал (моддий нормаларни амалга ошириш тартибини, яъни муносабатлар субъектларини хуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тартиби, жараёнини ўрнатувчи) нормалар ажратилади. Жиноят ва фуқаролик хуқуқларида кўпдан бўён жиноят ва фуқаролик процессуал хуқуқлар алоҳида ҳолда фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, маъмурий хуқуқ доирасида икки кичик тармоқ: моддий маъмурий хуқуқ ва процессуал маъмурий хуқуқ узвий биргаликда мавжуд булиб келмоқда.

Маъмурий-хуқуқий нормалар ўз мақсад вазифалари нуқтаи назаридан регулятив (тартибга солувчи) ва муҳофаза қилувчи нормаларга бўлинади. Регулятив нормалар яратувчилик, нормал фаолият қоидаларидан иборат бўлса, муҳо-

фаза этувчи нормалар юридик тартибга солинган муносабатларни қўриқлашга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади. Шунга мувофиқ равишда маъмурий хуқуқни ижроия ҳокимиятнинг ижодий яратувчилик фаолияти («фаол бошқариш») ва қўриқлаш, ҳимоя қилиш («пассив бошқариш») фаолиятини тартибга солувчи нормалардан иборат мажмua деб фараз қилса бўлади.

Субъектлар хулқ-авторига таъсир кўрсатиш методига кўра маъмурий-хуқуқий нормаларни мажбур қилувчи, тақиқловчи (ман қилувчи), ваколат берувчи, рағбатлантирувчи, тавсия қилувчи турларга бўлиш мумкин.

Амал қилиш (худудий, шахсларга кўра) доираси бўйича умуммажбурий характердаги ва аппарат ичидаги нормаларга ажратиш мумкин.

Субъектлар (кимга йўналтирилганлик) бўйича давлат ташкилотлари ва уларнинг ходимлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар, шунингдек, турли субъектлар фаолиятини тартибга солувчи нормалар бўлади.

Маъмурий-хуқуқий нормаларни бошқа асослар (м: диспозицияси)га кўра ҳам турларга бўлиш мумкин.

3. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг тушунчаси, асосий ҳусусиятлари ва турлари

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар хуқуқий муносабатларнинг бир тури булиб, ижроия ҳокимият фаолияти доирасида вужудга келадиган, маъмурий хуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардан иборат. — Маъмурий-хуқуқий муносабатларда ижтимоий муносабатларни маъмурий-хуқуқий тартибга солишнинг барча ҳусусиятлари намоён бўладиган бошқарув алоқалари асосий ролни ўйнайди.

Хуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида маъмурий-хуқуқий муносабагларга умуман хуқуқий муносабатларга хос барча ҳусусиятлар ҳам тааллуқли бўлсада, маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг ўзига хос белгилари мавжуд.

Уларнинг асосийлари:

1. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар «ҳокимият-бўйсуниш» асосига қурилган ҳокимият муносабатлариридир. Бу муносабатларни ҳокимият муносабатлари сифатида тавсифлаб, айни вақтда қайд қилиш лозимки, бу билан маъмурий хуқуқнинг ролини полиция хуқуқи даражасига тенглаштириб юбориш, маъмурий-хуқуқий муносабатларни эса фатъат давлат мажбурлашига асосланган муносабатлардан иборат тарзда изоҳлаш тамоман хотүғри бўлади.

Бунда эътибор беришга лойиқ жиҳат шундаки, ҳокимият муносабатини тушунча сифатида сўзсиз маъмурий хуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти деб таърифлаш лозим эмас. Бошқа томондан эса, уларнинг айнан шу белгиси давлат-бошқарув фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлганлиги учун устувор характерга эга.

2. Ўз моҳиятига кўра бошқарув муносабатлари ҳисобланган маъмурий-хуқуқий муносабатларда давлат-ҳокимият кўриниши (ижроия ҳокимият) бўлган бошқарувнинг энг муҳим хусусиятлари қўзга ташланади. Бунда асосийси: бошқариш ҳамма вақт биргаликдаги фаолият қатнашчилари иродасини ягона бошқарувчи иродасига бўйсунишини тақозо қиласди, бошқариш муносабатларида хоҳиш-иродаларнинг бир-бирига бўйсунишлиги мавжуд бўлади. Бинобарин, бир томонда - бошқариш субъектининг обрў-эътибори, хукмрон (устун) хоҳиш-иродаси, иккинчи томондан эса - бошқарув муносабатлари бошқа иштирокчиларининг унга бўйсунган хоҳишлари, маъмурий хуқуқ билан тартибга солинадиган турли хилдаги бошқарув алоқаларидаги тарафларнинг ўзаро боғлиқлиги шу тарзда намоён бўлади. Бу муносабатларнинг ҳокимият характери ҳам ана шундан келиб чиқади.

3. Маъмурий-хуқуқий муносабатларда ҳамма вақт давлат-бошқарув фаолиятига хос барча асосий хусусиятлар, шунингдек, бу турдаги давлат фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган манфаатлар ифодаланган бўлади. Ижроия ҳокимиятга ва уни амалга оширишга нима хос

бўлса, бу ҳуқуқий муносабатларда турли шаклларда бўлса ҳам, ўзининг бевосита аксини топади. Шунинг учун ҳам маъмурий-хуқуқий муносабатларда у ёки бу шаклда, у ёки бу ҳажмда оммавий-хуқуқий, яъни давлат манфаати мужас-сам бўлади. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тўғридан тўғри давлатнинг бошқарув мақсадлари ва манфаатлари билан боғланган бўлади.

Шундай қилиб, маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг белгиловчи хусусияти шундаки, улар аксарият ҳолда давлат ва жамият ҳаётининг маҳсус соҳаси - давлат бошқаруви соҳасида вужудга келади.

4. Давлат бошқаруви давлат фаолиятининг маҳсус турдаги субъектлар фаолият кўрсатадиган соҳасидир. Уларни умумий тарзда давлат бошқаруви органлари ёки ижроия ҳокимият органлари деб аташади. Бу маъмурий-хуқуқий муносабатларда давлат бошқарувининг ўзи, яъни шу турдаги давлат фаолияти субъектларининг компетенцияси бевосита ифодаланади.

Ушбу хусусият маъмурий-хуқуқий тартибга солишнинг асосий обьекти бўлган бошқарув фаолияти, шунингдек у билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар бевосита давлат эрки ва манфаатларини ифода этишили билан белгиланади. Буларни фақатгина, биринчидан, давлат номидан ҳаракат қилувчи ва иккинчидан, давлат-ҳокимият характеристидаги тегишли ваколатларга эга бўлган субъектгина ифода этиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамма вақт маъмурий-хуқуқий муносабатларда бир тараф ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви)нинг расмий ва ваколатли субъектидан иборат бўлади. Бошқача айтганда, маъмурий-хуқуқий муносабатларда амалда турли тарафлар иштирок этиши мумкин бўлса-да, буларда бир тараф сифатида оммавий ҳокимият манфаатини ифода этувчи тегишли ижроия орган (mansabдор шахс) бўлмаса, бу муносабатлар вужудга келмайди. Давлат бошқарув фаолиятининг ҳокимият (мажбурий) характеристи ҳам айнан шунинг натижасидир.

5. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар ўз моқиятига кўра

ташкилий муносабатлардир, яъни улар билан ижроия ҳокимиятни ҳуқуқни ижросини ташкил этишга йўналтирилган функцияларини амалга ошириш ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд бўлади. Давлат бошқарув механизмини реал амал қилишини таъминлаш учун бевосита зарур бўлган ташкилий, кадрлар, моддий ва бошқа жиҳатдаги таъминлов ҳам шу муносабатлар доирасида ҳал қилинади.

6. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар ҳар қандай тараф ташаббуси билан вужудга келиши мумкин. Иккинчи тарафнинг хоҳиши ёки розилиги ҳамма вақт ҳам буларни юзага келиши учун шарт эмас. Улар иккинчи тараф хоҳишига қарши ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу белги уларни фуқаролик хуқуқий муносабатлардан айниқса фарқ қилдириб туради.

7. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар тарафлари ўртасида низолар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, фуқаро ижроия орган (мансабдор шахс)нинг ўзига нисбатан ҳаракатининг қонунийлиги билан рози бўлмаслиги мумкин.

Бу норозилик-хуқуқий муносабатни вужудга келишига таъсир кўрсатмаса-да, бари бир муайян юридик оқибатларни келтириб чиқаради: фуқаро ушбу ҳаракат устида баҳслишиши (шикоят қилиши) мумкин. Шу тарзда маъмурий-хуқуқий низо келиб чиқади.

Бу низоларни ҳал қилинишининг маҳсус процессуал тартиби-маъмурий, судсиз (яъни судга мурожаат қилмасдан) ҳал қилиш тартиби белгиланган. Бу тартиб ушбу низолар давлат бошқаруви доирасидан чиқмасдан ҳал қилинади ва давлат бошқарув фаолиятининг бир кўриниши (белгиси, атрибути) бўлиб ҳисобланади. Бу тартибининг моҳияти - ваколатли ҳокимият органи (мансабдор шахс) томонидан низо предмети бўлган қарорнинг қонунийлиги тўғрисидаги низо бўйича юридик ҳокимият (мажбурий) характерга эга қарор қабул қилинишидир. Маъмурий-хуқуқий низоларнинг ҳал қилишнинг батафсил тартиби Ўзбекистан Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун билан белгилаб қўйилган.

Айни вақтда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги маъмурий-хуқуқий низоларни фақат суд йўли билан ёки муқобил тарзда ҳал этилиши мумкинлигини ҳам назарда тутади. Бунда маъмурий-хуқуқий низоларни суд йўли билан ҳал қилиш доираси кенгайиб бораётганлиги кўзга ташланади

8. Агарда фуқаролик хуқуқий муносабатларда тарафларнинг ўзаро (бирининг иккинчиси олдида) жавобгарлиги хос бўлса, маъмурий-хуқуқий муносабатларда бир тараф иккинчи тараф олдида эмас, балки давлат олдида жавобгар бўлади (давлатнинг ваколатли органи, мансабдор шахс). Чунки бунда гап ижроия ҳокимият соҳасидаги оммавий-хуқуқий манфаатлар бузилаётганлиги хусусида боради.

Маъмурий (бошқарув) хуқуқий муносабатлар хилма-хил.

Фаолият мақсадларига кўра бу муносабатлар регулятив (тартибга солувчи) ёки муҳофаза қилувчи (бунинг қўп тарқалған тури қонун бузишлик билан боғлиқ).

Хуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг таркибига кўра улар алпарат ичидаги ва аппарат ташқарисидаги муносабатларга бўлинади.

Шунингдек, маъмурий-хуқуқий муносабатларни қуидаги икки гурӯҳга бўлиш мумкин:

а) бошқарув таъсирининг асосий моҳияти («субъект-объект»)ни ифода этувчи муносабатлар. Буларда давлат бошқарув фаолиятининг мажбурийлик (ҳокимлик, ҳукмронлик) табиати аниқ намоён бўлади. Бу - ҳокимият муносабатининг асли ўзидир.

б) у ёки бу обьектга бевосита бошқарув таъсир доирасида бўлмаса-да, бироқ, у билан узвий боғлиқ ҳолда вужудга келадиган муносабатлар.

Баъзида қайд қилинган маъмурий-хуқуқий муносабатларни асосий ва асосий бўлмаган бошқарув алоқалари деб ҳам юритилади. Биринчиси тўғридан тўғри бошқаришнинг моҳиятини ифодаласа, иккинчиси бу моҳиятни бевосита ифодаламаса-да, у билан боғлиқ бўлади. Биринчи тур муносабатларга «буйруқ-ижро» шаклидаги муносабатлар кирити-

шади. Бу ижроия ҳокимият механизмининг юқори ва қўйи бўғинлари ўртасидаги муносабатлардан иборат. Иккинчи гуруҳ муносабатларни тавсифлаганда шунга эътибор бериш лозимки, бу муносабатлар давлат бошқаруви соҳасида вужудга келса-да, субъектнинг бошқарилувчи обьектга бевосита бошқариш таъсирини англатмайди. Давлат бошқаруви соҳасида бўлиб, бир-бирига бўйсунишлик тарзида боғлиқ бўлмаган тарафлар ўртасидаги муносабатлар ана шундай муносабатлар тоифасига киради («субъект-субъект» муносабатлари). Масалан, икки вазирлик биргаликда қўшма хужжат қабул қилиш ёки умумий масалани ҳал қилиш юзасидан ўзаро муносабатларга кириши мумкин. Булар ижроия ҳокимиятни амалга ошириш учун нормал шароит яратишда зарур бўлиб ҳисобланади. Буларни горизонтал муносабатлар деб аташади.

Маъмурий-хукуқий муносабатларни уларда қатнашчиларнинг ўзаро алоқаларининг юрилик характеристига қараб турларга бўлиш диққатга сазовордир. Бу муносабатлар маълум даражада олдин қайд қилинганларни ҳам ўз ичига олган ҳолда вертикал (тик чизиқ бўйича) ва горизонтал (текис чизиқ бўйича) хукуқий муносабатлар деб юритилади.

Вертикал муносабатларда маъмурий хукуқий тартибга солишга хос белгилар аниқроқ ўз мужассамини тонади ва уларда давлат-бошқарув фаолияти учун тааллуқли бўлган субъект ва обьект ўртасидаги субординацион (бўйсунишлик) алоқалар намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат бошқаруви соҳасидаги тарафларнинг ўзаро муносабатларидаги бир-бирига бўйсунишлик ҳақида сўз юритганда биринчи навбатда ташкилий бўйсунишлик назарда тутилади. Зоро, айнан шундай муносабат бошқарув тизимидағи қўйи ва юқори бўғинлар ўртасидаги (м: ижроия орган ва унинг қарамоғида бўлган корхоналар, муассасалар ўртасида) алоқаларда кўринади.

Кўпгина вертикал характердаги маъмурий хукуқий муносабатлар уларнинг бир -бирига бўйсунмайдиган қатнашчилари ўртасида ҳам вужудга келиши мумкин. Лекин бу ҳол-

ларда ҳам тарафларнинг бири ўз компетенцияси (ваколати) характерига кўра ўзига ташкилий жихатдан буйсунмайдиган иккинчи тараф учун ҳам ижро этилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий хужжатлар чиқариши мумкин. Қоида тарикасида, бу хилдаги бошқарув алоқалари тармоқларап давлат бошқарув тизимларига хос бўлади (м: атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ва ҳуқуқий.к.). Бунда ўзаро бўйсунишликнинг маҳсус кўриниши - мувофиқлаштириш тури намоён бўлади.

Давлат бошқаруви соҳасида ижроия ҳокимият субъектлари томонидан кенг миқёсда контрол-назорат фаолияти амалга оширилади (м: маъмурий назорат). Бинобарин, бўйсунишликнинг яна бир тури-контрол ёки назорат остида бўлишлик ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, бир хил бўлмаган вертикал маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг умумий хусусиятлари - бу улар доирасида тўғридан тўғри бошқарув таъсирини амалга оширилиши ва бир тараф юридик хоҳиш-иродасининг устунлигиdir.

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар тузилмаси тўғрисидаги масала ҳам муҳимdir. Бу муносабатларнинг элементлари бўлиб бошқаларнига ўхшаш субъектлар (қатнашчилар), обьект (нимага қаратилганлиги) ва мазмун (субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносатларнинг субъектлари бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга, уларни амалга оширишга лаёқатли бўлган тарафлар (қатнашчилар) ҳисобланади. Бу субъектларнинг маъмурий ҳуқуқий муносатларга кириши учун уларда маъмурий ҳуқуқ лаёқати мавжуд бўлишлиги талаб қилинади.

Маъмурий- ҳуқуқий муносатлар субъектларининг турлари:

А) фуқаролар (жисмоний шахслар);

Б) давлат органлари;

В) бошқариш соҳасида ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар;

Г) бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва бошқа

хўжалик юритувчи субъектлар;

Д) нодавлат нотижорат ташкилотлар. Шуни қайд қилиш лозимки, маъмурий- хукуқий муносабатларнинг субъектлари доираси бошқа ҳарқандай хукуқий муносабатлар доирасидан анча қенг.

Маъмурий-хукуқий муносабатлар субъектлари барча турларининг хукуқлари ва мажбуриятлари Республика Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган тартибда маъмурий ва суд йўли билан муҳофаза қилинади.

Маъмурий хукуқий муносабатларнинг обьекти бўлиб, кишиларнинг иродавий хулқ-атвори, қилмишлари ҳисобланади. Бундай бошқарилувчи қилмишлар орқали ижтимоий ҳаётдаги жараёнларга, моддий неъматларга, ахборотга, маънавий ижод маҳсулотларига таъсир кўрсатилади.

Маъмурий хукуқий муносабатларнинг мазмунини муносабатлар иштирокчилари (субъектлари) нинг хукуқ нормалари билан белгиланган хукуқлари ва мажбуриятлари ташкил этади.

4. Маъмурий хукуқда юридик фактлар

Маъмурий хукуқий муносабатлар ҳам бошқа хукуқий муносабатлар сингари муайян шароитлар мавжуд бўлган вақтда вужудга келади. Бу шароитлар маъмурий хукуқий нормаларда назарда тутилган бўлиб, улар юридик фактлар деб аталади. Юридик фактлар ҳаракатлар ва баъзи ҳолларда ҳодисалар шаклида намоён бўлади.

Ҳаракат - бу субъект хоҳиш-иродаси намоён бўлишининг фаол шакли. Ҳаракатлар ўз характеристига кўра хукуққа мос ва хукуққа зид (хукуққа хилоф) бўлиши мумкин. Хукуққа мос ҳаракатлар ҳамма вақт маъмурий хукуқий нормаларнинг талабига мувофиқ бўлади.

Маъмурий хукуқ бўйича юридик фактларнинг хусусияти шундаки, (хукуққа мос ҳаракатларнинг асосий тури бўлиб ижрбия ҳокимият субъектларининг индивидуал (якка, алоҳида) характердаги, яъни аниқ иш (шахс)га тааллуқли

хуқуқий жиҳатлари ҳисобланади. Уларнинг бевосита оқибати сифатида маъмурий-хуқуқий муносабатлар пайдо бўлади, ўзгаради ёки бекор бўлади.

Хуқуққа хилоф ҳаракатлар маъмурий-хуқуқий нормалар талабларига мувофиқ бўлмайди, уларни бузади. Булар - давлат бошқаруви соҳаси учун хос бўлган интизомий ва маъмурий қилмишлар (ножӯя ҳаракатлар) кўринишида бўлиб, юрисдикция характеридаги хуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Хуқуққа зид қилмишлар ҳаракатсизликда ҳам намоён бўлиши мумкин. (м: ички ишлар хизмати томонидан жамоат тартибини муҳофаза қилишга оид тегишли чора-тадбирни кўрмаслиги).

Ҳодисалар - кишилар хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган воқеалар (шахснинг вафоти, табиий ҳодисалар: ёнгин, зилзила, сув тошқини ва ҳ. к.).

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун саволлар:

1. Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
2. Маъмурий-хуқуқий нормаларни қандай асосларга кўратаснифлаш (турларга бўлиш) мумкин?
3. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар нима?
4. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг қандай хусусиятлари бор?
5. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг қандай асосий турлари мавжуд?
6. Юридик фактлар нима ва улар маъмурий ҳуқуқда қандай роль ўйнайди?

Адабиётлар:

2; 3; 4; 5; 6; 9; 10; 13; 14; 164 (II боб); 165 (3-4 - боблар).

Ш боб. Маъмурий ҳукуқнинг субъекти сифатида фуқаролар (жисмоний шахслар)

1. Фуқаролар (жисмоний шахслар) нинг маъмурий-ҳукуқий мақоми ва маъмурий ҳукуқ субъектлиги.
2. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳукуқлари ва мажбуриятлари.
3. Фуқаролар ҳукуқларининг маъмурий ҳукуқий кафолатлари.
4. Хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий ҳукуқий мақомининг хусусиятлари.

1. Фуқаролар (жисмоний шахслар) нинг маъмурий ҳукуқий мақоми ва маъмурий ҳукуқ субъектлиги

Ушбу масалани баён қилишга киришишдан аввал таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштиришни чукурлаштириш жараёни юз бераётган ҳозирги шароитда фуқароларнинг маъмурий-ҳукуқ субъекти сифатидаги мавқеи ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Фуқароларнинг маъмурий-ҳукуқий мақомининг асосига фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларининг устунлиги тўғрисидаги конституциявий принцип қўйилган.

Жисмоний шахс (индивидуал субъект, фуқаро)нинг маъмурий ҳукуқий мақоми-шахснинг ижроия ҳокимият субъектлари билан муносабатларидаги давлат ва маъмурий ҳукуқ нормалари билан тартибга солинган ҳукуқий ҳолати. Бу фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролик тўғрисида» ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган умумий ҳукуқий мақомининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқий мақомининг мазмуни, шунингдек, ҳалқаро ҳукуқий ҳужжатлар билан боғлиқ.

Инсон ва фуқаро маъмурий ҳукуқий мақомининг маз-

мунини қуидагилар ташкил қиласы:

- а) уларнинг маъмурий ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуи;
- б) бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни рўёбга чиқаришнинг қонун ва давлат органлари ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳофаза қилиш механизми ҳам ўз ичига оладиган кафолатлари.

Бироқ инсон ва фуқаронинг ҳамма ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам унинг конституциявий ҳуқуқий мақомидан келиб чиқмайди. Бу мақом доирасига кирмайдиган ва аниқ норматив ҳужжатлар билан ўрнатиладигани ҳам анчагина учрайди (м: транспорт воситаларини бошқариш, курол сотиб олиш билан боғлиқ ва б).

Инсон ва фуқаро мақоми тўғрисидаги маъмурий ҳуқуқ нормалари қуидагиларда бўлиши мумкин:

- а) инсон ва фуқаро мақомига алоқадор нормаларни бир қисмини ўз ичига олган комплекс ҳуқуқий ҳужжатлар (ер тўғрисидаги, мулкчилик тўғрисидаги қонунлар ва ҳ.к.)

б) инсон ва фуқаро мақомининг аниқ масалаларини тартибга солувчи маҳсус ҳуқуқий ҳужжатлар (фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилганда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва б).

Индивидуал (якка) субъект маъмурий ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмлари бўлиб унинг маъмурий ҳуқуқ субъектлиги ва маъмурий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ эга бўлган реал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳисобланади. Ҳуқуқ субъектлик икки асосий элементни ўз ичига олади: биринчидан, ҳуқуқ ва мажбуриятта эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати); иккинчидан, ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил ямалга ошириш лаёқати (муомала лаёқати). Шу сабабдан ҳуқуқ субъектлик баъзида ҳуқуқ-муомала лаёқати деб ҳам юритилади.

Маъмурий ҳуқуқ лаёқати маъмурий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишликинг анлатади. Қисман у туғилиш вақтидан бошлаб пайло ғулди: от (ном) олиш ҳуқуқи, тиббий ёрдам олиш ва

ҳ.к. Бироқ, фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати бир хил эмас. У ёшга, жинсга, саломатлик даражасига, маълумотига, яшаш жойига, миллатига ва бошқа демографик омилларга боғлиқ бўлади. (м: ҳарбий мажбурият).

Маъмурий муомала лаёқати - шахснинг ўз ҳаракатлари билан маъмурий ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш ҳамда шу нормаларга мувофиқ жавобгарликни кўтараоладиган лаёқатdir. Ҳатто мактаб ёшига етмаган бола врачга мурожаат қила олиши, шикоят қилишга бўлган ҳуқуқдан фойдаланиши, олти ёшдан ўзи билим олиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин, 16 ёшдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ субъектлиги умумий ва маҳсус бўлиши мумкин. Бинобарин, маъмурий-ҳуқуқий мақом ҳам умумий ва маҳсус турларга бўлинади. Ҳар бир шахс барча учун кўп жиҳатдан тенг бўлган умумий мақомга эга бўлиш билан бирга бир ёки бир неча маҳсус мақомларнинг субъекти ҳам бўлиши мумкин (студентнинг, милиция ходимининг, ёпиқ шаҳарда яшовчининг ва ҳ.к.)

Индивидуал субъектнинг умумий ва биринчи навбатда маъмурий-ҳуқуқий мақоми қонунчилик билан чеклаб кўйилиши мумкин. Бу, масалан, қуйидаги ҳолларда бўлади:

1) фавқулодда вазиятларда (оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар ва б.);

2) агарда бу уларнинг ижтимоий фойдали фаолиятига тўғри келмаса (яқин қариндошларнинг биргаликдаги хизматини, давлат хизмати билан тадбиркорлик фаолиятини кўшиб олиб боришликни тақиқланганлиги ва ҳ.к.);

3) агар бусиз давлат хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлмаса (сир сақлаш тартиби, чегара тартиби ва б.);

4) ҳуқуқقا хилоф ҳаракатларни содир қилишлик (маҳсус ҳуқуқлардан маҳрум қилишлик ва б.).

Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий мақомининг муҳим элементи сифатида уларнинг ҳуқуқларини тавсифлаганда мутлақ ва нисбий ҳуқуқларни ажратиш мумкин. Шахс ўз

хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлари мутлақ ҳуқуқлар бўлиб, ҳокимият субъектлари буларни рўёбга чиқаришига халақит бермасликлари, аксинча улар учун шароит яратиб бериши ва муҳофаза қилиши лозим. Булар, масалан, маъмурий шикоят, от (ном) танлаш, ишга жойлашиш, таълим олиш ва шу кабилар. Мутлақ ҳуқуқларни рўёбга чиқарилиши тамоман фуқаронинг хоҳишига боғлиқ бўлади.

Нисбий ҳуқуқларни рўёбга чиқарилиши учун давлат органинг акти талаб қилинади. М: лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқ, муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия) ва б. Бунда фуқаронинг хоҳиши ҳокимият субъектининг хоҳиш-иродаси, ҳуқуқларни қўллаш акти орқали амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқнинг индивидуал субъектлари маъмурий ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми уларнинг юридик мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади. Маъмурий -ҳуқуқий мажбуриятлар ҳам мутлақ ва нисбий турларга бўлинади.

Мутлақ мажбуриятлар ҳеч бир вазиятга боғлиқ бўлмайди, улар сўзсиз барчага таалтуқли (йўл ҳаракати, санитария қоидаларига риоя қилиш ва ҳ.к.). Нисбий мажбуриятлар ҳуқуқقا эга бўлиш ва улардан фойдаланишга ҳаратилган ҳуқуқقا мос ҳаракатлар (abituriyentning, кутубхонадан фойдаланувчининг, автомобил эгасининг ва ҳ.к.) ва ҳуқуқ бузарликлар (м: жарима тўлаш) оқибатида пайдо бўлади.

2. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари улар маъмурий ҳуқуқий мақомининг асосий мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бу соҳадаги ҳуқуқлари кўп соишли ва турли туман. Фуқароларга бу ҳуқуқлар ирқий ва миilliй мансублиги, жинси, динга муносабати, тили, эъти-

қоди, ижтимоий қелиб чиқиши, шахсий ва мулкий аҳволидан қатъи назар тенглиги асосида берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқарув соҳасидаги хукуқларини икки асосий туругра бўлиш мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат бошқаруvida иштирок этиши билан боғлиқ;

б) уларнинг моддий, маданий ва бошқа шахсий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ.

Фуқаролар хукуқлари ва мажбуриятларининг бундай тақсимланиши уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустакамланган тизимидан келиб чиқади. Бироқ, таъкидлаш лозимки, конституциявий хукуқлар маъмурий-хукуқий нормалар орқали реал аҳамиятга эга бўлади.

Маъмурий хукуқнинг фуқаролар конституциявий хукуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини амалга оширишга таъсири турлича.

Конституциявий қоидаларни аниқлаштириш, фуқароларнинг бошқарув тузилмалари билан ўзаро алоқасини таъминлаш жараёнидаги «фуқаролар ўз хукуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, хукуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт» деган конституция принципи (20 модда)га риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш билан боғлиқ фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини амалга оширишда маъмурий хукуқ кўпроқ таъсир кўрсатади.

Бошқарув тузилмалари билан ўзаро алоқалар доирасида, энг аввало, фуқароларнинг қўйидаги хукуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари амалга оширилади:

1. Фуқароларнинг давлат бошқаруvida бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хукуқи.

2. Фуқароларнинг жамоат тузилмаларига бирлашиш хукуқи. Бу фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиб кириш, уларнинг фаолиятида иштирок этиш, шунингдек, қонунларда белгиланган мақсадлар ва тартибда янги жамоат бир-

лашмаларини тузиш ҳуқуқини англатади.

3. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ равищда йиғилишлар, митинглар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланишича (33-модда) ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тұхтатиши ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

4. Фуқароларнинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи.

5. Фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мүмкін эмас.

6. Фуқароларнинг туар жой дахлсизлиги ҳуқуқи. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорининг туар жойига унинг розилигисиз кириши, тинтүв ўтказиши ёки уни күздан кечириши мүмкін эмас.

7. Фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга күчіб юриш ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика худулиди бир жойдан иккинчи жойга күчиш, Ўзбекистон Республикасының көлиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунді белгиланған чеклашлар бундан мустасно.

8. Фуқароларнинг фикрлаш, сұз ва әътиқод эркинлиги ҳуқуқи. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратылған ахборот ва қонун билан белгиланған болшқа чеклашлар бундан мустасно. Фикр юритиш ва уни информалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тағайユуқи бўлган тақдирдагина қонун билан чекланыши мүмкін.

9. Фуқароларнинг ўзларига ва манбаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар бунинг учун имконият яратиб беришлари лозим.

Шахснинг маъмурий-хукуқий мақомини тавсифлаш учун фуқароларнинг бошқа конституциявий хукуқлари ва эркинликлари: таълим олиш, моддий таъминот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш хукуқлари, виждан эркинлиги ва бошқалар ҳам муҳим.

Таълим олиш хукуқи маъмурий қонунчилик билан белгиланган ўқув юртларига кириш ва уларда ўқиш тартиби ҳақидаги қоидаларда ўз ифодасини топади. Таълим олиш хукуқи нафақат шахсий, балки жамият учун зарур бўлган фуқароларни тарбиялаш ва қадрлар тайёрлаш ишида жуда катта ижтимоий ва давлат аҳамиятига эга. Бу хукуқни амалга ошириш учун Республикаизда маҳсус Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган.

Виждан эркинлиги Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик хукуқига эга эканлигини билдиради. Диний қарашларни мажбуранан сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хукуқларга эга бўлишлик билан бирга қонун билан зиммаларига юкланган мажбуриятларни ҳам бажарадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фақат хукуқларни эмас, мажбуриятларнинг ҳам тенглигини белгилайди. Конституцияга мувофиқ, фуқароларнинг мажбуриятлари: Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг хукуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш; Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни уташ.

Фуқароларнинг маъмурий хукуқ субъектлари сифатидаги муҳим мажбуриятлари бўлиб маъмурий-хукуқий нормаларга ва уларга асосланган давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг

қонуний талабларига риоя қилиш ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ тизимиға мулкчиликни муҳофа қилиш, табиат ресурсларидан фойдаланиш, маданий қадриятларни сақлаш, таълим, ҳалқ саломатлигини муҳофаза қилиш нинг ҳуқуқий тартибини белгиловчи кўпгина нормалар киради. Жамоат тартибини ва ижтимоий хавфсизликни қўриқлаш, файриқонуний қилмишларга қарши курашишга оид нормалар муҳим ўрин тутадики, буларга риоя қилиш ҳам фуқароларнинг асосий мажбуриятидир.

3. Фуқаролар ҳуқуқларининг маъмурий-ҳуқуқий кафолатлари

Конституция ва қонунларда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг эълон қилиниб ва мустаҳкамлаб қўйилиши жуда муҳим, аммо бу ишнинг тамоман ҳал қилиниши эмас. Уларни реал амалга ошириш кафолатлари ва механизмини яратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига маҳсус боб (Х боб) ажратилган. Бунда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан таъминланиши тўғрисидаги қоида баён қилинган (Конституциянинг 43 моддаси).

Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи давлат тузилмалари ичida Республика Президенти етакчи ўрин эгаллайди. Конституцияга мувофиқ Президент фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат бериш мажбуриятини олади ва бу ҳақда тантанали қасамёд қиласди.

Умумий давлат ва ҳуқуқ назарияси кафолатларни қеч қандай түсиқсиз ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш, субъектив ҳуқуқлардан фойдаланиш ва юридик мажбуриятларни бажариш имкониятини берадиган шароитлар ва усулларнинг йифиндиси сифатида тавсифлар экан, умумий ва маҳсус кафолатларни ажратади.

Умумий кафолатларга иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва

мафкуравий шарт-шароитлар киради. Махсус (юридик) кафолатлар бўлиб қуидагилар ҳисобланади: прокурор назорати, қонунийлик, суд назорати, қонунларни такомиллашибтириш, конституциявий назорат, Президент назорати. Албатта, бу фуқаролар хуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини умумий тарзда, кенг изоҳлаш бўлади. Маъмурий-хуқуқий маънода фуқаролар хуқуқлари кафолатларига торроқ маънода, аниқроқ тарзда ёндошиш лозим.

Маъмурий-хуқуқий нуқтаи назардан фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларининг ташкилий-хуқуқий кафолатлари муҳим бўлиб, уларни икки турга бўлиш мумкин: суд йўли билан ва суд йўлидан бошқа тарзда таъминланадиган кафолатлар.

Суд ҳокимиятининг мақоми ва уни амалга оширишнинг процессуал шакллари фуқаролар хуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари ичida судни биринчи ўринга чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланишини қайд қилган (Конституциянинг 44-моддаси).

Фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларини суд йўли билан ҳимоя қилиш тизимида Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни¹ муҳим ўрин тутади.

Қонунда белгиланийшича давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиал ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига киради:

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995, №9, 182-модда.

фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;
фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;
фуқаро зиммасига қонунга хилоф равищда қандайдир мажбурият юқлатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар).

Давлат бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришдаги роли шу билан белгиланадики, улар бевосита қонунларни ижроси билан шуғулланадилар, шунингдек кўп ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига тегишли юрисдикцион ваколатларга эга бўладилар.

Бу органлар ва мансабдор шахслар ўз ролини икки йўналишда амалга оширадилар. Улар фуқаролар томонидан ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини рўёбга чиқаришини таъминлайдиган органлар, корхоналар ва муасасалар фаолиятининг зарур моддий, ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитларини яратадилар (яратишда иштирок этадилар); фуқаролар ёки органлар ва мансабдор шахслар ташаббуси билан уларнинг контрол-назорат фаолияти тартибida вужудга келадиган аниқ индивидуал (якка) ишларни ҳал қиласидилар (м: солиқ қонунчилигига, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш ва б.).

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази муҳим роль ўйнайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрел қонуни¹ га мувофиқ давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орган-

¹ Ўзбекистон Республикасининг янги Қонулари, 16-сон, Тошкент, Адолат, 1997.

лари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун актларига риоя қилиниши устидан парламент назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс ҳисобланади.

Вакил бузилган ҳуқуқларни тиклашга, Ўзбекистон Республикасининг инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштиришга ва уни ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг муҳофаза қилиш шакллари ва усуллари масалалари бўйича ҳуқуқий маърифат ишларини олиб боришга кўмаклашади.

Вакил томонидан ҳуқуқларни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва қонунларда назарда тутилган ҳолларда Вакилнинг ўз ташаббуси натижасида амалга оширилади. Вакил суд идоралари ваколатига кирувчи масалаларни кўрмайди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ҳуқуқлар ва эркинликларни бузадиган қарор ва ҳаракатларни бекор қилиш ва айборларга нисбатан мажбурлаш чораларини қўллаш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, у ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимояси мақсадида ваколатли давлат органларига қарори ёки ҳаракатида фуқаролар ҳуқуқлари ёки эркинликларининг бузилишига сабабчи бўлган қоидалар мавжуд бўлган мансабдор шахсга нисбатан интизомий ва маъмурий иш юритиш ёки жиноий иш қўзғатиш хусусида мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, суд ва прокуратура идораларига суднинг қонуний қучга кирган қарори ва ҳукмини текширишни таклиф қилиши мумкин.

Фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ҳалқ вакилларига мурожаатлари уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасининг муҳим воситасидир.

Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 35-моддасида белгиланишича, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бош-

қалар билан биргалиқда ваколатли давлат органларига, мұсасасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикояттар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикояттар қонунда белгиланған тартибда ва муддаттарда күриб чиқилиши шарт.

Бу конституциявий қоидани амалға оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тұғрисида»ги қонуни¹ қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тавсиясига кўра Республикамизда фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тұғрисида қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган 50 дан ошик фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари хусусидаги қонулар фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда (мулкчилик тұғрисида, сайловлар тұғрисида, меҳнат тұғрисида, таълим тұғрисида, пенсия таъминоти тұғрисида, жамоат бирлашмалари тұғрисида, виждан эркинлиги тұғрисида, соғлиқни сақлаш тұғрисида ва кўпгина бошқа қонунлар).

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини кучайтириш соҳасида ишлар давом эттирилмоқда. Республика Президенти томонидан яқин келажакда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракат Миллий дастанини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга хизмат қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини яратиш вазифаси белгилаб берилган. Инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро шартномаларга қўшилиш ва барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан халқаро мажбуриятларни сўзсиз бажариш механизмини яратиш бўйича иш давом эттирилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунлари, 10-сон, Тошкент, Адодат, 1995 йил.

4. Хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий-хукуқий мақомининг хусусиятлари

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари кенгайиб бораётган шароитда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонда бўлиш тартибини ва уларнинг маъмурий-хукуқий мақомини белгилаш катта аҳамиятга эга.

Хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хукуқий ҳолатининг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқаролар Республикамиз фуқаролари учун белгиланган қўпгина демократик хукуқлар ва эркинликлардан фойдаланадилар. Давлатимиз қонунлари хорижий фуқаролар хукуқий аҳволини белгилашда барча ирқ ва миллатларнинг, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги принципидан қелиб чиқади.

Шу билан бирга хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-хукуқий мақоми бир қатор хусусиятларга эга. Улар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги Фармони¹ билан тасдиқланган хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилган.

Хорижий шахслар Ўзбекистон Республикасига давлатимизнинг тегишли органларининг рухсати билан кириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси кириш масалалари бўйича давлатимиз билан маҳсус битимлар тузган мамлакатларнинг фуқаролари бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг киришига хорижий паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа хужжат асосида кириш учун рухсатнома мавжуд бўлганда ижозат берилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995, №4, 48-модда.

Чет элларда Ўзбекистон Республикасига кириш учун рухматномалар бизнинг элчихоналаримиз, миссияларимиз ва консуликларимиз томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикасига узоқ муддатга келадиган хорижий шахслар ички ишлар органларидан яшаш учун гувоҳнома олиб, рўйхатдан ўтишлари керак. Хорижий шахс яшаш жойини ўзгартирганда яшаш учун гувоҳномага бу ҳақда белги қўйдириш учун хабар бериши ва кейинчалик янги яшаш ёки вақтинчалик бўлиш жойларида ички ишлар органларидан рўйхатга ўтиш учун тақдим этиши зарур.

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик бўлишларидан қатъи назар унинг қонунларига риоя қилишга мажбурдирлар.

Хорижий шахсларнинг маъмурий-хукуқий мақомини тавсифлаб, қайд қилиш лозимки, уларнинг маъмурий хукуқ лаёқати Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хукуқ лаёқатига нисбатан торроқ. Хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан узвий боғлиқ бўлган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан фарқли ўла-роқ, чет эл фуқаролари учун уларнинг бошқа давлатга мансублиги билан боғлиқ меҳнат соҳасида чеклашлар ўрнатилган. М: улар сайлов хукуқига эга эмаслар ва бинобарин, давлат ҳокимияти органларига сайланмайдилар; улар умумхалқ овоз бериши (референдум) да иштирок этмайдилар; Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ баъзи лавозимларга тайинланмайдилар ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланаолмайдилар.

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари зиммасига юклатилган баъзи мажбуриятларни бажармайдилар (ҳарбий хизматни ўташ).

Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик имтиёзлар ва даҳлсизликдан фойдаланадиган чет эл фуқароларнинг хукуқий аҳволи Ўзбекистон Республикасининг маҳсус қонунлари ва халқаро шартномалар билан тартибга солинади.

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун саволлар

1. Фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг маъмурий ҳуқуқ субъектлари сифатида ҳуқуқий мақоми нима билан белгиланади?
2. Шахснинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми деганда нима тушунилади?
3. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги асосий ҳуқуқларини санаб беринг.
4. Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатидаги асосий мажбуриятлари нималардан иборат?
5. Фуқаролар ҳуқуқларининг қандай маъмурий-ҳуқуқий кафолатлари мавжуд?
6. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий-ҳуқуқий мақомининг асосий хусусиятлари нималарда ифодаланади?

Адабиётлар.

3; 5; 7; 8; 10; 14; 26; 32; 35; 37; 38; 39; 40; 85; 93; 152; 153; 164 (1У боб-); 165 (5, 10-боблар).

IV боб. Ўзбекистон Республикасининг ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) органлари

1. Ўзбекистан Республикасида ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) органларининг тушунчаси, хуқуқий мақоми ва турлари.

2. Ижроия ҳокимиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари.

3. Ўзбекистон Республикаси хукумати (Вазирлар Мақкамаси).

4. Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа марказий бошқарув идоралари.

5. Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимиятнинг маҳаллий органлари.

1. Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) органларининг тушунчаси, хуқуқий мақоми ва турлари

Ижроия ҳокимият органи - бу давлат функцияларини амалга ошириш учун тузилган ва шу мақсадларда давлат-ҳокимият характеридаги ваколатлар билан таъминланган сиёсий муассаса.

Ижроия ҳокимият органи ташкилий жиҳатдан алоҳида (мустакил) бўлиб, бирор-бир бошқа ташкилот таркибига кирмайди, унинг ташкилий бўлинмаси бўлиб ҳисобланмайди.

Ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) организманинг асосий вазифаси унинг фаолият йўналишига мувофиқ ҳаётнинг хўжалик, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларида раҳбарлик бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширишdir.

Ижроия ҳокимият органи бошқа бирор бир орган компетенциясидан келиб чиқмайдиган, хуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб кўйилган ўз компетенциясига эга. Ижроия ҳокимият органлари ўз мазмуни ва усувларига кўра маҳсус давлат фаолияти - давлат бошқарувини амалга оширадилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ижроия ҳокимият органи ҳаммавақт ҳам давлат бошқарув органи бўлади, бироқ ҳар қандай давлат бошқарув органи ҳам ижроия ҳокимият органи бўлавермайди. Масалан, Ўзбекистан Республикаси хукумати томонидан тузиладиган мувофиқлаштирувчи органлар бошқарув характеристидаги функцияларни бажарсалар-да, ижроия ҳокимият органи бўлиб ҳисобланмайди.

Ижроия ҳокимият органларининг ҳуқуқий ҳолати кўп жиҳатдан шу билан белгиланадики, уларнинг давлат бошқарув функциялари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хўжалик ва бошқа фаолиятини бевосита бошқариш функцияларидан ажратилган, улар белгиланган соҳаларда сиёсий раҳбарликни амалга оширадилар.

Ижроия ҳокимият органлари ягона давлат ҳокимияти-нинг бир тармоғи бўлиб, ижроия ҳокимиятни амалга ошириш ва вакиллик ҳамда суд ҳокимияти субъектлари билан муносабатларда нисбатан юридик мустақил фаолият кўрсатадилар.

Айни вақтда ижроия ҳокимият органларининг вакиллик ва суд органлари билан конституциявий функцияларга кўра боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш жараёнидаги муносабатлар доираси анча кенг ва турли-туман эканлигини қайд қилиш лозим. Буларга вакиллик ва суд органлари фаолиятини моддий-техникавий таъминлаш ва қўриқлаш масалаларини мисол қилиш мумкин.

Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ижроия ҳокимият органлари ўз юридик мазмунига кўра ижро қилиш ва фармойиш беришдан иборат бўлган маҳсус турдаги давлат фаолиятини амалга оширадилар. Конунчиликка мувофиқ бу органлар давлат-ҳокимият (ҳуқуқий хужжатлар чиқариш ва амалга ошириш) ваколатларига эга. Умуман уларга мустақил ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича кенг ваколатлар берилган. Бироқ бу ваколатлар доираси қонун билан белгилаб қўйилган.

Ҳар бир ижроия ҳокимият органи белгиланган компетенция чегарасида, муайян тартибда ва ҳуқуқий шаклларда

фаолият олиб боради.

Ижроия ҳокимият органининг компетенцияси деганда ушбу органнинг давлат ҳокимиятини амалга ошириш бўйича ваколатлари тизими тушуниладики, бу тизим ҳокимият органининг давлат олдида муайян мажбуриятлар ва бошқари-лувчи объектларга нисбатан муайян ҳукуқлардан иборат вазифа ва функцияларни бажаришини англатади. Ижроия ҳокимият органлари фаолиятининг қонун ости характери улар ҳукуқий ҳолатининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Давлатнинг ижроия ҳокимият органлари кўп сонли. Уларни турли белгиларига кўра таснифлаш мумкин: ташкилий шакллари, компетенциясининг характери, ўзига тааллуқли ишларни ҳал қилиш тартиби ва шу каби бошқа белгилари.

Масалан, ташкилий-ҳукуқий шаклларига кўра қуидаги турлари мавжуд: ҳукумат; вазирликлар; давлат қўмиталари; хизматлар; бош бошқармалар, бошқармалар; инспекциялар; агентликлар, департаментлар; ҳокимликлар; бўлимлар ва б.

Умумий қоидага кўра ҳукумат, вазирликлар, давлат қўмиталари Республика миқёсида ташкил қилиниб, ижроия ҳокимият органларининг марказий бўғинини ташкил этади. Бошқа ташкилий шакллардаги бошқарув органлари бошқарув тизимининг турли даража бўғинларида тузилади ва фаолият олиб боради.

Адабиётларда ва норматив-ҳукуқий ҳужжатларда «Идора» («ведомство») деган атама ҳам учраб туради. Бу, қоида тариқасида, вазирликлар ва давлат қўмиталаридан бошқа тармоқ ва тармоқлар марказий бошқарув органи (қўмиталар, бош бошқармалар ва б.) бўлиб, Республика ҳукумати ёки Президентига бўйсунади.

Ҳокимликлар (ҳоким) - вилоят, туман, шаҳарларнинг ижроия ҳокимият органи.

Кейинги пайтларда Республика қонунчилиги ва давлат курилиш тажрибасига «департаментлар» деган атама кириб келди. Улар тармоқларга, кичик тармоқларга раҳбарлик қилишда, маҳсус функцияларни амалга оширишда анчаги-

на мустақилликка эга бўлган ижроия ҳокимият органлари-нинг ташкилий бўлинмалари бўлиб ҳисобланади.

Ижроия ҳокимият органлари компетенция характеристига кўра умумий, тармоқ, тармоқлараро ва тармоқли компетенцияли органларга бўлинади.

Ўзига қарашли масалаларни ҳал қилиш тартибига кўра бошқарув органлари коллегиал ва якка тартибда иш кўрувчи органларга бўлинади.

Давлат бошқарув тизимида турли соҳалар бўйича^{*} муовификлаштирувчи ва маслаҳат органлари (кенгашлари) ҳам тузилади. Бундай идоралараро ва тармоқ доирасидаги органларнинг айниқса ҳозирги шароитларда роли катта бўлмоқда.

Давлат бошқарув органлари, шунингдек ташкил қилиниш асосларига кўра ҳам турларга бўлинади: ташкил қилиниши Конституцияда назарда тутилган органлар; жорий қонунлар асосида тузиладиган органлар.

Биринчи гуруҳ давлат бошқаруви органларига Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, ҳокимлар; иккинчи гуруҳга эса Республика вазирликлари, давлат кўмиталари ҳамда зарурлиги туфайли Республика Президенти томонидан ташкил қилинадиган бошқа давлат ижроия органлари киради.

Фаолият доирасига кўра ижроия ҳокимият органлари марказий (умумреспублика) ва маҳаллий органларга бўлинади.

Бошқариш органлари молиялаштириш манбаларига қараб бюджетдаги органларга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминловчи (хўжалик ҳисобидаги) органларга бўлинади.

Бюджетдаги идоралар бевосита ишлаб чиқариш билан шугулланмайди, мулкий мустақилликка эга бўлмайди, фаолияти республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Хўжалик ҳисобидаги органларнинг ўз маблағлари (мулклари), банкларда ҳисоб рақамлари бўлади, мажбуриятлари юзасидан бевосита ўzlари жавоб берадилар.

2. Ижроия ҳокимиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Ўзбекистан Республикаси Президентининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган:

«Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатида давлат бошқаруви соҳасида кенг ваколатларга эга. Бу ваколатлар ташкилий тизимни шакллантиришга ҳам, унинг фаолиятини ташкил қилишга ҳам алоқадордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис тасдигига киритиш шарти билан ҳуқумат (Вазирлар Маҳкамаси)ни тузади ва унинг ишига раҳбарлик қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. У Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Президент мамлакат ичкарисида ва ҳалқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради; музикаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди; ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирив ёрлиқларини қабул қиласди; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қиласди;

Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳам-жиҳат ишлашини таъминлайди;

Ўзбекистон Республика вазирликларини, давлат қўми-таларини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдифига киритади; Бош вазир, унинг биринчи ўринbosари, ўринbosарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалалар бўйича фармонларни Олий Мажлиснинг тасдифига киритади.

Президент Олий Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимиға номзодни тақдим этади; вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдифига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Президент республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган хужжатларини тұхтатади ва бекор қилади.

Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий оғат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тасдифига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва

вазифасидан озод қиласи; олий ҳарбий унвонларни беради; Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қиласи; қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдигига киритади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошқарувига доир Республика Конституциясида назарда туғилган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади. У Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Маълумки, ҳозирги вақтда давлат курилиши соҳасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, натижада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади.

Бу жиҳатдан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси (апрел 2003)да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига сайлов ва Ўзбекистон Республикасининг Сенатини шакллантириш якунларига мувофиқ кучга кирадиган ушбу қонун Республика Президенти ваколатига оид ўзгаришлар бўлишини ҳам назарда тутади.

Қонун амалга кириши билан Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва маҳсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларини тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган Олий Мажлиснинг юқори палатаси- Сенатга ўтказилади.

Конституциянинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида Давлат ва ижро этувчи ҳоки-

мият бошлиғидир» деб қайд этилган 89-моддасининг таҳрири принципиал равишда ўзгаради.

Бу модданинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган иккинчи қисми олиб ташланади.

Республика Президенти Олий Мажлис Сенати лавозими учун номзодини Сенатга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Олий Мажлиснинг палаталарига тақдим этади, Бош вазирнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини тасдиқлайди. Президент, шунингдек, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдимнома киритади.

Президент ваколатлари ва вазифаларини шу тарзда қайта тақсимланиши, И.А. Каримов Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, «ҳеч шубҳасиз, давлат қурилиши соҳасида бошланган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу билан бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради». ¹

3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Вазирлар Маҳкамаси)

Ўзбекистан Республикасининг ҳукумати Вазирлар Маҳкамаси бўлиб, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мақомининг асослари Республика Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун² билан тартибга солинади.

¹ И.А.Каримов. Биз ганлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли (Халқ сўзи, 2003 йил 26 апрель).

² Бу қонун 2003 йилда янги таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда самарали фаолият кўрсатилишига, қонунларнинг ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг бажарилишига раҳбарликни таъминлайдиган ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига раҳбарлик қиласди, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси тасарруфифда бўлган давлат ва хўжалик бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича ўз ваколатига кирувчи барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир. У қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати коллегиал орган. Унинг таркибига Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари киради.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлифи ўз лавозими бўйича киради.

Бош Вазир Вазирлар Маҳкамаси ишини ташкил қиласди. ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

Президентнинг топшириғига мувофиқ ҳалқаро муносабатларда республика ҳукумати номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиши талаб этилмайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қиласди;

Раиснинг топшириғи бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Бош вазирнинг ўринбосарлари ваколатининг тақсимо-

тига мувофиқ, ўзлари раҳбарлик қиладиган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар. Улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оширадилар, Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари:

ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар;

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида маълум масалаларни кўриб чиқиша иштирок этадилар;

Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиша учун таклифлар киритадилар ҳамда қарорлар ишлаб чиқиша ташаббус кўрсатишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишлари ҳар кварталда камида бир марта ўтказилиб турилади.

Қуйидаги масалалар фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилади:

Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасининг ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;

давлатнинг қимматбаҳо қофозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзи кўламлари тўғрисидаги таклифлар;

солиқ ва давлат божларининг ставкаларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш дастурининг лойиҳалари ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги

таклифлар;

белгилаб қўйилган давлат нарҳлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари;

давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисида таклифлар.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий ишини таъминлаш мақсадида унинг Раёсати тузилади. Раёсат таркибига Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси раисининг қарорига биноан ҳукуматнинг бошқа аъзолари киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий булган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради;

мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг tengлиги, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади.

Хўжалик юритишнинг янги шакллари концернлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги талабларини қондириш заруритидан келиб чиқсан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тад-

бирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш микдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек:

Республика бюджетини, шунингдек, республикани, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқади ва уларни ташкил этади;

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тутатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларни ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш хуқуқининг таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлигини ва мудофаа қудратини ошириш, давлат чегараларининг қўриқланишини таъминлаш, давлат манбаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва жаҳон аҳамиятига эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, катта авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек,

табиий оғатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистан Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, хукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади; вазирликларнинг ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, улар ҳақидаги низомларни тасдиқлади, уларнинг марказий аппарати ходимларининг сонини ва уларга сарфланадиган маблағнинг ҳажмини белгилайди, бу органларнинг актлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳукуқидан фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлислирини, тегишли қарорлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг аппарати фаолият олиб боради.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ (2003йилнинг 24 апрель) Вазирлар Маҳкамасининг ҳукуқий мақоми ва ваколатлари доирасига ҳам ўзгартишлар киритилиши назарда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимиютини амалга оширувчи орган эканлиги Конституциявий тарзда мустаҳкамлаб қўйилган, унинг таркиби кимлардан иборат бўлишлиги ва қайси таркибда шакллантирилиши белгиланган.

Конституцияда Бош вазирнинг асосий ваколатлари аниқ белгилаб қўйилганлиги унинг масъулиятини оширишга хизмат қиласи.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси

сининг Раиси ҳисобланмаса-да, у ҳукуматнинг мажлислига раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари га кирувчи масалалар юзасидан қарорлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

4. Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмигалари ва бошқа марказий бошқарув идоралари

Республика ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) органлари тизимида вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳсус органлардан иборат марказий органлар муҳим ўрин тутади.

Бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган тегишли вазирликлар уларга топширилган тармоқларга бевосита раҳбарлик қиласи, бу тармоқларнинг ҳолати ва ривожланиши учун жавобгар ҳисобланади. Вазирликнинг фаолиятига Республика ҳукумати таркибига кирувчи вазир бошчилик қиласи.

Ижтимоий ҳаётимизга бозор муносабатларини жорий қилиш жараёни кенгайиб бораётган шароитларда маъмурӣ бошқарув органи сифатида вазирликларнинг сони қисқариб (энг аввало иқтисодиётни бошқариш соҳасида), тегишли соҳаларда хўжалик тузилмалари (бирлашма, концерн, корпорация ва ҳ.к.)вужудга келмоқда. Ижтимоий (таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза ва шу кабилар) ва маъмурӣ-сиёсий фаолият соҳасини бошқаришда вазирликлар бошқаришнинг асосий ташкилий шакли бўлиб ҳолмоқда.

Вазирликлар Республика қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, ҳукумат томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият олиб боради. Улар якка бош-

чилик асосида ишлайдиган орган.

Давлат қўмиталари умумдавлат раҳбарлигини коллегиал тартибда амалга оширадиган органлар бўлиб, қўйидаги белгиларга эга: уларнинг фаолияти аксарият тармоқлараро, функционал тартибга солиш характеристига эга бўлади, улар мувофиқлаштириш функциясини бажарадилар. Давлат қўмиталарига Республика хукумати таркибиға кирувчи Раис раҳбарлик қиласи. Улар ҳам ўз фаолиятида Конституция, қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва у томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият олиб боради.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Маҳсус марказий идоралар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Саноатда ишларни хавфсизлиги устидан назорат қилиш қўмитаси, Об-ҳавони кузатиш (гидрометеохизмат бош бошқармаси ва ҳ.к.)нинг асосий вазифалари хукумат номидан тегишли давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятни бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўлиб ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимиятнинг маҳаллий органлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган »Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида«¹ ги қонунга¹ биноан вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ижро этувчи ҳокимиятта ҳокимлар бошчиллик қиласи.

Маълумки, мамлакатимизда ҳокимлик институти 1992 йил 4 январдаги »Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида«² ги қонунга² мувофиқ ташкил этилган эди. Ушбу қонунда кўрса-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9-сон₂ 320-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қабул қиласи қонун ва қарорлар. Ўн иккинчи чақириқ тўққизинч сессия. 1992, 13-14 январь, Т., 1993, 24-25 бетлар

тилишича, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятни мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиласидаган ҳокимлар лавозимини таъсис этиш лозим топилди.

Вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳри ҳокими Республика Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудудда барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг бошқа хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ижросини ташкил этади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора тадбирларни кўради, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил қиласиди;

вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ри-

вожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни ҳалқ депутатлари Кенгаши-нинг тасдифига тақдим этади;

ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти тузилмавий бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни ҳалқ депутатлари Кенгаши тасдифига тақдим этади;

ҳокимлик девони бўлиймалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди;

қуий турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек юқори турувчи ҳалқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорлари-га зид бўлса, бекор қиласди ва ҳалқ депутатлари Кенгашига қуий турувчи ҳалқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

раҳбарлари тегишли ҳалқ, депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижро ҳокимияти тузилма бўлинмаларининг ишини назорат қиласди;

ҳалқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади; республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади; ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер

ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, хуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун хужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳал этади.

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун саволлар.

1. Ижро этувчи ҳокимият (давлат бошқаруви) органинг тушунчаси ва асосий хусусиятларии айтиб беринг.
2. Ижро этувчи ҳокимият (давлат бошқаруви) органинг ваколатлари қайси ҳуқуқий хужжатлар билан белгиланади?
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқаруви соҳасидаги асосий ваколатларини айтиб беринг.
4. Республика ҳукумати(Вазирлар Маҳкамаси)нинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари доираси.
5. Ижро этиш ҳокимияти маҳаллий органлари тизимида ҳокимларнинг ўрнини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар

5; 7(151-187 - бетлар); 9; 14; 27; 28; 145; 164; (6-7, 9-боблар); 165, 167 бетлар).

V боб. Давлат хизматчилари

1. Давлат хизмати тушунчаси ва турлари.
2. Давлат хизматининг принциплари.
3. Давлат хизматчиси тушунчаси, турлари ва ҳуқуқий ҳолатининг асослари.
4. Давлат хизматини ўташ.

1. Давлат хизмати тушунчаси ва турлари

Давлат хизмати - бу давлат ташкилотлари ходимлари меҳнатининг бир тури. У давлатнинг ажралмас хусусияти, унинг ташкилий фаолиятининг бир қисми, бир томонидир. Давлатнинг бу ташкилий фаолиятининг хусусияти шундаки, у давлат органлари ва бошқа давлат ташкилотларининг таркибий қисмини бутлаш ва давлат хизматчилари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга йўналтирилган бўлади.

Давлат ташкилотлари шахсий таркибининг фаолияти давлат вазифаларини малакали тарзда амалий ва бевосита амалга оширишга хизмат қиласи, бу фаолиятнинг мазмунини эса жамият тараққиётининг муайян босқичидаги давлат функциялари ташкил этади.

Давлат хизмати кенг ва тор маъноларда тушунилади. У кенг маънода хизматчилар томонидан давлат ташкилотлари (давлат ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар бошқа ташкилотлар)да ўз мажбуриятларини (иши) бажаришларини англатади; тор маънода хизматчилар томонидан давлат органлари (идоралари)да ўз мажбуриятларини бажаришидир.

Шундай қилиб, давлат хизмати деганда давлат органлари ва бошқа давлат ташкилотлари шахсий таркиби ишини ташкил қилиш ва ҳуқуқий тартибга солишни англатадиган давлат фаолиятининг бир жиҳати, ва бу шахсий таркиб, яъни давлат хизматчиларининг янги жамият барпо этишга қаратилган давлат вазифаларини амалий ва бевосита бажариш буйича фаолияти тушунилади. Бу фаолият ҳақ эвазига амалга

оширилади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат хизмати - ҳуқуқий институт, у ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Давлат хизмати ҳуқуқий институт сифатида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини, жумладан, давлат хизматини ўташ шартлари ва тартиби, хизматчиларни рафбатлантириш ва жавобгарлиги, давлат хизматини тугаши ва бошқа масалаларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йигиндисидан иборат. Унга конституциявий, меҳнат, фуқаролик, молия ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари киради.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан давлат ҳокимијати органлари тизими ва улар фоалиятининг, давлат хизматининг ташкил этишнинг умумий асослари, фуқаролар (жумладан, хизматчилар) нинг ҳуқуқлари ва бурчлари каби масалалар тартибга солинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат фаолиятига оид умумий масалалар (иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат шартномалари, интизомий жавобгарлик ва ҳ.к.)ни ўз ичига олади. Хизматчиларнинг мансабига оид маошлари, уларни солиқларга тортиш ва шу каби бошқа бир қатор масалалар молия ва солиқ ҳуқуқи нормалари орқали белгиланади.

Жиноят қонунчилигига ҳам давлат хизматчиларининг фаолиятига оид (масалан, мансабдорлик жиноятлари) қоидалар мавжуд.

Давлат хизматини тартибга соловчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар маъмурий ҳуқуқнинг мустақил институтини ташкил этади.

Маъмурий ҳуқуқ, энг аввало, давлат бошқарувига хизмат қиласи. У асосан давлат бошқаруви тизимидағи давлат хизматчиларини маъмурий-ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, давлат хизмати институти билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ўз ҳажмига қўра ниҳоятда кенг ва мазмун жиҳатидан кўп турлидир. Бу бевосита давлатнинг роли, унинг функцияларининг миёси катталиги билан белгиланади.

Давлат хизмати институти бошқа күпгина хуқуқий институтлар билан яқиндан боғлиқ. Бу боғлиқлик пировард натижада давлат хизматининг давлат фаолиятининг барча соҳалари - ҳокимият вакиллик, бошқарув, суд, прокурор назорати функцияларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни қамраб оловчи давлат ва ташкилий-хуқуқий институт эканлиги билан белгиланади.

Давлат хизматини турларга бўлиниши ҳокимиятни бўлиниш принципи, давлат фаолияти тармоқлари ва соҳаларининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Ҳокимиятни бўлиниш принципига кўра давлат хизмати вакиллик, ижроия, суд ва прокуратура органларида давлат хизмати кўринишларига бўлинади.

Давлат хизмати давлат фаолияти соҳаларининг турлитуманилиги ва хусусиятлари албатта ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинади ва амалга оширилади. Махсус маънода давлат хизматига ҳарбий хизмат, ички ишлар органларида, божхона, солиқ органларида хизмат ва бошқа махсус тармоқ ва соҳалардаги фаолият ҳам киради.

2. Давлат хизматининг принциплари

Давлат хизматининг принциплари унинг давлат бошқаруви асослари тўғрисидаги конституциявий қоидалар ва қонунлар билан белгиланган раҳбарий асослардир.

Давлат хизмати принципларининг шартли равишда уч умумий гурӯхга бўлиш мумкин: қонунийлик; демократик; касбийлик (профессионализм).

қонунийлик принципи деганда:

а) давлат хизматчилари томонидан ўз мансаб вазифаларини бажаришда ва уларнинг хуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини бошқа норматив ҳужжатлар, мансаб йўриқномалари устидан устунлиги;

б) юқори турувчи идоралар ва мансабдор шахслар қарорларининг мажбурийлиги;

в) инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги;

г) давлат ҳокимияти тизимиning ягоналиги;

д) давлат хизматига қўйиладиган асосий талабларнинг ягоналиги тушунилади.

Давлат хизматининг демократик принципи қўйидагиларда намоён бўлади:

а) хизматчилар фаолиятини фуқаролар, жамият, давлат манфаатларига тўлиқ ва доимий мос келишилиги;

б) давлат хизматининг барча учун очиқлиги. Бу умумий қоидадан мавжуд бўлган истиснолар унинг аҳамиятини инкор этмайди, балки тасдиқлайди.

Умумий чеклашлар фуқаронинг хизматга кириш чоғидаги ёши, муомалага лаёқатлилиги, қариндошларнинг бирга хизмати, ўриндошлик, давлат мансабини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини қўлланилганлиги, давлат хизматини бажаришга тўсқинлик қилувчи касаллигининг мавжудлиги ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқдир.

Махсус чеклашлар эса баъзи лавозимларнинг хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, лавозимни эгаллаш учун ёшни ва муддатни чегаралангандиги, муайян стаж, маълумот, саломатлик даражасининг етарли бўлиш талаблари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

в) давлат хизматини амалга оширишнинг ошкоралиги. Бу ҳар бир шахснинг керакли ахборотларни ҳар қандай қонуний йўллар билан излаб топиш ва олиш ҳуқуқини амалга ошираолиши, цензурани, кишиларнинг ҳаётини ва соғлиги учун хавфли маълумотлар ва ҳолатларни яшириш тақиқланганлиги ва бошқалар билан боғлиқ.

г) давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижро этиш ва суд ҳокимиятига бўлинишлиги.

Маълумки, бошқарув фаолияти касбийлик асосида. яъни доимо, муайян вақт мобайнида, муайян жамоа доирасида, муайян тарзда олинадиган ҳақ эвазига амалга оширилади.

Давлат хизматининг касбийлик (профессионаллик) принципи қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) ходимларнинг компетентлиги, яъни уларнинг ишни билишлиги, уларда зарур маълумот, стаж, иш кўникмаларининг мавжудлиги, мунтазам равишда малакасини ошириб боришлиги;

б) давлат хизматчиларининг тайёрлаган ва қабул қилган қарорлари учун ҳамда ўз мансаб вазифаларини бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун жавобгарлиги;

в) давлат хизматининг партиядан ташқарилиги;

г) давлат органларида давлат хизматчилари кадрларининг барқарорлиги.

Давлат хизматининг принципларидан яна бири давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояланганлиги бўлиб, уларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратишни англатади.

3. Давлат хизматчиси тушунчаси, турлари ва ҳукуқий ҳолатининг асослари

Адабиётларда ва қонунчиликда давлат хизматчисининг ягона тушунчаси мавжуд эмас. Давлат хизматчиси тўғрисидаги кўп сонли фикрлар ичida қуйидагиси ажралиб туради. Бунга кўра давлат хизматчиси деганда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинадиган ҳақ эвазига давлат хизмати соҳаси бўйича қонун билан белгилаб қўйилган тартибда давлат хизматини бажарувчи давлат фуқароси тушунилади.

Бу таъриф давлат хизматчисининг қуйидаги белгиларини ўз ичига олган:

а) у давлат фуқароси;

б) давлат органида давлат лавозимини эгаллаб турувчи шахс;

в) бу органда давлат хизмати лавозимини эгаллаб турган;

г) шу лавозим билан белгиланган мажбуриятларни бажаради;

д) бу мажбуриятларни бажарганлик учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул шаклида ҳақ олиб туради.

Шундай қилиб, давлат хизмати тушунчасида асосий нарса давлат лавозимини эгаллаш ҳисобланади. Давлат лавозими

- бу Конституция ва қонунларга мувофиқ тузиладиган давлат ҳөкимияти ва бошқа давлат органларида белгиланган ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ лавозимдан иборат.

Лавозим давлат хизматчисининг хизмат вазифалари доирасини, ҳукуқлари ва мажбуриятлари чегарасини, унинг касб-малакавий тайёргарлиги талабларини белгилайди. У хизматчининг ҳуқуқий аҳволи ва у томонидан бажариладиган ишнинг мазмунини акс эттиради.

Таъкидлаш лозимки, давлат хизматчиси ва давлат мансаби тушунчаси фақат уларнинг давлат органларига боғлиқ эканлиги билан чегараланмайди. Улар нафақат давлат органларида, балки давлат корхоналарида ҳам, муассасаларда ҳам ва бошқа ташкилотларда ҳам фаолият олиб боради. Юқорида қайд қилинган органлар ўртасидаги фарқ уларнинг давлат органлари ва корхоналар, муассасалар, ташкилотларга мос функционал вазифаларидан келиб чиқади.

Давлат органларининг давлат хизматчилари давлатнинг жамиятга раҳбарлик қилиш бўйича вазифалари ва функцияларини амалга оширишга жалб этилган бўлади. Хизматчиларнинг турли тоифаларини бу жараёнда иштироки турлича бўлса-да, давлат органларида хизмат умуман ана шу мақсадга йўналтирилган бўлади.

Давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотлар хизматчилари бошқача функционал вазифани бажарадилар. Уларнинг фаолияти тегишли равишда ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий қурилиш ва бошқа фаолият соҳасидаги жараёнларни ташкил қилиш, яъни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мақсадлари ва фаолият предметлари билан боғлиқ асосий вазифаларни бажаришдан иборат бўлади.

Бу тоифадаги давлат хизматчилари белгиларининг давлат идоралари давлат хизматчиларидан фарқ қилишигини, шунингдек, бир тарафдан, муассасалар хизматчилари ва иккинчи тарафдан корхоналар хизматчилари ўртасида тафовут борлигини қисман юқорида қайд қилинган ҳолат

билин тушунтириш мумкин. Чунончи, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг кўпчилик хизматчи-ларининг фаолияти давлат органлари хизматчиларига хос ваколатларни бажариш билан боғлиқ эмас; муассасалар давлат хизматчилари меҳнатига давлат бюджетидан ҳақ тўланади, корхоналар хизматчилари эса, тижорат фаолияти туфайли олинган фойда ҳисобидан иш ҳақи оладилар.

Шу билан бирга давлат органлари давлат хизматчиларининг мақоми билан, масалан, давлат корхоналари хизматчилари мақомида кўпгина умумийлик борлигини ҳам қайд қилиш мумкин. Мисол учун корхоналарнинг раҳбарлари лавозимга юқори турувчи давлат органи томонидан тайинланади ва озод қилинади, унинг олдида ҳисобот бериб турди ва унинг назорати остида ишлайди. Корхоналар раҳбарлари мақомидаги бу муҳим хусусият уларнинг хизмат фаолиятини давлат характерига эга эканлигини кўрсатади.

Давлат - ҳокимият функцияларини амалга оширишда давлат хизматчиларининг ролини белгиловчи ваколатлар характерига кўра уларни мансабдор шахслар, асосий ходимлар ва ёрдамчилар таркибига бўлиш мумкин.

Бундай таснифлаш (турларга бўлиш)да мансабдор шахс тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Мансабдор шахс турли хукуқ тармоқларининг маҳсус субъекти сифатида (шу жумладан кўпчилик хукуқбузарликларда) асосий фигура бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида мансабдор шахсга қўйидагича търиф берилган:

Мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади (15-модда)¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси Т., Адолат. 1995, 10-бет.

Ўзбекистан Республикасининг Жиноят кодекси мансабдор шахс тушунчасини икки турга ажратади; мансабдор шахс; масъул мансабдор шахс.¹

Кодекеда бўлгиланишича мансабдор шахс - бу ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

Масъул мансабдор шахс ўз навбатида қуидаги турларга бўлинади:

1) ҳокимият вакиллари, яъни давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш хукуқига эга бўлган шахслар;

2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;

3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидағи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;

4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

Асосий таркиб ёки функционал ходимлар мутахассислар сифатида муайян органнинг вазифалари билан белгиланган ишларни амалга оширадиган давлат хизматчилари. Ушбу тоифа давлат хизматчилари шу органнинг функцияларини бажаришда раҳбарлар томонидан содир қилинадиган юридик ҳаракатларни қилишга ҳақли бўлмайди. Асосий таркиб хизматчилари, муайян меҳнат турларини бажариш

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т., Адолат, 1998, 156-157, 160 - бетлар.

учун маҳсус маълумот ва амалий қўникмаларга эга бўладилар. Бу тоифа давлат хизматчилари га инженерлар, иқтисодчилар, агрономлар, режалаштириш мутахассислари, меъморлар, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, илмий ходимлар ва бошқалар киради.

Ёрдамчи таркиб - хизмат фаолияти шу органнинг фаолиятига таъсир кўрсатадиган юридик оқибатни юзага келтирувчи ҳаракат содир қилишни назарда тутмайдиган хизматчилар бўлса-да, улар юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни қилишлари мумкин. Масалан, тушган шикоятни рўйхатга олиш, чунки шу ҳаракат (рўйхатта олиш) қилинган кундан эътиборан шикоятни кўриб чиқиш учун белгиланган муддат бошланади.

Умуман давлат хизматчиларининг маъмурий-хукуқий мақоми қўйидагича тавсифланади:

а) уларнинг хукуқлари ва мажбуриятлари, одатда, ўзлари давлат хизматида турган органларнинг компетенцияси доирасида ўрнатилади;

б) давлат хизматчиларининг фаолияти тегишли органга юклатилган вазифаларни бажаришга бўйсунган бўлади ва расмий характер касб этади;

в) давлат хизматчиларининг хукуқлари ва мажбуриятлари бир, ажralmas бўлади, ўзига хослиги хизматчиларнинг хукуқлари айни вақтда уларнинг мажбуриятлари, мажбуриятлари эса хукуқлари бўлиб ҳисобланишида намоён бўлади. Зоро хукуқлардан хизмат манфаатлари учун фойдаланилади, мажбуриятларни эса акс ҳолда амалга ошириб бўлмайди;

г) хизматчилар томонидан хукуқлар ва мажбуриятларни амалга ошириш қонунлар билан кафолатланади;

д) давлат хизматчиларининг қонуний талаблари ва кўрсатмалари кимга йўналтирилган бўлса, барча томонидан бажарилиши шарт;

е) давлат хизматчилари хизмат бўйича, яъни мартабаси бўйича кўтарилиш хукуқига эга. Бу хукуқнинг рўёбга чиқариш тартиби ва шартлари норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади;

- ж) хизмат фаолиягининг самарадорлиги мақсадида умум-фуқаролик ҳукуқлар чекланиб қўйилган бўлади;
- з) улар учун муайян имтиёзлар белгиланган, шунингдек, улар томонидан содир қилинган ҳукуқбузарликлар учун оширилган жавобгарлик ўрнатилган.

4. Давлат хизматини ўташ

Хизматни ўташ - давлат хизматининг бир жиҳати. Давлат хизмати бундан ташқари уни амалга ошириш, кадрларни танлаш ва тарбиялаш тизими, моддий таъминот ва бошқаларни ўз ичига олади. Давлат хизматини ўташ деганда хизматчининг ҳукуқий мақомига таъсир қилувчи юридик факtlар ва ижро қилувчи ҳокимият субъектларининг теришли индивидуал (якка) хужжатлари тизими тушунилади. Хизматни ўташ - давлат мансабида турган шахснинг хизмат мақомининг ўзгариши, мансабда бўлиш жараёни, унинг мартабасини англатадиган тушунча.

Давлат хизматини ўташ бир қанча босқичлардан иборат бўлади:

- 1) давлат хизматига кириш (қабул қилиниши);
- 2) хизматчиларнинг аттестацияси ва малака ошириши;
- 3) даражалар, шахсий унвонлар, разрядлар ва ҳ.к. бериш;
- 4) бошқа лавозимга ўтказиш; 5) рағбатлантириш;
- 6) жавобгарликка тортиш; 7) хизматни тұгатиш.

Хизматга кириш (қабул қилиниш) - хизматни ўташни биринчи (бошлангич) босқичи. У бўш лавозим мавжуд бўлганда тайинлаш, танлов ёки сайлаш йўли билан амалга оширилади.

Давлат хизматига тайинлаш ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахснинг юридик акти бўлиб, хизматчи зиммасига шу лавозим бўйича белгиланган функциялар, мажбуриятлар ва ҳукуқларни расмий юклашни англатади.

Танлов лавозимни эгаллашнинг сайлов элементларига эга бўлган аниқ шакли. У юқори малакали кадрларни тан-

лаб олиш ва улар билан давлат органларини бутлашни мақсад қилиб қўяди. Танлов лавозимга номзоднинг касбий, иш ва ахлоқий сифатларини дастлабки тарзда ўрганишни тақо佐 қиласди.

Фуқаро давлат хизматига номуайян муддатга ёки беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тузилган меҳнат шартномаси асосида давлат хизматига киради. Хизматга кириш ушбу шахсни давлат хизматининг давлат лавозимига тайинлаш тўғрисидаги давлат органи бўйича чиқарилган буйруқ асосида расмийлаштирилади.

Баъзи тоифадаги давлат хизматини ўташ уларни вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиб туриш маҳсус ташкил қилинган ўкув юртларида, курсларда ва ҳ.к. малакасини ошириб бориш билан bogliq касбий тайёргарлик даражасини ва давлат хизматида эгаллаган давлат лавозимига мос келиш-келмаслигини аниқлаш, шунингдек, давлат хизматчисига малакавий разряд бериш малакасини ҳал қилиш учун ўтказилади.

Хизматчиларнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири бўлиб уларга топширилган хизмат соҳасида давлат интизомига қатъий риоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш бўлиб ҳисобланади.

Давлат хизматчилари ўзларининг мансаб вазифаларини муваффақиятли ва вижданан бажарганлари учун рафбатлантирилиши ва, аксинча, бу мажбуриятларни бажарманлик учун жавобгарликка (интизомий, маъмурий, моддий, жинойи) тортилиши мумкин.

Давлат хизмати куйидаги ҳолларда тўхтатилади (тугатилади):

- а) давлат хизматчисининг шахсий аризасига кўра;
- б) давлат органи раҳбарининг ташабbusi, коллегиал орган қарори билан;
- в) қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

Давлат хизмати- хизмат муносабатлари ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан давлат хизматчисини лавозимдан озод қилиш ёки унинг истеъфога чиқариш тўғрисида

маъмурий актни чиқариши билан тўхтатилади (тутатилади).

Давлат хизматини ўташ тизимининг муҳим буғинларидан бири хизматчиларнинг аттестациядан ўтказиш ва малақасини оширишдир.

Аттестациядан ўтказиш хизматчиларнинг эгаллаб турган лавозими талабларига жавоб бериш- бермаслигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Аттестация умумий ва алоҳида (персональный) турларга бўлинади.

Умумий аттестация тегишли ҳужжатлар билан белгиланган муддатларга кадрлар билан ишлашнинг навбатдаги тадбири сифатида хизматчиларни топширилган ишга маъсулитини ошириш ва ўз лавозимига мос қелишини аниқлаш мақсадида текшириб кўришдан иборат.

Алоҳида (шахсий) аттестация ходимлари унвонларга, хизмат даражаларига эга бўлган идоралардан ўтказилиб, у алоҳида олинган хизматчи хусусида муҳим қарор қабул қилиш (унвонга тавсия этиш, бошқа лавозимга тайинлаш ва бошқарув) лозим бўлганда ўтказилади.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда давлат хизмати тизими니 такомиллаштириш, хизматчиларнинг фаолиятини яхшилашга мунтазам эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги(1995 йил, феврал) нутқида мамлакатда ўтказилаётган «иқтисодий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар муваффақияти, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ», деган эди». ¹

Шунинг учун ҳам барча бўғиндаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизимини барпо этиш лозимлигини ҳам уқтирган эдилар.

Давлатимиз раҳбари ўзининг «Озод ва обод Ватан, фарновон ва эркин ҳаёт- пировард мақсадимиз» деб аталган Олий Мажлис сессиясидаги маъруzasida (2000 йил январь)

¹ И.А.Каримов Ватан сажлагоҳ каби муқаддасдир. Т., 1996, 13-бет

бошқарув аппаратини кадрлар билан таъминлашни яхшилаш бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида асосий вазифалардан бири эканлигини яна бир марта таъкидлади. «...биз, -деди Юртбошимиз, - кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштиришимиз зарур».

Бундай муайян лавозимга муносиб номзодлар ўртасидан энг муносибини танлаш йўлидан боришимиз керак. Бунинг учун, аввало, истеъдодли, изланувчан, замонавий билимга эга, Ватан, она заминимизга садоқатли ёшларга сўзда эмас, амалда кенг йўл очиб беришимиз шарт.

Бу масала барча замонларда ҳам қеч қачон осонликча ҳал бўлган эмас. Одатда, бундай пайтларда субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруф-аймоқчилик, ҳариндош-уругчилик алоқалари ва бошқа кўп-кўп иллатлар намоён бўлади.

Афсуски, бу муаммони ҳал этишнинг тайёр йўл-йўриклирини топиш қийин. Шунинг учун кадрлар танлашнинг объектив тарзда ишлайдиган тизимини шакллантириш йўлида кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳам кўп ишлашимиз керак.

Бу борада етакчи илмий марказлар, ўқув даргоҳлари, турли муассаса ва идораларда мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ муҳим ва долзарб, ҳал қилувчи муаммолар таҳлилига бағишлиланган амалий семинарлар ўtkазишининг аҳамияти катта, деб ўйлайман.

Айни вақтда бундай семинарлар мунтазам фаолият кўрсатиши учун уларга имкон қадар кўпроқ истеъдод эгаларини жалб этиш лозим.

Бошқарув аппарати ходимларининг сифатини яхшилаш Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ҳозирги пайтда мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурида» белгиланган вазифаларни бажариш билан бевосита боғлиқ.

Жумладан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида фақат таълим муассасаларидагина эмас, балки давлат аппаратида ҳам кадрлар сифатини яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг муҳим тадбирлари назарда тутилган.

Хужжатда белгиланишича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман:

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизими бошқаришни шакллантириш;

Юқори малакали ўқитувчи мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва мутахассисларнинг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиб;

Профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек, муракқаб фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторлари ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.¹

Давлат хизматчиларининг фаолиятини яхшилашда уларни рағбатлантириш ва масъулият тизимини белгилаш ва амалга ошириш ҳам катта аҳамиятга эга.

¹ Баркамол ријод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., 1999, 50-бет.

Рағбатлантириш мансаб вазифаларини муваффақиятли бажарганлиги ёки бошқа ижтимоий фойдали ишларни амалга оширганлиги учун қўлланилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам у асосланган, ўз вақтида, турли шаклларда, ошкора бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида хизматчиларни рағбатлантиришнинг турлари(моддий, маънавий, давлат мукофотлари ва бошқалар), улар билан тақдирлаш асослари ва тартиби белгилаб қўйилган.

Давлат хизматчилари бошқа фуқаролар сингари қонулар талабларини бажармаганда, хизмат вазифаларига лоқайдлик билан қараганда, давлат ва жамоат бирлашмалигига моддий зарар етказганда, фуқаролар ҳукуқларини бузганда юридик жавобгарликка (интизомий, маъмурий, моддий, жиноий) тортилиши мумкин. Бу масала ушбу ўқув қўлланманинг кейинги бобларида қенгроқ ёритилади.

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун саволлар

- 1) давлат хизматининг давлат фаолиятининг бир томони сифатидаги хусусияти нимада намоён бўлади?
- 2) сиз давлат хизматининг қайси турларини биласиз?
- 3) давлат хизматчисининг қандай асосий белгилари бор?
- 4) давлат хизматчиси қандай турларга бўлинади?
- 5) давлат хизматчисининг маъмурий-хукуқий мақоми қандай тавсифланади?
- 6) давлат хизматининг бир жиҳати сифатида хизматни ўташ нимани англатади ва у қандай босқичлардан иборат бўлади?

Адабиётлар

- 5; 7 (151-187 бетлар); 9; 10; 13; 14; 18; 21; 40; 53; 164
(УШ боб); 165 (8-боб).

VI боб. Маъмурий ҳукуқ субъекти сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариши органлари

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчаси ва турлари.
2. Нодавлат нотижорат ташкилотлар маъмурий-ҳукукий мақомининг асослари.
3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг тури сифатида фуқаролар жамоат бирлашмаларининг давлатни бошқариша иштирок этиши.
4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг бошқариш соҳасидаги роли

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчаси ва турлари

Демократик фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлатни шакллантириш, бошқарувни изчил эркинлаштириш шароитида ижтимоий ҳаётимизда турли нодавлат тузилмаларнинг роли мунтазам ошиб бормоқда. Республикамиз Президенти И.А. Каримов ўзининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси (2002 йил август)даги нутқида бу жараённи мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим йўналиши, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш деб баҳолади.

Маълумки, бу жараён кўпгина ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини қайта қўриб чиқиши, бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади.

Бундай шароитда давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқ-

лашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилган бўлади.

Президентимиз таъкидладики, ҳаётимизда аҳамияти тобора кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари- маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласида фуқаролик институтлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий меҳанизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганлиги, бу тузилмалар тўғрисида маҳсус қонунлар қабул қилинганлигини қайд қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1999 йил 14 апрелда «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилди.¹

Қонунда белгиланишича, нодавлат нотижорат ташкилоти- бу жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад(фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни(фойдани) ўз қатнашчилари(аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бош-

¹ Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунлари. № 21. Т., Адолат, 2000,

қа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжатлари тизимиға Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ижтимоий жамғармалар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши хусусиятларини маҳсус тартибга соладиган қонун хужжатлари киради.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Улар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, умумий манбаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уюшма (иттифоқ)лар шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотлар маъмурӣ-хукуқий мақомининг асослари.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунида бу ташкилотлар асосий шакллари(жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, муассасалар, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари)нинг тушунчаси баён қилинган.

Жамоат бирлашмаси- бу маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манбаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасидир.

Ижтимоий фонд деганда жисмоний ва(ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзладиган, аъзо-

лиги бўлмаган ташкилот тушунилади.

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва(ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлариға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган ҳалқаро ташкилот ҳалқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг маъмурий ҳукуқ субъектлилиги уларнинг давлат бошқаруви бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатларида рўёбга чиқадиган ҳукуқ ва мажбуриятларининг мажмуини қамраб олади. Давлат бу ташкилотларнинг маъмурий ҳукуқ субъектлилигини белгилаш орқали уларнинг маъмурий ҳукуқий муносабатлар субъекти сифатида ҳукуқий муносабатларнинг турларини ҳам аниқлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар билан энг муҳим масалалар улар тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланган. Бу ҳужжатда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил қилиш ҳукуқи ва унинг кафолатлари, бу ташкилотларнинг мақоми, тузилмаси, фаолияти, қайта ташкил қилиш, тугатиш тартиби ва бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар уларнинг муассислари(аъзолари) қарори асосида тузилади ва давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс ҳисобланади, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

Давлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилмайди ва уларнинг фаолиятига аралашмайди. Шу билан бирга қонунлар билан нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асослари белгилаб қўйилган. Ташкилотларнинг фаолияти

давлат қонунлари билан тартибга солинади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг хуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат қўмак қўрсатиши мумкин. .

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз аъзолари ва қатнашчиларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қиласди; ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташабbusлар билан чиқади, давлат ҳокимиюти ва бошқарув органларига таклифлар киригади; давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишида иштирок этади ва қонунларда назарда тутилган бошқа хуқуқлардан фойдаланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга, яъни индивидуалластириш воситаларига эга бўлиши мумкин, белгилар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак, улар давлатнинг рамзий белгиларига ўхшамаслиги лозим.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин. Бу ташкилот томонидан айрим фаолият турлари фақат лицензиялар асосида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин. Ташкилотни тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг тури сифатида фуқаролар жамоат бирлашмаларининг давлатни бошқаришда иштирок этиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба ўшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашма-

ларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»¹ қонун қабул қилинган эди. Республикаиз Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги нутқида (2002 йил) бу қонунга ўзгартишлар киритиш зарурлигини таъкидлади. Жамоат бирлашмалари нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бир тури ҳисобланади.

Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўз хуқуqlари, эркинликларини ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, фан, маданий, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидағи қонунний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиши-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмалар жамоат бирлашмалари бўлиб ҳисобланади.

Барча жамоат бирлашмалари умумий белгиларга эга:

а) жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадилар;

б) ўз табиатига кўра давлат ҳокимият ваколатларига эга эмас ва хуқуқ ижодкорлиги субъекти бўлиб ҳисобланмайди. Уларнинг юридик характердаги ваколатлари фақат норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида мавжуд бўлиши мумкин.

в) ўз номидан ҳаракат қиласиди;

г) ўз фаолиятининг мақсади сифатида фойда олишни кўзлайдиган тижорат ташкилотлари бўлаолмайди.

Жамоат бирлашмалари ҳар хил асосларга кўра турларга бўлиниши мумкин.

Ташкилий-хуқуқий шаклларига кўра: жамоат ташкилотлари; ижтимоий ҳаракатлар; ижтимоий жамғармалар; ижтимоий муассасалар; иттифоқлар (уюшмалар) ва шу қабилар.

Ташкил этилиш принципига кўра; аъзоликка асослан-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1991, 4-сон, 76-модда; 1993, 9-сон, 363-модда.

ган ва аъзолиги бўлмаган жамоат бирлашмалари.

Жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқ субъектлиги уларнинг ижроия ҳокимият субъектлари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларида амалга ошадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуини ўз ичига олади. Давлат жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқ субъектлигини белгилаш орқали улар субъектлар сифатида иштирок этиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг турларини ҳам белгилайди.

Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиги ва мънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда бирлашмалар тузилишининг тақиқланиб қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузишга ҳам йўл қўйилмайди.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасида ўзаро аралаш маслик принципи ҳаракат қиласи: давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Қонунлар билан давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича ваколатлар доираси белгилаб қўйилган.

Давлат жамоат бирлашмаларининг уставларида нималар

акс эттирилишини: кимлар уларга аъзо ва иштирокчи бўлишлари мумкинлиги, жамоат бирлашмалари мулкининг обьектлари, бюджет билан муносабатлари, улар маблағларининг манбалари ва шу кабиларни белгилайди.

Жамоат бирлашмалари давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини-ӯзи бошқариш органларининг қарорлар ишлаб чиқаришида иштирок этиш ҳуқуқларига эга; йиғилишлар, митинглар, намойишлар ўтказиш, ўзларининг, ўз аъзолари ва қатнашчиларининг, шунингдек, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини давлат ҳокимият органларида ҳимоя қилиш; давлат ҳокимият органларига таклифлар киритиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари мустақил равишда ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланишлари мумкин эмас, аммо қонун билан белгиланган ҳолларда ва шаклларда бу жараёнда қатнашишлари мумкин. Давлат жамоат бирлашмалари мақомининг умумий асосларини ўрнатишдан ташқари уларга бошқа йўллар билан ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Адлия идоралари жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказадилар ва улар фаолиятини устав мақсадларига мос келишшлиги устидан назорат олиб борадилар.

Молия ва солик идоралари жамоат бирлашмалари даромадлари манбаларини, улар томонидан олинган маблағлар миқдорини ва тўланган солиқларни назорат қиласидилар.

Жамоат бирлашмалари томонидан мавжуд қоидалар ва стандартларни бажарилиши устидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга, ёнфинга қарши, санитария-эпидемиологик қоидаларга риоя қилишни назорат қилувчи органлар ва бошқа давлат назорати идоралари назорат олиб борадилар.

Жамоат бирлашмаларининг энг муҳим мажбуриятларидан бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилишлик ҳисобланади. Конституция ва қонунларни бузган тақдирда уларнинг фаолияти суд қарори билан тўхтатилиб қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси худудида ташкил қилинган

хорижий давлатлар жамоат бирлашмалари бўлинмаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномалар қоидалари билан тартибга солинади.

4. Фуқароларниг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларнинг бошқариш соҳасидаги роли

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг ўн тўртинчи сессиясида (1999 йил 14 апрел) «Фуқароларниг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрир) қонун қабул қилди.

Қонунда кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ва энг аввало жамиятни демократлаштириш жараёни ўз ифодасини топган, шу йиллар давомида фуқароларниг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўлга киритган тажрибалар, улар дуч келган муаммоларни ҳал қилиш йўллари белгиланган.

Энг аввало, қонунда фуқароларниг ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси ва бу борадаги органлар тизими баён қилинганилиги диққатга сазовордир. Гап шундаки, бу масалалар кўп йиллар давомида маҳсус адабиётларда ҳар хил тушунтирилиб келинар, баъзida ўзини ўзи бошқариш билан маҳаллий давлат ҳокимиятини амалга ошириш тушунчалари қўшиб юборилар эди. Қонунда фуқароларниг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий давлат ҳокимият органлари тизимига кирмаслиги қайд қилинган. Ўзини ўзи бошқариш фаолияти фуқароларниг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан холда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиши борасида мустақил фаолият сифатида қайд қилинган.

Илгари амалда бўлган қонунда фақат шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, ҳамда улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларниг йифини ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланган бўлса, янги қонунда фуқаролар йифини билан бирга

йифин кенгаши, йифин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, тафтиш ва маъмурий комиссиялардан иборат бутун бир тизим тўғрисида сўз боради ҳамда бу органлар ўз фаолиятида демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, ўзаро ёрдам тамойилла-рига таяниб фаолият олиб боришлиги белгиланган.

Албатта, қонуннинг энг дикқатга лойиқ томони - унда назарда тутилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари доирасидир. Унда 1993 йилда қабул қилинган қонундагига нисбатан кенг доирадаги хукуқлар баён қилинган. Республикализ Президенти И.А.Каримов давлатимиз Асосий қонуннинг қабул қилинганига 6 йил тўлиши муносабати билан бўлган тантанали маросимда сўзланган «Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбай» номли нутқида куйиниб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида учраб турадиган қонун талабларини бузилиш ҳолатларини қонунларни бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб тугатиб бўлмайди, деб таъкидланган эди.

Шу нуқтаи назардан ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонуннинг фуқаролар йифини ваколатига бағишлиланган қоидаларида баён қилинган қонун ва бошқа қонун хужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, деган қоидаси эътиборга моликдир.

Қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тегишли худудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, ҳокимликлар раҳбарларининг фуқаролар йигинлари фаолияти соҳасига киравчи масалалар юзасидан ҳисботларини эшитиш, ўзларининг кичик корхоналарини ташкил қилиш, ер участкаларини бериш масалаларининг ҳал этишда ўз вакили

орқали иштирок этиш ва шу каби бошқа ваколатлари ба-тафсил қўрсатиб қўйилган.

Қонунда маҳаллалар ваколатларининг акс эттирилиши алоҳида хусусиятга эга. Бунда шаҳардаги маҳаллалар фуқаролар йигинларининг ва шаҳарча, қишлоқ, овулдаги маҳалла фуқароларининг йигинлари ваколатлари алоҳида ажратиб баён қилинган. Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йигинининг ваколатлари шаҳарча, қишлоқ ва овлу фуқаролар йигини ваколатлари билан тенглаштирилган. Қонунда ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида янги бўғин бўлган фуқаролар йигини кенгаши ваколатлари батафсил белгиланган. Фуқаролар йигини кенгаши фуқаролар йигинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йигинлари оралиғидаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йигинининг раиси (оқсоҳоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раислари, фуқаролар йигинининг масъул котибидан иборатгузилади.

Фуқаролар йигинининг кенгаши бошқа кўпгина масалалар билан бир қаторда хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оиласда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қўриш, кам таъминланган оиласларга тайинланган моддий ёрдамни, муҳтоҷ оиласларга нафақалар тўлашни амалга ошириш, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оиласларга нафақалар тайинлаш ва тўлашни амалга оширади.

Фуқаролар йигини кенгашининг зиммасига тегишли худудда ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш, санитария ва экология ҳолати устидан назорат олиб бориш, савдо ва майший хизмат қўрсатиш корхоналари ишини назорат қилиш, аҳолидан солиқ ва бошқа тўловларни тушишига, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ундирилишига кўмаклашиш каби мажбуриятлар ҳам юклатилган. Айни вақтда бу вако-

латларни яхши амалга оширилишидан уларнинг манфаатдорлиги белгиланган. Жумладан, фуқаролар уй-жойдан фойдаланиш харажатларини ва коммунал хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширганликларига қараб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳар ойда маблағ ажратиш даражаси ҳар йили белгилаб қўйилишлиги қайд қилинган.

Мавзуни ўзлантирганлик даражасини текшириш учун саволлар

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар деганда нима тушинилади ва унинг қандай турлари бор?
2. Нодавлат нотижорат ташкилотнинг асосий хукуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат?
3. Жамоат бирлашмалари давлат бошқарувидаги қандай вақолатларга эга?
4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши деганда нима тушинилади?
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида маҳалланинг қандай ўрни бор?

Адабиётлар.

5; 6; 7; 9; 10; 13; 14; 34; 35; 53; 93; 95;

VII боб. Ижроия ҳокимиятни амалга оширувчи органлар фаолиятининг шакллари ва усуллари (методлари)

- 1. Ижроия ҳокимиятни амалга оширувчи органлар фаолиятининг шакллари тушунчаси ва турлари.**
- 2. Маъмурий жараён (процесс).**
- 3. Маъмурий усуллар (методлар)нинг тушунчаси ва турлари.**

1. Ижроия ҳокимиятни амалга оширувчи органлар фаолиятининг шакллари тушунчаси ва турлари

Бизни ўраб турган дунёning барча ҳодисалари бир-бiri билан ўзаро боғлиқ, бир-бирига фаол таъсир кўрсатувчи шакл ва мазмунга эга. Мазмун - шу ҳодиса (тушунча) ни қосил қиладиган элементлар, жараёнлар, алоқалар, муносабатлар йифиндиси бўлса, шакл-мазмуннинг мавжуд бўлиш тарзи, унинг намоён бўлиши, тузилмасидир. Давлат, хукуқ, ижроия ҳокимият каби мураккаб ҳодисалар шаклининг ўзи кўп қиррали бўлиб унинг ўз тузилмаси бор.

Бошқариш (ижроия ҳокимият) шакли муаммосини тўғри тушуниш унинг мазмунига чуқурроқ кириб боришни таъминлайди. Унинг амалий қиммати янада кўпроқ, зеро бошқарувнинг самарадорлиги қўп жиҳатдан фаолиятнинг барча шаклларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Бошқаришнинг турли шаклларидан моҳирлик билан фойдаланиш маъмурий ҳокимиятни яхшироқ ташкил қилиш, унинг ташқи муҳит билан алоқаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ижроия ҳокимият фаолиятининг мазмунини у томонидан бажариладиган бошқарув функциялари ташкил этади. Унинг шакллари эса кўп қиррали, турли қўринишларга эга. Маъмурий ҳокимиятнинг ташкилий шакли бўлиб аппарат ҳисобланади, аппарат (маъмурият) юридик жиҳатдан маъмурий хукуқ билан расмийлаштирилади.

Маъмурий-хукуқий фанда бошқарув шакли деганда бош-

қарув органлари фаолиятининг ташқи намоён бўлиш турлари, давлат бошқариш органлари (ижро қилиш ҳокимияти) томонидан содир қилинадиган аниқ ҳаракатларнинг амалий ифодаси тушунилади.

Одатда ижроия ҳокимиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ноҳуқуқий шаклларини ажратишиди. Бевосита муайян ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ва анча тўлиқ равишда юридик расмийлаштириладиган фаолият ҳуқуқий шаклдаги бошқариш фаолияти саналади. Бунга: 1) ҳуқуқий ҳужжатлар (қарорлар) қабул қилиш; 2) шартномалар тузиш; 3) юридик аҳамиятга эга бошқа ҳаракатлар қилиш мисол бўлади.

Ижро қилувчи ҳокимият субъектлари ўз олдида турган вазифаларни бажариш учун кўп сонли ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради. Улар ёрдамида янги ҳуқуқий нормалар ўрнатилади, амалдагилари ўзгартирилади ёки бекор қилинади (ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти), янги ҳуқуқий муносабатлар шакллантирилади, ўзгартирилади, олдин амалда бўлганлар тўхталиди (ҳуқуқ қўллаш фаолияти).

Йил сайнин ижроия ҳокимият субъектларининг шартномавий фаолияти кенгайиб бормоқда. Мабодо илгарилари улар асосан меҳнат муносабатларида тараф сифатида қатнашиб келган бўлсалар, эндиликда кўплаб маъмурий шартномалар тузмоқдалар (бошқарувнинг турли субъектлари ўртасида шартномалар, милицияда, куролли кучларда хизмат тўғрисида ва б.).

Ижроия ҳокимият фаолиятининг ноҳуқуқий шакллари бўлиб ташкилий ва моддий-техникавий таъминлаш бўйича ҳаракатлар ҳисобланади. Бу ҳаракатлар амалдаги қонунчилик доирасида содир қилинса-да, кўп ҳолда улар ҳуқуқ билан фақат умумий тарзда тартибга солинади. Уларнинг энг муҳим хусусияти бўлиб бевосита юридик оқибатларни келтириб чиқармаслиги ҳисобланади.

Ҳаётда йиғилишлар, муҳокамалар, текширишлар, илфор тажрибани ёйиш, режалар, дастурлар, услубий тавсияномалар ишлаб чиқиши, бухгалтерия ва статистик ҳисобни

амалга ошириш, намойишлар, матбуот конференциялари, меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари вакиллари билан учрашувлар ташкил қилиш қаби ташкилий ҳаракатлар кўп учрайди.

Ижроия ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий шакли - давлат бошқарувининг ҳуқуқий (маъмурий-хуқуқий) шаклини турларга бўлиш анчагина диққатга сазовор. У ижроия органлар (мансабдор шахслар) ҳаракатининг бутун бир тизимидан иборат бўлиб, турли асосларга кўра бир биридан фарқ қиласи:

а) юридик ифодаланиш даражасига кўра: асосий (ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш) ва унга асосланган ҳаракатлар, яъни муайян юридик оқибат келтириб чиқарувчи ёки муайян юридик йўналишга эга бўлган (рўйхатга олиш, рухсат бериш, назорат қилиш, огоҳлантириш, тўсиб қўймоқ, таъминламоқ ҳаракатлари, лицензия бериш ва ҳ.к.);

б) эришилган натижаларга кўра: ижобий (позитив) тартибга солиш (ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тасдиқлаш ва ҳ.к.) ёки давлат бошқариш соҳасидаги салбий воқеаларга муносабат билдириш;

в) йўналиши бўйича: давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларга таъсир қилувчи (ташқи йўналиш) ёки қути турувчи бошқариш аппарати фаолиятига таъсир кўрсатувчи (ички йўналиш);

г) ҳажми бўйича: умумий мажбурий ёки аниқ обьектга мулжалланган;

д) миқёси жиҳатидан: ижроия ҳокимиятнинг (давлат бошқарувининг) бутун тизими ёки шу орган ички ишчи аппаратининг ишини тартибга солиш;

е) компетенциясига кирувчи масалаларни ҳал қилиш характеристери ва усулларига кўра: муайян тартиб (процедура) асосида (бошқарув ҳужжатлар тайёрлаш ва қабул қилиш) ва процессуал (м: маъмурий иш юритиш доирасида);

ж) субъект бўйича ифодаланишига кўра: бир томонлама ифодаланган ёки икки ва кўп томонлама (маъмурий-хуқуқий шартномалар);

з) ташаббускорлиги жиҳатидан: ижроия ҳокимият субъектлари томонидан уларга белгиланган компетенцияда назарда тутилган талаблар асосида ўз ташаббуслари билан ёки бошқариш муносабатлари бошқа қатнашчиларининг ташаббусига билдирилган муносабат тарзида ифодаланган (м: фуқароларнинг шикоятлари бўйича);

и) қўлланиш шартларига кўра: нормал ижтимоий ҳаёт ёки фавқулодда ёхуд ҳарбий ҳолат режими;

к) давлат ҳокимиятининг бошқа субъектларига нисбатан муносабатига кўра: қонунчилик (вакиллик) ёки суд органлари билан муносабатларда фойдаланиладиган;

л) бошқариш таъсири объектининг хусусиятига кўра: мулкчилик шаклларига боғлиқ ҳолда (давлат, кооператив, ҳиссадорлик, тижорат, жамоа, хусусий, якка объектлар);

м) юридик мазмунига кўра: рухсат берувчи, тақиқловчи ёки мажбурловчи.

Ижро қилувчи ҳокимият шаклларини процессуал ва нопроцессуал турларга бўлиш мумкин.

Маълумки, одил судловлик ҳаммавақт процессуал шаклда амалга оширилади. Ижроия ҳокимият, бошқариш эса процессуал шаклга эга бўлиши, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Юридик процесс (жараён) деганда ваколатли субъектларнинг аниқ юридик ишларни ҳал қилишга қаратилган ва етарли даражада процессуал нормалар билан тартибга солинган ҳокимият характеристига эга бўлган фаолият тушунилади. Куйидагилар юридик процесснинг асосий белгилари бўлиб ҳисобланади:

1) бу жараён (процесс) да мажбурий (ҳокимият) характеристга эга ваколатлар амалга оширилади. Айнан мажбурийлик процессни турли процедуralар (шартномалар тузиш, матбуот конференциялари уюштириш, рўйхатга олиш ва х.к.) дан фарқлантиради;

2) процессуал фаолиятнинг натижаси бўлиб юридик ишни ҳал қилиш ҳисобланади (нормативактни қабул қилиш, фуқароликка қабул қилиш, жазо чорасини қўллаш ва шу кабилар);

3) бу фаолият процесс иштирокчиларини, уларнинг хукуқлари ва мажбуриятларини, ишнинг тааллуқлилигини, ҳаракатлар тартиби ва тугатиш муддатларини, хужжатларни расмийлаштириш қоидаларини, қарорларни қабул қилиш, улар устидан шикоят қилиш, ижро қилиш тартибини у ёки бу даражада белгилайдиган процессуал нормалар доирасида амалга оширилади.

Процессуал шакл - бу, демак, ҳокимият ваколатларини амалга ошириш, юридик ишларни ҳал қилишни мақсадга мувофиқ усулларини мустаҳкамлайдиган тизимдир.

Ижроия ҳокимиятнинг ўзи бевосита маъмурий-процессуал фаолиятни амалга оширади, у қонунчилик, сайлов, бюджет жараёнларида мухим роль уйнайди, одатда жиноят ишларини бошлайди ва хукмларини ижро қиласи, анчагина ҳолатларда фуқаролик ишларида ва бошқа хукуқни қўллаш жараёнларида иштирок этади.

Ижро этиш - фармойиш бериш фаолиятини - яна бир шаклга боғлиқ мезонга кўра турларга бўлиш мумкин. Бу мезон - ошкоралик, очиқлик даражаси. Ижроия ҳокимият асосан ошкора фаолият кўрсатади, у тўғрисидаги ахборотлардан барча хабардор бўлаолади. Бироқ, бу фаолиятнинг ошкора қилинмайдиган шакллари ҳам мавжуд, улар тўғрисидаги ахборотлар сир сақланади. Масалан, тезкор-қидирав, разведка, қисман ташқи иқтисодий фаолият кабилар шулар жумласига киради.

2. Маъмурий жараён (процесс)

Жараён (процесс) - муайян натижага эришиш учун навбатма-навбат қилинадиган ҳаракатлар йифиндиси, муайян фаолиятни амалга ошириш тартиби. Ана шу маънода, масалан, қонунчилик, бюджет, ер тузиш жараёни тўғрисида сўз юритилади.

Ижроия ҳокимият турли ҳаракатларда амалга оширилгани сабабли бу фаолиятни процессуал шаклга эга бўлиши тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Юридик нуқтаи назардан процесс ўз вазифасига кўра моддий ҳуқуқ нормаларини амалга оширишга хизмат қилади. Шу методологик нуқтаи назардан келиб чиқиб моддий маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш бўйича фаолиятни маъмурий жараён деб аташ мумкин.

Маъмурий жараён жиноят, фуқаролик, қонунчилик, бюджет жараёни кабилар билан бир қаторда туради. У, бир томондан юридик жараённинг бир тури сифатида унга хос барча белгиларга эга, иккинчи томондан эса, бошқарув (ижроия) фаолиятининг тури бўлиб, қуидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) бу жараён ижроия ҳокимиятнинг мажбурий характерга эга фаолиятининг бир кўриниши. Айнан шу шаклда ижроия ҳокимият вазифалари ва функцияларининг юридик мажбурий амалга оширилиши юз беради;

2) у муайян бошқариш вазифаларини бажариш, юридик характердаги натижаларга эришишга йўналтирилган бўлади;

3) у маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бўлади. Маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тармоғи сифатидаги хусусияти унда моддий ва процессуал нормаларнинг биргаликда мавжудлигида намоён бўлади.

Процессуал нормалар ёрдамида бошқариш тартибини белгилашда, ижроия ҳокимиятни амалга оширишда аниқлик, изчилликка эришилади, бир хиллик таъминланади, демократлаштириш юз беради. Процессуал тартибга солиш ҳокимиятчилик фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Давлат бошқарувида турли ишларни ҳал қилишда ҳокимият ваколатларидан фойдаланишга тўғри келади. Уларнинг ичидаги мазмунига кўра энг йирик юридик процесс (жараён) маъмурий процесс бўлиб, уни уч қисмга бўлиш мумкин: 1) маъмурий ҳуқуқ ижодкорлик жараёни; 2) тезкор фармойиш бериш жараёни; 3) маъмурий - юрисдикция (маъмурий ишларни кўриш) жараёни.

Ҳозирги пайтда маъмурий жараённи тартибга соладиган

ягона ҳужжат мавжуд эмас. У кўп сонли ҳужжатлар билан тартибга солинади. Улар ичида ҳам тоза процессуал манбалар кам, кўп ҳолларда маъмурий ҳуқуқ манбаларида бир вақтнинг ўзида ҳам моддий, ҳам процессуал нормалар мавжуд бўлади (м: МЖТК, ЎзРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» қонуни, Божхона кодекси ва ҳ. к.).

Ижроия фаолият шаклларида одатда бошқарув ҳуқуқий ҳужжатларнинг тайёрлаш ва чиқариц тартиби, рухсат бериш тизими, хисобга олиш функцияларини бажариш, лицензия бериш, ишларни ҳал қилиш (юрисдикция) фаолиятини ажратишади. Булар кўп тарқалган маъмурий жараён кўринишлари бўлиб хисобланади. Маъмурий жараён тушунчасини кенг маънодаги (ҳуқуқ ўрнатиш ва ҳуқуқни қўллаш), тор (юрисдикцион), ёки ўз маъносидаги тушунчасининг асосини қуиддаги кўринишларда намоён бўладиган маъмурий-процессуал фаолият ташкил этади:

- 1) маъмурий-процедуравий;
- 2) маъмурий-юрисдикцион.

Бу иккى кўриниш ҳам ўхшащ аломатларга эга; улар, қоида тариқасида, суд ҳал қилувидан бошқа тартибда амалга оширилади; ишлар индивидуал (якка) характеристега эга бўлади; улар купинча битта норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади (м: фуқароларнинг мурожаатлари (ариза, тақлиф, шикоят) ичида фақат шикоятларда маъмурий-ҳуқуқий низо мавжуд бўлса-да, уларни барчасини ҳал қилиш учун ягона тартиб белгиланган) ва ҳ. к.

Шу билан бирга улар ўртасида фарқ ҳам бор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ўз ҳажмига кўра юрисдикцион фаолиятга нисбатан кенгроқ. Маъмурий - юрисдикцион фаолиятни амалга оширишда бошқарув ижтимоий муносабатлари иштирокчилари хулқ-атворини ҳуқуқий баҳолаш шарт бўлса, маъмурий-процедуравий фаолиятда юридик баҳо бериш асосан тегишли тавсияларни қаноатлантириш учун амалга оширилади. (Рухсатнома, лицензия бериш ва б). Процедура (тартиб) талаб қилмаса юри-

дик баҳо бериш шарт эмас. (бошқарув хужжатларини тайёрлашда ва б.).

Маъмурий-процедуравий жараёнда ёки индивидуал (якка) иш мавжуд бўлмайди (маъмурий иш юритишда, яъни хизмат хужжатлари билан ишлашда), ёки улар низоли характерга эга бўлмайди. Юрисдикцион жараёнда бунинг бўлиши шарт. Маъмурий процедураларда мажбурлаш мақсадларни рўёбга чиқаришнинг процессуал воситаси сифатида қўлланилса, юрисдикцион фаолиятда мажбурлаш маъмурий-хукукий низони ҳал қилишнинг натижаси бўлади ва айбдор томонга нисбатан маъмурий ёки ўзгача юридик жавобгарлик чорасини қўллашда ифодаланади.

Маъмурий-процедуравий фаолият, қоида тариқасида, мурракаб бўлмайди (жамоат бирлашмасини рўйхатга олиш учун ариза ва таъсис ҳужжатларини тақдим қилиш етарли) ва шу сабабли батафсил тартибга солишини талаб қилмайди. Процессуал фаолиятнинг предмети маъмурий-хукукий низо бўлган барча ҳолатларда бу талаб қилинади.

3. Маъмурий усуllар (метод)ларнинг тушунчаси ва турлари

Усул (метод) нинг тушунчаси ниманидир амалга ошириш йўлини англатади. Давлат бошқарув фаолиятига нисбатан усул (метод) деганда ижроия ҳокимият вазифалари ва функцияларини ижроия органлар (mansabдор шахслар) нинг фаолиятида уларнинг белгиланган компетенцияси асосида, муайян доираларда ва тегишли шаклларда амалга ошириш йўллари тушунилади. Бошқарув усули (методи) давлат-бошқарув фаолияти функцияларини амалга ошириш, унинг мақсадларга эришиш воситасидир.

Бошқарув усуllарига куйидаги хусусиятлар хос:

- 1) улар ягона давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг маҳсус тури сифатида давлат бошқарувининг аниқ мақсадли вазифаси билан боғлиқ бўлади;
- 2) улар ижроия ҳокимият субъектларининг тегишли

объектларга бошқарувчи таъсирини ифодалайди;

3) улар ижроия ҳокимиятни амалга ошириш шакллари сифатида давлат бошқарувининг субъектлари ва объектлари ўртасидаги алоқаларда ифодаланади;

4) улар ижроия ҳокимият субъектлари томонидан уларга беркитилган компетенцияларни амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланилади;

5) бошқарув усули ҳар дойм тегишли объект (индивидуал ёки жамоавий) га мўлжалланган бўлади;

6) бошқарув усули бошқариш компетенциясини амалга оширишни кўп турли йўллари борлигини ҳисобга олган ҳолда ижроия ҳокимият субъектлари олдида турган бошқариш вазифаларини ҳал қилишнинг муайян имконияти ҳисобланади;

7) бошқарув усул (метод)ларида давлат (омма) манфаати, давлатнинг бошқарув иродаси ўз ифодасини топади;

8) бошқарув усули (методи) ҳаммавақт юридик-мажбурий (ҳокимият) ваколатни ифодалайди;

9) бошқарув усул (метод)ларга ҳуқуқий шаклда ифодаланиш хос, улар бошқарувнинг ҳуқуқий ҳужжатларида намоён бўлади;

10) бошқарув таъсирининг аниқ усулини танлаш фақат ижроия ҳокимият субъектларининг ташкилий - ҳуқуқий мақоми хусусиятларигагина эмас, балки энг аввало, бошқарув объектининг хусусиятларига боғлиқ бўлади (мулк шаклларига, унинг якка ёки жамоавий характеристига ва ҳ.к.).

Шундай қилиб, бошқариш методи (усули) ўзининг асосий кўрсаткичларига қўра бошқарув таъсирининг аниқ, мақсадли воситасидир. Бошқариш методи тушунчасига бундай ёндошув уни бошқариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усули билан яқинлаштиради. Улар учун умумийлик шундаки, ҳар иккаласи ҳам тартибга солиш воситаси бўлиб ҳисобланади яъни маъмурий ҳуқуқий ижозат бериш, маҳ қилиш ва мажбурлаш ролининг соҳиби сифатида намоён бўлади. Бироқ, уларнинг ўртасида фарқ ҳам бор. Ҳуқуқий тартибга солиш методлари

тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларнинг барча қатнашчилари, жумладан ижроия ҳокимият органлари (мансабдор шахслари)га тааллуқли бўлгани ҳолда бошқариш методлари фақат ижро этувчи органлар томонидан фойдаланилади.

Тилга олинган методларни бир-биридан ажратишнинг методологик-маънодаги асосий мезони қўйидагича: хуқуқий тартибга солиш методи маъмурий хуқуқнинг функцияси ҳисобланса, бошқарув методи-маъмурий хуқуқ субъектлари (хусусан, ижроия ҳокимият) функцияси бўлиб ҳисобланади.

Демак, ушбу масалани ўрганишда қўйидагиларни ажратиш лозим бўлади:

бошқарув таъсири методлари: улар ҳамма вақт ташқи юридик ҳокимият (мажбурлаш) моҳиятига ва ифодаланишига эга ва айнан бошқариш методлари бўлиб ҳисобланади; бошқариш аппарати ишини ташкил қилиш методлари, улар фақат аппарат ичи аҳамиятига эга бўлади,

алоҳида бошқариш ҳаракатлари содир қилиш методлари; булар тартибни белгилаш (процедура) характеристига эга методлар.

Булардан биринчиси маъмурий-хуқуқий методлар бўлиб, уларда давлат бошқарув фаолиятларига хос барча асосий сифатлар намоён бўлади. Бу фаолият доирасида ижроия ҳокимият амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятнинг ҳар бир субъекти тасарруфидан мавжуд бўлган бу турдаги методлар ёрдамида бошқарув таъсири обьектга бошқарувнинг маъмурий-хуқуқий шаклларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Демак, бунда маъмурий-хуқуқий шакллар билан маъмурий-хуқуқий методлар ўртасидаги бевосита алоқадорлик мавжудлиги аниқ кўринади. Амалда бошқарувнинг у ёки бу методи норматив ёки индивидуал бошқарув ҳужжатида ўзиғодасинитопади.

Маъмурий-хуқуқий методлар муаммоси ўта долзарб. У ҳозирги пайтда бозор муносабатларига ўтиш, давлат бошқарув механизми ва кўпчилик бошқариш субъектларининг

ва, айниқса объектларининг ҳукуқий мақомидаги ўзгаришлар (м:корхоналар ва ҳудудлар мустақиллигининг кучайиши), давлат бошқаруви соҳасида шартномавий алоқаларни ривожланиши муносабати билан янади кўпроқ аҳамият касб этди.

Бироқ, буларнинг барчаси давлат-бошқарув фаолиятининг ҳокимият характери (мажбурийлиги)дан тамоман воз кечишни англатмайди. Бу кўпчилик хўжалик ва бошқа объектларни давлат тасарруфидан чиқарилиши туфайли тўғридан тўғри юқоридан бўладиган кўрсатма (буйруқ-фармойиш) ларни қисқариб бораётган шароитда ҳам объектив зарурдир. Иқтисодиётга ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига умумий тартибга солувчи таъсир воситаларининг нисбатан ҳажми ошиб бормоқда. Бунга давлат бошқаруви субъектлари ва объектлари ўртасидаги ташкилий-ҳукуқий алоқаларнинг шаклан ўзгараётганлиги (корхоналарнинг вазирликлар ва идораларга тўғридан-тўғри буйсунишлигини қисқартириб бориши, бевосита бошқарув оғирлиги марказини янги типдаги тузилмалар концернлар, корпорациялар ва шу кабиларга ўтиши) сабаб бўлмоқда. Бошқарув объектларининг ижроия аппаратига қарши таъсири анча кучаймоқда.

Иқтисодий ва бошқа ислоҳотларнинг фаоллиги ва самародорлиги кўп жиҳатдан, энг аввало, иқтисодий жараёнларнинг ривожига, давлат томонидан кўрсатиладиган таъсир характерига боғлиқ бўлади. У ўзининг ифодасини нафақат қонунчиликда, балки бошқарув фаолиятида, уни амалга ошириш методларида топади. Бу қонунийдир, зеро бошқарувнинг етакчи субъекти сифатида давлатнинг тартибга солувчи роли энг аввало айни шуларда тўла ифодасини топади. Бозор муносабатлари давлатнинг ролини, бинобарин у томонидан ижроия ҳокимиятни амалга оширишда фойдаланиладиган воситаларнинг кучсизланишига олиб келмаслиги керак. Гап тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар соҳаларининг (иқтисодиёт, ижтимоий ва маъмурий-сиёсий соҳалар) хусусиятига боғлиқ бошқариш методларини маълум даражада узгариши тўғрисида бориши мумкин.

Бошқариш вазифалари ва функцияларини амалга ошириш воситаларининг турли-туманлиги туфайли уларни бирқанча турларга бўлиш мумкин.

Давлат бошқарувининг универсал методи сифатида ишонтириш ва мажбурлаш қабул қилинган. Бу - ягона ҳодиса, яъни зарур хулқ-атвор ва хукуқий тартиб механизмининг икки «кутби». Улар бир-бирларини ўзаро тўлдириб туради.

Маъмурий-хукуқий методларни турлар бўйича таснифлаш муаммосига маҳсус ёндошув, энг аввало бошқарув таъсирининг характеристики (мазмуни)дан келиб чиқади. Бунда методларни икки гуруҳга -маъмурий ва иқтисодий методларга ажратишади.

Маъмурий методлар одатда давлат-бошқарув фаолияти субъектларини тегишли бошқариш обьектига ноиқтисодий ёки тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш усуллари ёки воситалари сифатида тавсифланади. Булар бошқарув обьектларининг шундай фаолиятида ўз ифодасини топадики, уларнинг мазмунида бошқариш обьектларининг зарур хулқ-атворини мажбурий (ҳокимият) таъминлаш ётади. Уларнинг тўғридан-тўғри характеристики бошқариш субъекти ўз компетенцияси доирасида бошқариш обьекти учун юридик-мажбурий тусга эга бўлган бошқарув қарори (бошқарув хукуқий акти) қабул қилишини англаради. Бунда тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд, зеро бошқаришнинг таъсири бошқариш субъекти хоҳиш-иродасини қатъий (буйруқ) тарзда бўлишligини тақозо қиласади.

Иқтисодий методлар одатда давлат-бошқарув фаолияти субъекти томонидан тегишли бошқариш обьектига иқтисодий ёки билвосита таъсир кўрсатиш усуллари ёки воситалари сифатида тавсифланади. Бунда энг асосийси - улар орқали бошқариш субъекти бошқарилувчилар моддий манфаатларига таъсир кўрсатиш орқали, тўғридан-тўғри мажбурий (ҳокимият) таъсир кўрсатиш усулларидан фарқли улароқ, бавосита йўл билан уларнинг зарур хулқ-атворини таъминлашга эришади.

Таъкидлаш жойизки, бу икки методни қарама-қарши қўйиш мутлақо мумкин эмас. Муаммо - бошқарилиш обьект-ларига, уларнинг хулқ-атворига, ўз моҳиятига кўра бошқарув ва мажбурий (ҳокимият) ҳарактерига эга бўлган таъсир қўрсатиш механизмида тўғридан-тўғри (бевосита) ва билвосита воситалардан оқилюна мутаносибликка эришишдан иборат.

Маъмурий ҳуқуқда ишонтириш ва мажбурлаш усувларининг аҳамияти катта. Бошқаришда бу методлар тўғри қўлланилиши талаб қилинади.

Демократик бошқарув тизими ишонтириш усули асосий ҳисобланади. Бу усул бошқариш жараёнида тушунтириш, тарбиявий, ташкилий, рафбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланишни англаради.

Ишонтириш усули кўп шаклларда амалга оширилади: ўқитищ, тарғибот-ташвиқот, тушунтириш, тажриба алмасиши, йўл йўриқлар бериш, реклама, бошқарув ҳодимларининг аҳоли билан учрашуви ва ҳоказо.

Мажбурлаш ишонтириш усули тегишли натижа бермаганда, ўрнатилган қоидаларни бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида қўлланилади.

Ҳуқуқий мажбурлаш ғайри ҳуқуқий қилмиш учун фақат қонунни бузган аниқ субъектга нисбатан қўлланилади, ҳуқуқни қўллаш акти ёрдамида амалга оширилади. Мажбурлаш усули фақат қонун асосида ваколатли орган (мансадор шахс) томонидан қўлланилади.

Бошқарув усувларини тўғридан-тўғри (бевосита) таъсир қўрсатиш ва эгри (билвосита) таъсир қўрсатиш турларига бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тўғридан-тўғри (бевосита) таъсир қўрсатиш мажбурий ҳарактердаги қўрсатмалар, буйруқлар бериш орқали, конкрет актлар чиқариш орқали амалга ошириладиган бошқариш бўлиб, тезроқ қўзланган натижага эришишни таъминлаши мумкин. У ижро этувчиларнинг фаолият вариантларини танлаш имкониятини камайтиради.

Эгри (билвосита) таъсир қўрсатиш усулига қўйидаги хусусиятлар ҳарактерли:

А) ижро этувчилар манфаатларини, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолияти вариантларини танлаш учун шароитлар яратиш орқали уларнинг эрк иродасига таъсир курсатиш;

Б) ҳокимият (бошқарув) актлари муайян ҳаракатлар (хулқ-атвор) учун ваколат беради;

В) ҳукуқий нормалар билан рағбатлантириш механизми (фойда олиш имтиёзлар ва бошқалар) белгилаб қўйилади.

Г) зиддиятлар, низоларни ҳал қилишнинг цивилизациялашган (суд орқали) йўли билан ҳал қилиниши ўрнатилганилиги.

Бозор муносабатлари шароитида бошқаришда билвосита таъсир курсатиш (иктисодий усулни ҳам шунга қўшган ҳолда) кўпроқ қўлланилса-да, конкрет тармоқ, конкрет шароитни ҳисобга олган ҳолда ҳар икки турдаги (бевосита ва билвосита) бошқариш усулини оқилона қўшиб олиб борилиши талаб этилади.

Давлат бошқарувини ёамлга оширишда назорат (контроль) нинг ҳам аҳамияти катта. Мунтазам равишда турли йўллар (кузатиш, текшириш ва ҳ.к.) билан олиб борилган назорат ижроия фаолиятнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун саволлар

1. Ижро ётувчи ҳокимият фаолиятининг шакллари нимани англатади ва уларнинг қандай турлари бор?

2. Маъмурий жараённинг асосий хусусиятлари нималарда намоен бўлади?

3. Маъмурий-ҳукуқий метод деганда нима тушунилади?

4. Маъмурий-ҳукуқий методлар қандай турларга бўлинади?

Адабиётлар.

2; 4; 5; 6; 10; 12; 13; 14; 18; 20; 126; 155; 158;
164(Х-боб); 165 (11-12- бетлар).

VIII боб. Ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) нинг хукуқий ҳужжат (акт) лари

1. Ижроия ҳокимият хукуқий ҳужжат (акт) ларининг тушунчаси ва асосий белгилари.
2. Ижроия ҳокимият хукуқий ҳужжатларининг турлари.
3. Ижроия ҳокимият хукуқий ҳужжатларининг вақт, худуд ва шахслар доираси бўйича ҳаракати.
4. Маъмурий шартнома.

1. Ижроия ҳокимият хукуқий ҳужжат (акт) ларининг тушунчаси ва асосий белгилари.

Ижроия ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида ҳукуқ нормаларини аниқлаштириш зарурати туғилади. Бу бошқарув норматив актлар чиқариш йўли билан амалга оширилади. Бошқарув ҳужжатлари ёрдамида аниқ тезкор раҳбарлик ва бошқарув фаолияти жараёнидаги ҳукуқ нормаларини татбиқ қилиш амалга оширилади. Бошқарув акти чиқариш - бошқарув фаолиятининг бир қисми, унинг намоён бўлиш шакли.

Бошқарув актларининг асосий белгилари:

а) бошқарув актлари маъмурий (ижро қилиш) ҳокимијатини амалга ошириш вақтида қабул қилинади, ижро этиш - фармойиш бериш фаолиятининг шакли ҳисобланади. Уларни ижроия ҳокимият субъектлари чиқаради: ижро қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари, судьялар, суд, прокуратура муассасаларининг, вакиллик органлари аппаратининг раҳбарлари.

б) қонун ости характеристи: улар амалдаги қонунларга мос келиши керак. Бундан таъқари бу хусусият уларни юқори идоралар ҳужжатлари, судларнинг ҳукми ва қарорларига, тузилган шартномаларга ҳам мос бўлишларини англаради.

в) ҳукуқий актнинг расмий характеристи. У давлат аппарати муайян тузилма бирлигининг номидан чиқарилади, давлат иродасини ифодалайди, хизмат оқибатларига эга бўлади;

г) ижроия ҳокимиятининг ҳуқуқий ҳужжати унинг муаллифининг ҳокимият ҳолатларига таянади ва биртарафла-ма мажбурий иродавий қоида ҳисобланади;

д) ҳокимият субъектининг қарори керакли тарзда расмийлаштирилгандан кейин ҳуқуқий ҳужжатга айланади. Расмийлаштириш қабул қилиш, (мувофиқлаштириш, муҳокама қилиш, овоз бериш), иш юритиш (чиқарилган вақти, тартиб рақами, муаллифини кўрсатиш), имзо чекиши, баъзида эса тасдиқлаш, рўйхатга олиш, эълон қилиш тартиби-га риоя қилишни англатади;

ж) ижроия ҳокимиятнинг ҳуқуқий ҳужжатлари юридик оқибат келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан уларни икки гурӯҳга бўлиш мумкин:

1) улар ҳукуқ нормаларини ўрнатади, ўзгартиради, бекор қиласиди;

2) улар ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради, ўзгартиради, тутатади, юридик факт бўлиб хизмат қиласиди.

Ҳар бир бошқарув актининг юридик оқибатни характе-ри шу ҳужжатларни чиқарган органнинг давлат органлари тизимида тутган ўрни, актни чиқаришда бажарилиши на-зарда тутилган функциянинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бошқарув актида бошқа тегишли органлар учун мажбурий бўлган янги бошқарув норматив акти чиқариш, улардан қайсиларинидир ўзгартириш ёки бекор қилиш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ ҳамма ҳолатларда ҳам бошқариш акти уни чиқарган орган компе-тенцияси доирасида бўлиши лозим.

Шундай қилиб, ижроия ҳокимият ҳужжатлари ижроия ҳокимият субъектлари томонидан ижро этиш, фармойиш бериш жараёнида қабул қилинадиган, ҳукуқ нормаларига биноан расмийлаштирилган, бир тарафлама мажбурий қоидани ўзига мужассамлаштирган ва юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи қонун ости, расмий юридик ҳужжатларнинг маҳсус туридир.

Ҳукуқий акт ижро этувчи органлар (mansabdor шахслар)-нинг фаолияти жараёнида доимо фойдаланадиган хизмат

хужжатларининг бир кўриниши бўлиб ҳисобланади. Бу хужжатлар турли маълумотномалар, ҳисобот материаллари, доклад хатлари, гувоҳномалар, баённомалар, тафтиш ва текшириш хужжатлари ва шу кабилар) юридик аҳамиятга эга муайян вазиятларни ифодаласа-да, тўлиқ юридик сифатларга эга бўлган бошқарув ҳуқуқий акти бўлиб ҳисобланади.

Бошқарув ҳуқуқий акти, қоида тариқасида, ёзма юридик хужжат сифатида чиқарилади, аммо оғзаки шаклда бўлиши ҳам мумкин (м: ҳарбий бошқарув тизимида раҳбар билан унга бевосита бўйсунувчи бошқарув аппарати ходимлари ўртасидаги хизмат муносабатлари доирасида).

Бошқарув ҳуқуқий акти унда назарда тутилган юридик мажбурий (ҳокимият) қўрсатмаларига риоя қилинмаган тақдирда ҳуқуқ муҳофаза характеристидаги юридик оқибатни-айбор томоннинг жавобгарлигини (қоида тариқасида, интизомий ёки маъмурый) келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, ушбу турдаги юридик акт бошқарув муносабатлари қатнашчиларининг, аниқроғи бошқарув субъектлари ва обьектларининг ўзаро муносабатларига бевосита таъсир кўрсатади.

Бошқарув ҳуқуқий актларида давлат ҳокимиятининг қонунчилик (вакиллик) органларининг ҳуқуқий актларида назарда тутилган умумий ҳуқуқий нормаларни аниқлаштиришнинг қўпгина масалалари ҳал қилинади.

Бошқарув ҳуқуқий актлари давлат ҳокимияти, суд органларининг актларидан ўзининг асосан позитив (ижобий) характерда бўлишилиги билан фарқ қиласи. Бошқарув ҳуқуқий актлари ёрдамида давлат ва жамият ҳаётининг турли томонларини тартибга солувчи, таъсир кўрсатиш мақсадида ижроия ҳокимият механизмини фаолият кўрсатиш жараёнида ташкил қилинади. Суд органларининг актлари аниқ кўрилган юрисдикцион характеристерга эга бўлади. Бошқарув актлари учун юрисдикция устуворликка эга эмас. Бундан ташқари бошқарув ҳуқуқий актлари суд хужжатларини бекор қилаолмайди ёки ўзгартиролмайди, суд органларининг

актлари эса аксинча, бошқарув актларига нисбатан шундай хусусиятга эга, ниҳоят бошқарув ҳуқуқий актлари кўп ҳолларда суд жараёнида далил ролини ўйнайди (м: уй-жой, меҳнат, маъмурий ишларда).

2. Ижроия ҳокимият ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари

Ижроия ҳокимият ҳуқуқий ҳужжатларининг қўп сонли ва турли хил эканлиги туфайли уларнинг асосий белгилари бўйича таснифлаш (турларга бўлиш)нинг кўпгина асослари (мезонлари) мавжуд:

1. Бошқарув ҳуқуқий актлари юридик мазмuni (хоссаси) бўйича норматив ва индивидуал(якка) актларга бўлинади.

Норматив актлар юридик нормаларни ўрнатади, ўзгартиради ёки бекор қиласди, яъни аниқ адресати бўлмайдиган, аниқ шахсга йўналтирилмаган, қўп марта қўлланиш учун мўлжалланган бўлиб, умумий қоидаларга эга бўлади.

Норматив актлар билан бошқарувнинг энг муҳим, принципиал муаммолари ҳал қилинади. Уларнинг бу хусусияти, масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунда аниқ, акс этган.

Индивидуал (якка) актлар - маъмурий (ижроия) ҳокимиятнинг аниқ масалалар бўйича, аниқ шахсларга йўналтирилган қарорлариdir. Улар асосан ҳуқуқни қўллаш акти бўлиб, ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради, ўзгартиради, бекор қиласди.

Индивидуал (якка) актлар юридик оқибатларига кўра мажбур қилувчи, тақиқловчи, ваколат берувчи, рад қилувчи турларга бўлинади.

Индивидуал (якка) актлар давлат бошқарув фаолияти тажрибасида анча кенг тарқалган, зеро улар бу фаолиятнинг ижро қилиш вазифасига кўпроқ мос келади ва бошқарувнинг кундалик жорий масалаларини тезкорлик билан ҳал қилишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Бундан ташқари, айнан индивидуал актлар маъмурий

хуқуқ ва ижроия ҳокимиятнинг юрисдикцион (хуқуқ муҳофазаси) функциясини амалга оширишни таъминлайди. Индивидуал актларга қўйиладиган асосий талаб - уларнинг норматив маъмурий - хуқуқий актларга мос бўлишидир.

2. Маъмурий (бошқарув) актларни қабул қилган субъектларга нисбатан уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) ижроия ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари актлари. Бу энг кўп сонли акт бўлиб, ўз ичига:

- Республика Президенти фармонлари ва фармойишларини;

- Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларини;

- Ўзбекистон Республикаси марказий идораларининг буйруқлари ва бошқа актларини;

- ҳокимлар ва бошқа маҳаллий ижроия ҳокимият органлари қарорлари ва фармойишларини олади.

б) ижроия ҳокимият тизимиға кирмайдиган ҳокимият субъектларининг актлари;

- судларнинг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлари юзасидан чиқарган қарорлари;

- суд раисларининг, прокурорларнинг, вакиллик органлари раҳбарларининг аппарат ичи аҳамиятига эга бўлган буйруқлари, Ўзбекитон Республикаси Марказий банкининг ҳужжатлари.

в) давлат томонидан ваколат берилган жамоат ташкилотларининг актлари.

3. Шаклига кўра ҳуқуқий актларни ёзма, оғзаки ва конклюдурларга ажратиш мумкин. Ёзма актлар хизмат ҳужжатларининг бир тури ҳисобланади. Оғзаки актлардан ишлаб чиқариш фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш жараённида, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, транспортда, ҳарбий қисмларда фойдаланилади. Конклюд актлар йўл ҳаракатларининг тартибга солиб турувчи Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг қўл ҳаракатларида, товуш ва ёруғлик сигналларида, белгиларида намоён бўлади.

4. Ҳокимият субъектининг ваколати ҳажми нуқтаи наза-

ридан бошқарув хуқуқий актлари қуйидагиларга бўлинади:

а) орган мансабдор шахсининг кенг мустақиллиги, танлаш эркинлиги шароитида қабул қилинадиган дискрецион актлар;

б) субъектга берилган бир неча вариандан биттасини танлаш имкониятини берувчи муқобил ваколатлар асосида қабул қилинадиган актлар;

в) танлаш имконияти бўлмаган шароитда қабул қилинадиган «боғланган маъмурият»нинг актлари.

5. қабул қилиниши тартибига кўра актлар коллегиал ва якка бошчилик асосида қабул қилинадиган актларга бўлинади.

Давлат бошқаруви актлари ичida уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи қарорлар алоҳида ўрин тулади. Бундай актлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ва уларнинг ҳокимлари томонидан тор доирадаги масалалар, (жумладан, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, шунингдек табиий оғатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинмаган бўлса) бўйича қабул қилиниши мумкин.

Бундай актлар ҳамма вақт (уларни бажармаганлик учун) маъмурий санкцияни назарда тутган бўлади.

Ижроия ҳокимият актларининг катта аҳамиятга эгалиги сабабли уларга маҳсус талаблар қўйилади.

Бу актлар уларни чиқарган бошқарув органининг қатъий ваколат доирасига кирувчи масалалар бўйича чиқарилиши мумкин.

Улар ўзининг расмий белгилари бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам қонуний бўлиши керак.

Ҳар қандай давлат бошқарув акти белгиланган тартибда чиқарилган ва тегишли ҳолларда белгиланган шаклга эга бўлиши даркор.

Акт тегишли қонун ёки юқори идоранинг бошқа норма-

тив акти билан тартибга солинадиган масала юзасидан уни ҳал қилиш мақсадида чиқарилиши лозим.

3. Ижроия ҳокимият ҳуқуқий ҳужжатларининг вақт, ҳудуд ва шахслар доираси бўйича ҳаракати

Ижроия ҳокимият ҳуқуқий ҳужжатларини тўғри қўллаш учун уларни ҳаракати тўғрисидаги масала катта аҳамиятга эга. Давлат бошқарув актларига умумий ҳуқуқ назариясининг ҳуқуқий нормаларининг вақт, макон ва шахслар бўйича ҳаракати тўғрисидаги умумий қоидалари қўлланилади.

Шу билан бирга давлат бошқарув актларининг ҳаракати учун ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти жараёнида муносабатларни тартибга солишдаги уларнинг роли билан, шунингдек давлат бошқарувининг алоҳида тармоқлари хусусиятлари билан белгиланадиган баъзи маҳсус ҳолатлар ҳарактерлидир. Давлат бошқаруви актининг амалга кириши, унинг ўзида бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, уни ижро этувчи орган олган вақтдан бошланади. Баъзи актлар уларнинг матнида кўрсатилган вақт (муддат)да кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг норматив қарорларида уларни амалга киритиш муддати кўрсатилган бўлади. Мабодо қарорда бу муддат кўрстилмаган бўлса, у қабул қилинган вақтдан бошлаб кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари қабул қилинган вақтдан бошлаб амал қила бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг умумий аҳамиятга эга ёки норматив ҳарактердаги қарорлари «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами»да эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мұҳимлиги ва шошилинчлиги туфайли кенг ва дарҳол эълон қилиниши лозим бўлган қарорлари газеталарда чоп этилиши, зарур бўлганда эса радио ва телевидение орқали ҳам эълон қилиниши мумкин.

Ижроия ҳокимиятнинг хуқуқий актлари учун шунингдек, актнинг тўғрилиги презумпцияси деган қоида ҳам амал қиласди. Бу қоида ҳарқандай бошқарув акти то у белгиланган тартибда бекор қилиниши ёки тўхталишига қадар албатта бажарилиши мажбур, деган маънони англатади.

У ёки бу актнинг ҳақиқий эмас деб топиш, уни бекор қилиш шу актни чиқарган органнинг ўзи томонидан ёки юқори бошқарув органи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ижроия ҳокимият органининг акти шунингдек, суд идоралари томонидан ҳам бекор қилиниши мумкин. (М: маъмурий акт ҳисобланувчи уй-жойни эгаллаш тўғрисидаги ордер суднинг қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилиши).

Давлат бошқаруви актининг бекор қилинишидан турли сабаблар ва асосларга кўра унинг ҳаракатини тўхтатишни фарқ қилмоқ зарур.

Баъзи актларда ҳаракат муддати белгиланган бўлади ва улар шу вақт тугаши билан ҳаракатини тўхтади. Маъмурий актларнинг ҳаракатини тўхтатишга турли юридик фактлар асос бўлиши мумкин (у ёки бу маъмурий орган томонидан жаримага тортилган шахснинг вафоти жарима солиш тўғрисидаги акт ҳаракатини тўхтатишга асос бўлади).

Баъзи актларнинг ҳаракати улар томонидан тартибга солинадиган хуқуқий муносабатларнинг бир тарафини хоҳиши билан ҳам тўхтатилиши мумкин. Бироқ бошқарув акти билан зиммасига давлат бошқаруви соҳасида муайян мажбурият юкланган манфаатдор шахснинг хоҳиши билан бу актнинг ҳаракатини тўхтатиш мумкин эмас (ҳарбий, солик ва бошқа мансабдорлар).

Актнинг бекор бўлиш сабабларига кўра у ёки бу оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Бошқарув актининг ҳақиқий эмас деб топилиши бу акт асосида вужудга келган барча муносабатларни бекор бўлишига олиб келади. Масалан, маъмурий тартибда мулкни мусодара қилиш тўғрисидаги файри қонуний акт бекор қилинганда, бу акт асосида мулкни мусодара қилган бошқарув органи (mansabdor шахс) мусодара қилин-

ган мулкни олдинги эгасига қайтариши лозим.

Бошқарув актларини амал қилишининг бошланиши ва тугашини англатувчи уларни вақт ҳаракатининг асосий қоидалари шулардан иборат.

Бошқарув актларининг макон (худуд) ва шахслар буйича буйича ҳаракатига хуқуқий нормаларнинг шу соҳалар ҳаракатига оид барча умумий қоидалар тааллуқлидир. Шуни ҳам эътиборда тутмоқ лозимки, кўпчилик бошқарув актларига тармоқлар буйича чегаралар ҳам характерлидир. Масалан, вазирликнинг, марказий идора бошлиғи раҳбарининг актлари - буйруқлар, йўриқномалар давлат бошқарувининг шу тармоғи доирасида ҳаракат қиласди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа хуқуқий норматив актлари бутун мамлакат худудида барча фуқароларга, давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига нисбатан амалда бўлади. Шу билан бирга хуқуқий актларни шахслар буйича ҳаракат доираси туғрисида ҳам сўз юритилади. Ўзбекистон Республикасининг баъзи хуқуқий хужжатларида белгиланган қоидалар хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қўлланилмайди (Сайлар тұғрисидаги, ҳарбий хизматнй ўташ билан боғлиқ ва ҳ.к.).

Баъзи хуқуқий хужжатлар Ўзбекистон аҳолисининг муайян қисмига алоқадор бўлади (масалан, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар, ёшлар, ёпик шаҳарларда, чегара атрофи зоналарда яшовчилар учун ва бошқалар).

Бошқарув хуқуқий актлар давлат раҳбарлигининг муайян шакли сифатида уларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб бу актларга маҳсус талаблар белгиланган, қабул қилиш тартиби ўрнатилган. Бу хужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби умуман хуқуқ ижодкорлиги жараёни қоидаларига мувофиқ келади. Шу билан бирга таъкидлаш мумкинки, баъзи бошқарув хужжатлари қатъий белгиланган муддатларда (масалан, шикоятлар буйича қарорлар), баъзи юқори идоранинг рухсати билан чиқарилади. Баъзи актлар юқори турувчи орган томонидан тасдиқланishi ҳам мумкин.

Барча бошқарув ҳужжатлари ҳар қандай ҳолда ҳам уларни чиқарувчи орган компетенцияси доирасида қонун асосида ўз вақтида қабул қилиниши лозим. Ундаги қоидалар аниқ, ижрочилар учун тушунарли баён қилинган бўлиши жуда муҳим. Бошқарув актларининг мақсадга мувофиқлиги (шароитлар, вазиятларнинг вақти, жойи ва бошқалар) ҳисобга олинган ҳолда, маданийлик даражаси (тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги) ҳам уларга қўйиладиган муҳим талаблардир.

4. Маъмурий шартнома

Шартнома икки ёки ундан ортиқ субъектнинг субъектив ҳукуқ ва мажбуриятлар ўрнатиш, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги иродавий келишувидир. Бу ҳукуқий акт бўлиб, унинг тузилиши ва юридик кучга кириши унинг иштирокчилари ёки учинчи шахсларга нисбатан юридик оқибатларни келтириб чиқаради.

Шартномаларнинг турлари кўп, бироқ уларнинг барчаси учун шартномавий тартибга солишининг умумий принциплари хосдир. Булар: 1) ҳукуқий тартибга солишининг диспозитивлиги (шартнома шартларининг эркинлиги); 2) шартнома тузувчи тарафлар хоҳишининг ихтиёрийлиги; 3) шартнома тузувчи томонларнинг расман юридик teng ҳукуқлиги; 4) эквалентлик (тenglik) характеристи; 5) тарафларнинг ўзаро жавобгарлиги.

Маъмурий шартнома битимларнинг шундай турики, унда тарафларнинг teng ҳукуқлиги ҳарқандай ҳолатда ҳам бир тараф, ҳатто икки тарафнинг ҳам мажбурий (ҳокимият) ваколатлари бидан боғлиқ бўлади.

Маъмурий шартнома - оммавий-ҳукуқий шартноманинг тури. Ҳукуқий алоқалар тизимида у давлат ҳокимиятининг ваколатли органининг бир тарафлама мажбурий хоҳиш-иродасини ифодаловчи маъмурий акт билан тарафларнинг teng ҳукуқлилигига асосланган хусусий ҳукуқий характеристдаги шартнома орасидаги ўрталиқ жойини эгаллайди.

Юқорида қайд қилинган шартномаларга хос умумий принциплар маъмурий шартномаларга нисбатан маъмурий-хуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари билан белгиланадиган муайян чеклашлар билан тааллуқли бўлади.

Маъмурий шартнома - маъмурий ҳуқуқнинг икки ёки ундан кўп субъективининг келишуви бўлиб, у маъмурий(молиявий ва б.) ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатади, ўзгартиради ёки бекор қиласди. У юридик факт, унинг тузилиши маъмурий-хуқуқий муносабатни вужудга келганлигини англатади.

Маъмурий шартнома - бу маъмурий - хуқуқий нормаларга асосланган ва биттаси ҳаммавақт давлат ҳокимият субъекти бўладиган икки (ёки ундан ортиқ) маъмурий ҳуқуқ субъективининг ихтиёрий хоҳиш-иродаси натижасида ишлаб чиқиладиган кўп томонлама акт. У қатнашчиларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўрнатади (ўзгартиради ва бекор қиласди).

Маъмурий шартноманинг хусусиятлари унинг субъект таркиби билан белгиланади. Давлат - ҳокимият кўринишидаги субъект (давлат органи, мансабдор шахс ёки ваколат берилган бошқа субъект) маъмурий шартноманинг зарур белгиси (атрибути). Маъмурий шартноманинг тарафларидан бири сифатида ҳаммавақт ҳокимият органлари тимсолида давлат иштирок этади.

Маъмурий шартномада давлат органи айнан ижроия ҳокимиятни амалга оширувчи ва ҳокимият ваколатларига эга субъект сифатида намоён бўлади.

Худди ана шу билан маъмурий шартнома хусусий ҳуқуқий, жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан фарқ қиласди. Давлат органи маъмурий шартномада оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида иштирок этади, унинг мақоми компетенция билан белгиланади. Маъмурий шартнома тузиш ҳуқуқи давлат органининг компетенция (айнан маҳсус компетенция) сини белгиловчи нормаларда кўзда тутилган бўлиши керак.

Маъмурий шартномаларнинг бош мақсади умумий ман-

фаатни рүёбга чиқариш, ижтимоий аҳамиятга молик натижаларга эришиш бўлиб ҳисобланади. Бу ҳол маъмурий шартномаларни индивидуал (якка) характердаги мақсадларни кўзловчи қўпгина хусусий ҳукуқий шартномалардан фарқлантиради.

Маъмурий шартномалар куйидаги функцияларни бажаради:

1. Ташкилий-тузилищ. Бу тарафларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари, ваколатлари доирасини чегаралаш ва қайд қилиш.

2. Ижтимоий келишув (компромисс) функцияси. Бунда гап давлат ва жамият ҳаётининг турли субъектлари манфаатларини мувофиқлаштириш тўғрисида боради.

3. Таъминловчи . Тўғридан тўғри буйруқлар шаклидаги таъсир қўрсатиш самарасиз бўлганда ёки умуман мумкин бўлмаган соҳаларда ижтимоий аҳамиятли натижаларга эришишни таъминлаш.

4. Ориентир олиш (мўлжаллаш) - рафбатлантириш. Шартномага позитив (ижобий) рафбатлантириш чоралари (имтиёзлар, улушлар(квота), рухсатнома (лицензия), мукофотлар)ни киритиш билан давлат томонидан субъектнинг моддий манфаатларига бевосита таъсир қўрсатиш. Бу субъектда ижтимоий аҳамиятли ҳаракатлар содир қилишда манфаатдорлик ҳиссини яратади.

5. Ижроия ҳокимиятни демократлаштириш. Шартнома жараёни ҳамма вақт тенг ҳукуқлилик, шериклик, ҳамкорлик, унинг қатнашчиларининг ўзаро ёрдамини тақозо қиласди, яъни гап хоҳиш-иродани мос келишини эмас, уларни мувофиқлаштириш тўғрисида боради.

6. Тарбиявий. Шартнома жараёнида қатнашиш субъектларнинг иш ва ҳукуқий фаоллигини кучайишига кўмаклашади.

7. Муҳофаза қилиш. Маъмурий шартномада ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятларни мустаҳкамланишининг ўзи уларга риоя қилишнинг ўзига хос кафолати бўлиб хизмат қиласди.

Маъмурий шартномадан фойдаланиш ижроия ҳокими-

ятни аниқ шартларга нисбатан оптимал шаклларини танлаш имкониятларини кенгайтиради, бошқариш воситаларини алмаштириш, бирини ўрнига бошқасини қўллаш имконини беради.

Маъмурий шартнома маъмурий актга нисбатан муайян муносабатларда бўлиб, улар қуидагича характерланади:

1) маъмурий шартнома бевосита амалдаги қонун нормалари асосида тузилади;

2) маъмурий шартнома ижроия ҳокимиятнинг норматив акти асосида тузилади;

3) маъмурий шартнома индивидуал маъмурий асосда ва уни ижросини таъминлаш учун тузилади;

4) маъмурий шартнома келажакда норматив ёки индивидуал акт қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин;

5) баъзи бошқарув қарорларини амалга ошириш учун давлат - ҳокимият субъектининг ихтиёрига қўра маъмурий шартнома ёки маъмурий акт танлаб олиниши мумкин. У ёки бу хуқуқий бошқарув воситаси тегишли омиллар ҳисобга олинган ҳолда ваколатли давлат органи фикри бўйича танланади.

Маъмурий актларни ҳам, маъмурий шартномаларни ҳам умумий тушунча-ижроия ҳокимиятнинг хуқуқий акти деб ишлатиш мумкин.

Шундай қилиб, маъмурий шартномани қўптомонлама характерга эга ижроия ҳокимиятнинг хуқуқий акти деб ҳисоблашга етарли асослар бор. Ижроия ҳокимият актига тор ва қенг маънода ёндашиш лозим. Тор маънода, анъанавий ёндашганда, у ижроия ҳокимият субъект-ларининг фақат бир тарафлама мажбурий кўрсатмаларини англалади. Қенг маънода тущунганда уларга кўп тарафлама идоравий келишув актлари ҳам қўшилиб, улар ичида энг асосийлари бўлиб давлат органдарининг юридик оқибат келтириб чиқарувчи қўшима қарорлари ва маъмурий шартномалар ҳисобланади.

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун саволлар

- 1) Ижроия ҳокимиятнинг ҳуқуқий акти деганда нима тушунилади ва унинг қандай асосий белгилари бор?
- 2) Ижроия ҳокимиятнинг асосий ҳуқуқий актларини тавсифлаб беринг?
- 3) Ҳуқуқий актларнинг ҳаракати деганда нима тушунилади?
- 4) Маъмурий шартнома нима ва қандай белгиларга эга?
- 5) Маъмурий шартнома қандай функцияларни бажаради?
- 6) Маъмурий щартнома билан ҳуқуқий акт ўртасидаги алоқадорликни тушунтириңг.

Адабиётлар.

5; 12; 13; 14; 59; 88; 114; 118; 123; 139; 164 (11боб);
165 (11 боб, 3-6).

IX боб. Маъмурий ҳуқуқ бўйича мажбурулаш

1. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурулашнинг тушунчаси ва турлари.
2. Маъмурий - огохлантириш чоралари.
3. Маъмурий – эҳтиёт (тўхтатиб қолиш) чоралари.
4. Маъмурий - тиклаш чоралари.

1. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурулашнинг тушунчаси ва турлари

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурулаш ижроия ҳокимиятни амалга оширишнинг бир усули (методи), у давлат мажбурулашининг бир тури. Ижро қилиш органлари (мансабдор шахслар) маъмурий мажбурулашдан фойдаланиб, ижтимоий муносабатларга тартибга солувчи таъсир кўрсатадилар.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурулашга давлат-ҳуқуқий мажбурулашнинг бир тури сифатида охиргисининг барча белгилари хос (бу - ҳуқуқни қўллаш фаолияти, ҳуқуқий тартибни қўриқлашни таъминлашга хизмат қиласи, муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилади ва ҳ.к.). Айни вақтда у қатор ўзига хос ҳусусиятларга ҳам эга:

умумий қоидага биноан маъмурий-ҳуқуқий мажбурулаш ижроия ҳокимият (давлат бошқаруви) органлари томонидан қўлланилади; баъзи ҳолларда судья ва бошқа органлар ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан қўлланилиши ҳам мумкин;

- хизмат бўйсуниши билан боғлиқ бўлмаган вазиятда, яъни бу ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг бирбирига ташкилий жиҳатдан боғлиқлиги бўлмаган ҳолда қўлланилади. Демак, бу функционал (вазифаси бўйича) ҳокимиятни амалга ошириш усуллари (методлари) дан бири ҳисобланади;

- маъмурий юрисдикция (мажбурулашни қўллаш)ни амалга

оширувчи субъектларнинг кўп турлиги ҳам унинг муҳим хусусиятларидан бири. Маъмурий таъсир чораси нафақат алоҳида шахслар, балки ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланилади;

- маъмурий таъсир чораси қўлланиш туфайли шахслар хукуқий чеклаш даражаси бошқа давлат мажбуралиши (м: жиноий) қўлланганидан камроқ ва юмшоқроқ бўлади;

- маъмурий-хукуқий мажбураш чораларини расмийлаштиришнинг процессуал тартиби, қоида тариқасида, чегараланган, тез бажариладиган процессуал ҳаракатларни талаб қиласиди;

- мажбураш чораларини қўллаш ҳамма ижроия органлар эмас, балки маҳсус ижро қилиш ҳокимиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан амалга оширилади. Булар асосан давлат бошқаруви соҳасида хукуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишга ваколатли бўлган (м: ички ишлар органлари, контрол-назорат идоралари ва шу кабилар);

- маъмурий-хукуқий мажбураш чоралари барча маъмурий-хукуқий меъёрларнинг талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида эмас, балки фақат идоравий чегарасидан қатъи назар давлат бошқаруви соҳасида мажбурий хулиқ-атвор қоидаларини шакллантирадиган нормаларнинг ижросини таъминлаш учун қўлланилади (м: йўл ҳаракати, санитария хавфсизлиги, рухсат бериш тизими, табиатни муҳофаза қилиш ва б. қоидалар).

Шундай қилиб, маъмурий-хукуқий мажбураш - бу давлат мажбурашининг маҳсус тури бўлиб, маъмурий хукуқ нормалари билан белгиланган, асосан хукуққа зид ҳаракатлар учун функционал ҳокимият субъектлари томонидан қўлланиладиган мажбурий жазо чораларини қўллашликни англатади. У хукуқий тартибни муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайди.

Унинг хукуқбузарликларга қарши профилактик аҳамиятни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу, энг аввало, ички ишлар органлари, давлат инспекциялари ва ижроия ҳокимиятнинг

бошқа субъектларининг тегишли қоидаларга риоя қилиши ни таъминлаш устидан мунтазам назорат олиб бориш ва бу қоидалар бузилганда ўз вақтида муносабат билдириш имкониятига эга эканлиги билан белгиланади. Маъмурий-хуқуқий мажбурлаш ўз ичига кўп сонли эҳтиёт чораларини (фуқароларни ушлаб туриш, механизмлардан фойдаланиши тақиқлаш ва х. к.) олади. Улардан фойдаланиш хуқуқقا зид ҳаракатни тўхтатиш, зарарли оқибатларни вужудга келишининг олдини олиш имконини беради. Кўп ҳолларда маъмурий-мажбурлаш воситалари онгига хуқуққа зид одатлар сингиб улгурмаган, биринчи марта тасодифан хуқуқбузарлик содир қилган кишиларга нисбатан қўлланилади. Шу сабабли улар катта тарбиявий таъсир кўрсатади, жиноятларнинг олдини олиш тизимида муҳим бўғин бўлиб хизмат қиласди. Тажриба шуни кўрсатадики, майда хуқуқбузарликларни (ичкиликбозлик, майда ўғирлик ва шу кабилар) жазосиз қолдирилиши, айборларга маъмурий-хуқуқий мажбурлаш чораларини қўлламаслик янги хуқуқбузарликларни, ҳатто, жиноятларни содир бўлиши эҳтимолини кучайтиради.

Кўпгина маъмурий-мажбурлаш чоралари мустақил бўлиб, уларни қўллаш масалани мазмунан ҳал қилишни англатади. Булар маъмурий санкциялардир. Шу билан бирга таъминловчи, процессуал чоралар (ушлаб туриш, буюмларни кўздан кечириш ва х.к.) ҳам борки, улардан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни нормал юритиш учун шароит яратиш учун фойдаланилади.

Мажбурлаш хуқуқий тартибни қўриқлаш учун амалга оширилади. Бироқ, бу мақсадга турли йўллар билан эришилади: огоҳлантириш, ножӯя қилмишнинг олдини олиш (тўхтатиб қолиш), зарарни тиклаш, жазолаш (жавобгарлик чораларини қўллаш).

Шу сабабли мажбурлаш воситаларини уларнинг бевосита мақсадига кўра огоҳлантирувчи, эҳтиёт (тўхтатиб қолиш), тиклаш ва жазо чораларига бўлиш мумкин.

2. Маъмурий-огоҳлантириш чоралари.

Маъмурий-огоҳлантириш чоралари унинг номидан ҳам кўриниб турибдики, давлат бошқаруви соҳасида юз бериши мумкин бўлган ҳукуқбузарликларни олдини олиш, ижтимоий хавфсизлик режимига зарар етказувчи бошқа қодисаларни бартараф этишлик учун ўрнатилади. М: улар табиий оғатлар, баҳтсизлик ҳодисалари шароитида фуқаролар соғлиги ва ҳаётининг хавфсизлигини, корхоналар ва муасасаларнинг нормал иш шароитларини таъминлаш учун қўлланилади.

Бу чоралар аниқ профилактик характерга эга бўлиши билан, улар мажбурий тартибда, яъни компетентли ижроия органлар (мансадбор шахслар)нинг юридик-мажбурий (ҳокимият) ваколатларини бир тарафлама амалга ошириш жараёнида қўлланилади. Улар, қоида тариқасида муайян - чегаралаш ва тақиқлаш кўринишида бўлади. Бу уларнинг мажбурийлик табиатидан дарак беради. Маъмурий-огоҳлантириш чоралари ҳукуқбузарликлар содир қилиниши билан бевосита боғлиқ эмас. Улар ҳукуқбузарликнинг олдини олади ва шу маънода маъмурий ҳукуқбузарлик содир қилишда айбдор бўлган шахсларга қарши бошқа огоҳлантириш чоралари қўлланишдан олдин амалга оширилади.

Маъмурий-огоҳлантириш чораларининг асосий турлари қуйидагилар:

- а) контрол ва назорат текширувлари;
- б) буюмларни кўздан кечириш ва шахсни қўриқдан ўтказиш (божхона ва милиция томонидан);
- в) шахсни гувоҳлантирувчи хужжатларни текшириш;
- г) карантин жорий этиш (эпидемия ва эпизотиялар вақтида);
- д) жамоат хавфсизлигига хавф пайдо бўлганда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тўхтатиб қўйиш;
- е) шахсларнинг тиббий ҳолатини ва умумий овқатланиш корхоналарининг санитария ҳолатини гувоҳлантириш;
- ж) мулкнинг нархини тўлаш эвазига мажбуран олиш (реквизиция),

з) давлат чегаралари маълум ҳудудларини беркитиб қўйиш ва ҳ.к.

Маъмурий огоҳлантиришнинг кўп тарқалган турларидан бири ҳужжатларни текшириш ҳисобланади. М: шахс ҳукуқбузарлик учун ўша жойда жарима тўлашдан бош тортгандага, ҳукуқбузарлик учун баённома тузиш зарурати туғилгандага, шахс жиноят содир қилишда гумон қилингандага, паспорт қоидаларига риоя қилиниши текширилгандага милиция фуқароларнинг паспорти ва шахснинг гувоҳлантирувчи бошқа ҳужжатларини текшириши мумкин. Ҳужжатларни текширишнинг маҳсус тури бўлиб автотранспорт ҳайдовчиларнинг бошқариш гувоҳномаларини, йўл варақаларини текшириш ҳисобланади. Бу турли йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш, автотранспортни нормал фалият кўрсатишини таъминлайди.

Ҳужжатларни ўз вақтида ва асосли тартибда текшириб туриш турли ҳукуқбузарликлар, жумладан жиноятларни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳужжатларни текшириш учун маҳсус ҳужжат тузиш ёки рухсат (санкция) олиш талаб қилинмайди. Ҳужжатларни текшириш ҳукуқи-милиция ходимларининг алоҳида (имтиёзли) ҳукуқи бўлиб ҳисобланади.

Тураг-жой ва хизмат биноларига қаршиликсиз кириш ҳукуқи ҳам маъмурий-огоҳлантириш чораларининг бир тури бўлиб ҳисобланади.

Қонун милиция ходимларига соат 6 дан 22 га қадар уйжойлар ва ётоқхоналарга кириш ҳукуқини беради. Агарда бино ичida тураг жойи ва иши номаълум бўлган шахс ёки қидирилаётган жиноятчининг борлиги аниқ бўлса - ҳар қандай вақтда бино ичига кириши мумкин.

Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган муҳим огоҳлантириш чораси - транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тақиқлаш ёки чегаралаб қўйишидир. Милиция жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда қўчаларнинг ва автомобил йўлларининг муайян қисмларида транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатини тақиқлаши ёки

чегаралаб қўйиши, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга халақит берадиган даражада техник носоз ҳолатдаги транспорт воситаларидан фойдаланишини тақиқлаши, зарур ҳолларда транспорт воситаларини тўхтатиш хукуқига эга.

ДАН ходимлари ҳарқандай чегаралаш ҳолатини жорий этилиши тўғрисида аҳолини ва жамоат тартибини муҳофаза қилувчи идораларни ўз вақтида хабардор қилишлари лозим.

Ўзбекистан Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 289 ва 291-моддаларига биноан шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш ҳам огоқҳлантириш характеристига эга бўлган чоралар тоифасига киради.

Кўздан кечириш бошқа таъсир чораларини қўллаш имконияти қолмаган тақдирда маъмурий хукуқбузарликларни аниқлаш ва тўхтатиб қолиш мақсадларида, маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, шахсни аниқлаш, маъмурий ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қалишни таъминлаш учун ўтказилади.

Кўздан кечириш: шахс маъмурий-хукуқбузарлик содир қилган вактнинг ўзида ёки бевосита содир қилиб бўлгандан сўнг аниқланса; фуқаронинг кийим-кечаги ёки буюмларида хукуқбузарлик белгиларига эга бўлган излар мавжуд бўлса; гувоҳлар бевосита шу шахс томонидан хукуқбузарлик содир қилингандигини кўрсатсалар; назоратнинг техник воситалари томонидан аниқланса; Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўздан кечириш тўғридан тўғри назарда тутилган ҳолларда ўтказилади.

Маъмурий кўздан кечириш хукуқбузарликни содир этиш куроли ёки бевосита обьекти бўлган ҳужжатлар, ашёлар ва бошқа предметларни аниқлаш ва олиб қўйиш, ушланган қишини шахсини аниқлаш мақсадида шахсни ёки буюмни мажбуран текшириб қўришиликни англаатади.

Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган щахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ; йиширок этган ҳолда бошқа фуқа-

роларни киришини истисно қиладиган ва санитария ва гигиена қоидаларига жавоб берадиган бинолар ёки бошқа жойларда амалга оширилиши мумкин.

Қонун хужжатлари билан ваколат берилгандар органлар (мансадбор шахслар) томонидан транспорт воситалари ҳам күрикдан ўтказилиши мумкин.

3. Маъмурий-эҳтиёт (тўхтатиб қолиш) чоралари

Маъмурий-эҳтиёт (тўхтатиб қолиш) чоралари маъмурий-хукуқий мажбуурлашнинг бир тури бўлиб, фуқароларнинг ва корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг хукуққа зид ҳаракатларини мажбуран тўхтатиб (бартараф қилиш) қолишликни англатади. Эҳтиёт чораси маъмурий мажбуурлашнинг бир тури сифагида унинг барча белгиларига эга бўлиши билан бирга бир қанча ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Эҳтиёт чорасининг мақсади хукуққа зид қилмишни бартараф қилиш ва янгисига йўл қўймаслик. У тезкор бўлиши лозим ва шу сабабли кўп ҳолларда вазият ҳақида, хукуққа зид қилмишнинг характеристи тўғрисида ахборотлар камчил бўлган шароитларда амалга оширилади.

Эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос бўлиб хукуқбузарлик айбли хукуққа зид ҳаракат ҳисобланса-да, бундай чоралардан муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар томонидан содир қилинадиган объектив хукуққа зид, айбсиз ҳаракатларни тўхтатиш учун ҳам фойдаланилади. Иккинчи томондан эса, ҳушёрхонага жойлаштириш, ўқотар қуролини ишлатиш ва бошқа маъмурий эҳтиёт чоралари жиноятлар содир этилганда ҳам қўлланилади. Демак, бошқача айтганда, эҳтиёт чораларининг асослари доираси маъмурий жавобгарликка нисбатан кенгроқ.

Маъмурий эҳтиёт чорасининг яна бир хусусияти шундаки, у қўлланилиши мумкин бўлган субъектлар доираси кенг. Бу чораларни 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан ҳам,

муомала лаёқатига эга бўлмаган кишиларга нисбатан ҳам, иммунитетга эга (депутатлар, дипломатик хизматчилар) шахсларга нисбатан ҳам, ҳукуқбузарлик содир қилганлиги учун интизомий жазога тортиладиган ҳарбий хизматчилар, ИИВ ходимларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Эҳтиёт чораси жамият, давлат манфаати нуқтаи назаридан ҳам, ҳукуқбузувчининг ўзининг манфаатини кўзлаб ҳам амалга оширилади.

Ҳукуққа зид ҳаракатни мажбуран тўхтатиш (бартараф этиш), энг аввало айборнинг жавобгарлигини чуқурластириши мумкин бўлган ҳаракат, воқеанинг олдини олиш имконини беради. Мажбурий даволаш, баъзи ҳолатларда бошқа эҳтиёт чоралар ҳам тўғридан тўғри ҳукуқбузарлик содир қилган фуқарога ёрдам қўрсатишни мақсад қилиб қўяди.

Жазоловчи санкциялардан фарқли үлароқ, эҳтиёт чоралари фуқаронинг жисмоний дахлсизлигини ҳам бузиши мумкин. Улардан фойдаланиш кўп ҳолларда ижроия ҳокимият, унинг вакиллари тушиб ҳолган зарурый мудофаа, охирги зарурат вазияти билан боғлиқ бўлади. Бошқа ҳолатларда ҳокимият вакили қонунда тўғридан тўғри қўрсатилмаган воситалардан, масалан, арқон, болтадан фойдаланиши, фавқулодда (экстремал) вазият тақозо қилган чораларни қўллаши мумкин.

Маъмурий жазо чоралари маҳсус ёзма якка (индивидуал) актлар билан қўлланилади ва шу актлар асосида жазога тортиш амалга оширилади. Эҳтиёт чоралари кўп ҳолатларда бевосита ҳукуқбузилиш факти асосида ёзма актлар чиқармасдан қўлланилади, чунки ҳукуқбузарлик ҳаракатини тезлик билан тўхтатиш зарурати бундай ҳолни тақозо қиласди. Бунда мажбурашни талаб қиласиган юридик акт бўлиб ҳукуқбузарликнинг ўзи ҳисобланади ва уни бартараф этишлик учун мансабдор шахс муайян ҳаракатларни содир қиласди. Эсдан чиқармаслик керакки, бу ҳаракатлар ҳам ижроия ҳокимиятнинг юридик актлари бўлиб ҳисобланади.

Маъмурий-эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради:

а) ҳуқуққа зид ҳаракатни тұхтатиши талаб қилиш (м: милиция фуқаролар ва мансабдор шахслардан маъмурий ҳуқуқбузарларни, шунингдек милициянинг ваколаттарини амалға оширишга тұсқынлик қилувчи ҳаракатларни тұхтатиши талаб қилиши мүмкін);

б) бевосита жисмоний таъсир күрсатиши;

в) транспорт, алоқанинг, корхоналар ва муассасаларнинг ишини бузиши мүмкін бўлган оммавий тартибсизликлар ва гуруҳий ҳаракатларни тұхтатишилик учун маҳсус воситалар (резина калтаклар, кўзни ачитувчи газ, қўл кишалари, сув сепиш асбоблари ва бошқа шу кабилар)ни кўллаш;

г) қуролни кўллаш (м: кишилар саломатлиги ва ҳаёти учун ҳайдовчи реал хавф туғдирганда транспорт воситасини тұхтатиши учун);

д) атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш;

е) юқумли касалликка чалинган кишиларни вақтингча ишдан четлатиши;

ж) техник ҳолати ўрнатилган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишини тақиқлаш;

з) жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя қилинмагандага кўчалар ва йўллардаги таъмирлаш-курилиш ишларини тақиқлаш ёки чеклаш.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексида назарда тутилган маҳсус чоралар ҳам эҳтиёт ҳарактерига (тұхтатиши) эга чораларга киради. Булар маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритишни таъминловчи процессуал чоралар бўлиб, қўйидагилардан иборат: ҳуқуқбузувчини ички ишлар органи (милиция)га олиб келиш; жисмоний шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилгани тұғрисида баённома тузиш учун маъмурий йўл билан ушлаб туриш; ҳужжатларни олиб қўйиш; транспорт воситаларини бошқаришдан четлаштириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва шу кабилар.

Амалдаги қонунчилик ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар

кўп ҳолларда ижро этувчи ҳокимият идоралари (мансабдор шахслар)га у ёки бу умуммажбурий қоидаларни бузганлиги учун корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тўхтатиш ёки бекор қилиш ваколатини беради. Масалан, корхона фаолиятининг тўхтатилиши ёки уни ёпилиши меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив талаблар, табиатни қўриқлаш соҳасидаги қонунчилик бузилган тақдирда юз бериши мумкин. Мажбурий характердаги эҳтиёт чораларига шунингдек, у ёки бу фаолият турига лицензия (руҳсатнома) беришни рад қилиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бекор қилишни ҳам киритиш мумкин.

Шундай қилиб, эҳтиёт чоралари тизими жуда турли-турман.

Баъзи маъмурий-эҳтиёт чораларини батафсилроқ кўриб чиқамиш:

Шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш-маъмурий эҳтиёт чорасининг кўп тарқалган тури. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш деганда, қоида тариқасида, маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахснинг эркинлиги, ҳаракати ёки кўчиб юришини қисқа вақтга чеклаб қўйишлик тушунилади. Маъмурий ушлаб туриш ваколатли мансабдор шахсларнинг маъмурий хукуқбузарликлар билан кураш самародорлигини таъминловчи тезкор ҳаракати.

Маъмурий ушлаб туриш фақат хукуқбузарлик мавжуд бўлганда қўлланилиши мумкин. Ҳуҳуқбузарлик факти бўлмаса ушлаб туриш мумкин эмас.

Транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш.

Транспорт воситаларини бошқараётган мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Мастлик ҳолати аниқланган тақдирда ҳайдовчи ёки бошка шахс бошқаришдан четлаштириллади, транспорт воситаси эса ички ишлар идорасининг навбатчилик қисмига, май-

дончага, пуллик тұхташ жойига келтирилади. Транспорт воситасини құриқлаш чоралари құрилади.

Ашёлар ва хужжатларни олиб қўйиш, хукуқбузарларни ушлаш, шахсий қўриқдан ўтказиш ёки ашёларни кўздан кечириш вақтида аникланган хукуқбузарлик содир этиш куроли ёки бевосига шундай нарса бўлмиш ашё ва хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурй жавобгарлик түғрисидаги кодексининг 287 ва 289-моддаларида назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва хужжатлар маъмурй хукуқбузарлик түғрисидаги ишлар қўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва хужжатларни олиб қўйиш хукуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш қўриб бўлинганидан кейин эса, уни қўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва хужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса сотиб юборилади.

Хуҳукқа зид фаолиятни мажбуран тұхтатиши, хукуққа зид хулқ атворнинг зарарли оқибатларини бартараф қилиш маҳсус маъмурй-эҳтиёт чоралари шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Буларга қуйидагилар киради: а) куролни кўллаш; б) ўзини ўзи химоя қилиш (самбо) усулларини кўллаш; в) кўл занжирлари; г) бошқа таъсир чоралари.

Маҳсус эҳтиёт чоралари фақат қонун билан белгиланган ҳолларда ва тартибда кўлланиши лозим.

4. Маъмурй - тиклаш чоралари

Тиклаш чоралари етказилган зарарни қоплаш, буюмнинг аввалги ҳолатини тиклаш мақсадида кўлланилади. Шу сабабли бу чораларнинг тури ва микдори файрихукукий қилмиш туфайли етказилган зарарнинг характеристи ва микдорига боғлиқ бўлади. Бу чораларга қуйидагилар киради: молдий жавобгарлик чоралари (зарарни ундириш), ўзбошим-

чалик билан тиқланған бино ва иншоотларни бузиб ташлаш, үзбошимчалик билан кириб олинган бинолардан маъмурий тартибда чиқариш, ташкилотлардан файриқонуний тарзда олинган нарсаларни олиб қўйиш, пеня, тўланмаган қарз (бокиманда)ни ундириш.

Ўзбошимчалик билан курилган турар жой ёки бошқа биноларни бузиш ҳукуқбузарлик содир қилган шахс томонидан ваколатли орган кўрсатмасига биноан ўз ҳисобидан бузиб ташлашликтини, кўрсатма бажарилмагандага эса, тегишили орган томонидан айбдор ҳисобидан бузиб ташланишликтини англатади.

Корхоналар ва ташкилотлардан файри қонуний тарзда олган нарсаларни олиб қўйишлик корхоналар ва ташкилотлар томонидан молиявий интизомни, нархлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, стандартсиз маҳсулот сотиш йўли билан олинган пул суммаларини бюджет даромадига ўтказицдан иборат.

Олиб қўйиш тўғрисида қарор юридик шахсларни хўжалик фаолияти устидан назорат қилувчи давлат органлари (стандартлаш органлари, нархлар устидан назорат идоралари ва бошқалар) томонидан чиқарилади.

Тиклаш чораларига шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 38-моддасида назарда тутилган етказилган заарни қоплаш ҳам киради. Кодекс моддасида белгиланишича, маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳукуқбузарлик оқибатида келтирилган заарни қоплаши шарт. Башарти маъмурий ҳукуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зпрап белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу заарни қоплаш тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, судья эса - бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қиласеради.

Маъмурий - тиклаш чоралари бўлиб молиявий санкция-

лар: тўланмаган қарз (боқиманда), пеня ҳам ҳисобланади; Боқиманда- бу муддатида бюджет ёки давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармасига тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасидир.

Олиб қўйишликни реал таъминлаш учун мол-мулкини хатга олиш (арест) деб аталган эҳтиёт чораси қўлланилади. Хатга олиш фақат қарздорга мулк ҳуқуқи ёки ҳўжалик юритиши асосида тегишли, шунингдек унинг оператив бошқарувида бўлган мулкка, бу мулк қаерда ва ким томонидан фойдаланилаётганлигидан қатъи назар, қўлланилиши мумкин.

Пеня тўлаш муддатлари кечиктириб юборилганда тўланадиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун тўланмаган суммага нисбатан фоиз билан тўланадиган пул миқдори. Молиявий интизом бузилган ҳолатларда, қоида тариқасида, пеня боқиманда билан бирга ундирилади.

Мавзуни ўзлаштирганлик даражасини текшириш учун саволлар

1. Маъмурий-ҳукуқий мажбураш деганда нима тушунилади? Унинг қандай асосий турлари мавжуд?
2. Маъмурий огоҳлантириш чоралари нимани англатади?
3. Мажбурий характердаги маъмурий эҳтиёт (тўхтатиб қолиш) чоралари нима ва улар қандай аҳамиятга эга?
4. Махсус маъмурий эҳтиёт чоралари деганда нима тушунилади ва уларнинг қўллаш тартиби қандай?
5. Маъмурий-тиклаш воситалари нима?

Адабиётлар.

8;11;13;14;18;19;29; 76;87;90;98;106;108;115; 164; (XII боб); 165 (XII боб, 3); 166 (19-27- бетлар); 168.

Х боб. Маъмурий жавобгарлик

1. Маъмурий жавобгарликнинг тушунчаси, асосий хусусиятлари ва тамойиллари.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги қонунлари.
3. Маъмурий хукуқбузарлик.
4. Маъмурий жазо чораларининг тушунчаси ва асосий турлари.

1. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси, асосий хусусиятлари ва тамойиллари.

Маъмурий жавобгарлик, бу юридик жавобгарликнинг маҳсус тури, унга; кейингисининг барча белгилари хос (бу жавобгарлик хукуқ нормаси асосида келиб чиқади, хукуқ нормаларни бузганлик учун қўлланилади, ваколатли органларнинг юрисдикцион актлари билан аниқлаштирилади, давлат мажбурлаши билан боғлиқ бўлади). Бошқа томондан, маъмурий жавобгарлик маъмурий мажбурлашнинг таркибий қисми бўлиб, унинг барча сифатларини ўзида мужассам қиласди (суддан ташқари бўйсунишлик доирасида амалга оширилади ва б). Бироқ, у қўйидагилардан иборат ўзига хос хусусиятларга ҳам эга:

1. Маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб маъмурий хукуқбузарлик ҳисобланади.
2. У субъектларга маъмурий жазо чораларини қўллашни англатади. Маъмурий қиммешлар жиноятларга нисбатан кам зарарли бўлганлиги сабабли маъмурий жазо чоралари жиной жазога нисбатан юмшокроқ бўлади.
3. Маъмурий жазо чоралари кенг доирадаги ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қўлланилади. Ҳозирги вақтда ижроия ҳокимиятнинг кўп органлари, туман (шаҳар) судъялари маъмурий юрисдикциянинг субъектлари бўлади.
4. Маъмурий жавобгарликнинг субъектлари бўлиб жис-

моний шахслар ҳам, жамоавий тузилмалар ҳам ҳисобланishi мумкин (м: жамоат бирлашмаларининг ноқонуний фолиятини тұхтатиши).

5. Маъмурий жазо чоралари органлар ва мансабдор шахслар томонидан буйсунмайдиган хуқуқбузарларга нисбатан құлланилади.

Ўзбекистан Республикаси қонунчилиги хуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш имкониятларини на扎да тутади. Бу Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексининг 21-моддасыда қайд қилинган: “Содир этилган маъмурий хуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган (mansabдор шахс) хуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин”. Қонунчилик билан баъзи тоифадаги шахсларнинг маъмурий хуқуқбузарлик учун интизомий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексининг 16-моддасига биноан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматта мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибиға мансуб шахслар маъмурий хуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ, жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ заҳираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоқقا олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Маъмурий жавобгарликка маъмурий хуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар тортиладилар. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган маъмурий хуқуқбузарлик содир қилган шахсларга вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тұғрисидаги Низомда қўзда тутилган чоралар қўлланилади.

Мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳукуқбузарлик содир этгандилари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Мансабдор шахс тушунчасининг ўзи ҳам муайян қизиқиши уйғотади. Маъмурий ҳукуқда мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳукуқи бўйича маъмурий жавобгарликдан ташқари интизомий ва моддий жавобгарлик турлари ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 16-моддасининг баён қилинишича харбий хизматчилар ва йигинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлари ва бошқарув таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳукуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўлади. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоқقا олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги харбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Бу шахслар жумласига кирмайдиган, интизомий уставлари ёки интизом тўғрисидаги маҳсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳукуқбу-

зарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Моддий жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқининг предметини ташкил қиласа-да, баъзи ҳолатларда бу масалаларда маъмурий ҳуқуқ нормалари ҳам қўлланилади. Масалан, маъмурий ҳуқуқ нормалари ёрдамида етказилган заарни маъмурий тартибда қоплаш қоидалари белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқда моддий жавобгарликнинг субъекти бўлиб биринчи навбатда ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқнинг нормаларига биноан ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмга, ўз хизмат муносабатида бўлган муассасага хизмат мажбуриятини адо этаётган пайтда етказган моддий зиён учун моддий жавобгарликка тортилади. Бу қоида ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган ички ишлар вазирлиги ходимлари ва бошқа шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашда муайян тамойилларга риоя қилиш зарур. Булар куйидагилар:

1. Қонунийлик. Маъмурий жавобгарликни амалга ошираётганда қонун талабларига аниқ ва официал муносабатида қилиш. Бу тамойилнинг муҳим шарти бўлиб жавобгарлик фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда вужудга келишилиги, ножӯя қилмишини тўғри квалификация қилиш, жазо чорасини тўғри танлаш ҳисобланади.

2. Индивидуаллаштириш. Бу тамойил содир қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо чораси белгилашда қилмиш содир қилинган вазиятни, ҳуқуқбузарнинг шахсиятини, мулкий аҳволини, унинг айборлик даражасини ҳисобга олишни англатади. Жумладан, бу Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган жавобгарликни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларга эътибор берилишини назарда тутади. Индивидуаллаштириш тамойилига кўра содир этилган ҳуқуқбузарлик учун фақат айбор шахснинг ўзига нисбатан

жавобгарлик қўлланилади.

3. Тезкорлик(оперативлик), ўз вақтида қўлланишлик. Маъмурий жавобгарлик чораси ҳуқуқбузарлик содир этилганини аниқлангандан сўнг қанча тезкорлик билан қўлланилса, шунча самарали бўлиши мумкин. Бу тамойил қонунлар билан белгиланган муддатларга риоя қилинишини талаб қиласди.

4. Адолатпарварлик. Бу тамойил айбордor бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилиш ҳолларига йўл қўймасликни ва содир этилган қилмишнинг исботланиши зарурлигини талаб этади. Ушбу тамойилга биноан маъмурий жавобгарлик белгиловчи ва уни оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида келтирилган заарни қоплаш жавобгарликни қўллаш орқали амалга оширилади ҳар бир бузилган ҳуқуқ учун факат битта жавобгарлик белгиланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланишича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари Республиканинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларидан иборатdir.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифаси инсон ва жамият фаронлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни му-

ҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳукуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш ҳисобланади.

Бу вазифаларни амалга оширишлик учун қонунлар (ЎзРМЖтК) қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳукуқбузарлик бўлиб ҳисобланишини, маъмурий ҳукуқбузарлик содир қилган шахсга қайси орган қандай маъмурий жазо чорасини қандай тартибда кўлаш тартибини белгилайди.

Қонунлар билан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик соҳасида ва маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий ҳокимиёт органларининг компетенцияси белгилаб қўйилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатларига куйидагилар киради:

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қоидаларини белгилаб бериш;

маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (mansabdor шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш;

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиёт вакиллик органлари ҳамда ҳокимлари маъмурий жавобгарлик назарда тутиладиган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилаш.

Қорақалпоғистон Республикасининг, шунингдек халқ де-

путатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ва уларнинг ҳокимларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун хужжатлари соҳасида ваколатлари:

Жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича, бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича маъмурий жавобгарлик белгилаш;

Бузилганда маъмурий жавобгарлик юзага келадиган қоидаларни белгилаш; ов қилиш ёки балиқ тутиш, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларни амалга ошириш қоидалари; ҳайвонларни карантинга қўйиш ва бошқа ветеринария-санитария қоидалари; ит ва мушук боқиши қоидалари; шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидалари; шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш; ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш; бозорларда савдо қилиш қоидалари.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳукуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун хужжатлари хилма-хил. Уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Умумий тарзда маъмурий жавобгарлик белгилайдиган қонун хужжатлари.

2. Тегишли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлик қўллаш соҳасидаги ваколати баён қилинган қонунлар.

3. Муайян ножӯя қилмишлар учун аниқ маъмурий жазо чораси назарда тутилган қонун хужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг қўпчилик қонунларида уларни бузганлик учун юридик жавобгарлик (жумладан, маъмурий жавобгарлик) қўлланиши мумкинлиги тўғрисида умумий қоидалар мавжуд.

Иккинчи гуруҳга кирадиган қонун хужжатлари (м: со-

лиқ хизмати тұғрисида, давлат санитария назорати тұғрисида, судлар тұғрисида ва қ.к.) да тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жазо чоралари құллаш хукуқлари белгилаб қўйилган.

Муайян ножұя құлмишлар учун аниқ маъмурий жазо чоралари белгилайдиган учинчи гурұх, қонунларга йүл ҳардати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тұғрисида қонун, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги, Божхона тұғрисидаги кодекслари мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги қонун ҳужжатлари ичидә Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодекси алоҳида ўрин тутади.

Кодекс Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессиясида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган.

Кодекс беш бўлим, 31 бобдан иборат.

Биринчи бўлим маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги умумий қоидаларни ўз ичига олган. Булар, жумладан, маъмурий жавобгарлик тұғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг умумий тавсифи ва вазифалари, асосий принциплари; Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий жавобгарлик тұғрисида қарорлар қабул қилиш борасида ваколатлари; маъмурий хукуқбузарлик учун таъсир күрсатиш чораларини құлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш; маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилишига оид қоидалардан иборат.

Кодекснинг иккинчи бўлими икки қисмдан иборат. Умумий қисмда маъмурий хукуқбузарлик тушунчаси, маъмурий жазо чоралари тизими ва уларнинг құлланилиши тартиби белгилаб қўйилган.

Махсус қисмда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида содир бўлиши мумкин бўлган маъмурий ҳукуқбузарликларнинг асосий тавсифи ва қўлланиладиган жазо чоралари баён қилинган: фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларига тажовуз қиласидиган ҳукуқбузарликлар; аҳоли соглигини сақлаш соҳасидаги; мулкка тажовуз қилувчи; табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиятдан фойдаланиш соҳасидаги; саноатдаги, курилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги; қишлоқ хўжалигидағи ва ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун; транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидағи, фуқароларнинг тураг жой ҳукуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги; савдо, тадбиркорлик ва молия соҳасидаги; одил судловга тажовуз қилувчи; жамоат тартибига тажовуз қилувчи; бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳукуқбузарликлар ва улар учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик чоралари.

Учинчи бўлим маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансадбор шахслар) ва уларга тааллуқли бўлган маъмурий ҳукуқбузарликларни белгилашга бағищланган.

Кодекснинг тўртинчи бўлимида маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ва принциплари, далилларга баҳо бериш тартиби, маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш иштирокчиларининг ҳукуқлари ва мажбуриятлари, маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби баён қилинган.

Бешинчи бўлим жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистан Республикасининг маъмурий ҳукуқбузарликлар ва улар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари уларнинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик** тўғрисидаги кодексига киритилга-

нига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бевосита амалда бўлади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик

Ўзбекистан Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси маъмурий ҳуқуқбузарликка қуйидаги-ча таъриф берган: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик деғанда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитта тажовуз қилувчи ғайри ҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади» (Кодекснинг 10-моддаси).

Маъмурий қонунларда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик белгиларининг характеристики-касида энг муҳими қилмиш (ножӯя ҳаракат) тушунчаси-дир. Бу иродавий хулқ-атвор кўриниши бўлиб, ўз ичига хулқ-атворнинг икки жиҳатини олади: ҳаракат ёки ҳаракатсиз-лик. Ҳаракат мажбуриятларни, қонун талабларини фаол бажармаслик, шунингдек тақиқлашни бузишлик (ов қилиш қоидаларини бузиш, ДАН органи ваколатли ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги тала-бини бажармаслик ва ҳ.к.).

Ҳаракатсизлик мажбуриятни бажармасликнинг пассив шакли (ёнгин хавфсизлиги қоидасини бажармаслик, ердан фойдаланувчи томонидан ёввойи ўтлар билан кураш тад-бирларини кўрмаслик ва б.).

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг характерли белгилари:

1. Бу заарли оқибатларни келтириб чиқарган ёки келти-риб чиқариши мумкин бўлган, ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи гайриижтимоий қилмишdir.

2. Бу гайрихуқуқий қилмиш. Маъмурий ножӯя қилмиш -

бу маъмурий таъсир чоралари билан муҳофаза қилинадиган маъмурий ва бошқа хуқуқ тармоқлари нормаларини бузадиган қилмишдир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қонун аналогиясини ман этади, маъмурий ножӯя қилмишнинг зарурый белгиси бўлиб хуқуққа зидлик ҳисобланади. «Маъмурий хуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас», - дейилади Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 8-моддасида.

Маъмурий жавобгарлик шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКда ёки бошқа норматив актда назарда тутилган хуқуқбузарлик содир қилингандагина юзага келиши мумкин.

3. Бу айбли қилмиш- хуқуқбузарнинг иродавий, онгли муносабати бўлиб, унга нисбатан эътиroz қўзғатади, танбехга сабаб бўлади.

4. Маъмурий жазо чораларини кўлланиш мумкинлиги маъмурий хуқуқбузарликнинг умумий хусусияти ҳисобланади. Маъмурий санкцияларни қўллаш маъмурий хуқуқбузарлик содир этилган барча ҳолларда шарт бўлмасада, уларни қўлланиш мумкинлиги маъмурий хуқуқбузарлик учун шарт бўлган аломатдир.

Маъмурий хуқуқбузарликнинг белгиларини унинг юридик таркибидан фарқ қилиш лозим.

Юридик таркиб деганда файриижтимоий қилмишни қонун билан ўрнатилган маъмурий хуқуқбузарлик деб ҳисоблаш учун зарурый белгилари йифиндиси англанади.

Маъмурий хуқуқбузарлик таркибининг элементлари бўлиб обьект, обьектив томон, субъект, субъектив томон ҳисобланади.

Маъмурий ножӯя қилмишнинг обьекти - ижтимоий муносабатлар. Муайян қилмишлар мавжуд ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкин бўлганлиги учун файриижтимоий ҳисобланади ва маъмурий жазо чоралари қўлла-

ниш таҳдида остида тақиқлаб қўйилади. Маъмурий ножӯя қилмишнинг обьекти бўлиб ҳарқандай ижтимоий муносабат эмас, балки маъмурий жазо чораси билан муҳофаза қилинадиган муносабатлар ҳисобланади.

Ножӯя қилмишнинг обьектив томони бу қилмишнинг маъмурий ҳуқуқ нормаларида қайд қилинган ташқи намоён бўлишини тавсифловчи белгиларидир. Уларнинг ичida энг асосийси ножӯя қилмишнинг ўзидир (талон-торож, савдо қилиш, сақлаш, бош тортиш ва ҳ.к.). Қилмиш ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишларида бўлиши мумкин.

Қилмиш ҳуқуқбузарликнинг ўзаги, унинг атрофида ҳуқуқбузарликнинг бошқа белгилари (усули, вақти, жойи ва б) гурухланади. Кўп ҳолларда ножӯя қилмиш таркибида жой (жамоат жойлари, чегара зонаси, темир йўл, аэродром, шаҳар атрофида қатновчи поезд, метро, вагоннинг томи ва б) ва вақт (кечки вақт ва қ.к.) белгилари мавжуд бўлади.

Ҳуқуқбузарликни содир қилиш усули, воситалари, етказилган заарнинг миқдори ҳам кўп ҳолларда унинг обьектив томонини ташкил қилувчи белгилар қаторига қўшилади.

Ножӯя қилмишнинг субъекти бўлиб уни содир қилган, яъни ҳаракатида қонунда баён қилинган қилмиш мавжуд бўлган шахс ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида қўйидагилар тан олинади:

1) индивидуал (якка) субъектлар: фуқаролар ва маҳсус маъмурий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (транспорт ҳайдовчилар, ташкилот ходимлари, раҳбарлари, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар ва б). 2) юридик шахслар, бошқа жамоавий субъектлар ва уларга тенглаштирилган юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар.

Хозирги вақтда кўп ҳуқуқбузарлик турларининг субъектлари сифатида мансабдор шахслар эмас, юридик шахслар тан олинади (м:ерларни кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлослантириш ва ер қонунларини бошқача тарзда

бузиш, қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар ва б.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Юридик шахсларнинг қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунида юридик шахсларга маъмурӣ жарима солиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Маъмурӣ ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ножӯя қилмиш субъектнинг ўзини файрихуқуқий ҳаракати ёки ҳарататсизлигига бўлган руҳий муносабатини англатади. У қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. Айб - маъмурӣ ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг зарурий белгиси.

Субъектив томоннинг мажбурий белгиси бўлган қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги айдан ташқари яна факультатив белгилари (мақсад, баҳона) ҳам бўлиши мумкин.

Шахс, унинг қилмишида маъмурӣ ҳуқуқбузарлик таркибининг барча элементлари мавжуд бўлгандагина, маъмурӣ жавобгарликка тортилиши мумкин. Назарияда ва амалиётда кўп ҳолларда маъмурӣ ҳуқуқбузарликнинг жиноят ва интизомий ножӯя қилмиш билан муносабати тўғрисида масала учраб туради. Айниқса маъмурӣ ҳуқуқбузарлик билан жиноят ўртасидаги фарқ масаласида турли фикрларни учратиш мумкин. Баъзи адабиётларда маъмурӣ ҳуқуқбузарлик (ножӯя қилмиш)да ижтимоий хавфнинг йўқлиги туфайли у жиноятдан фарқ қиласи, деган фикр билдирилди¹.

Тўғри, маъмурӣ ҳуқуқбузарликнинг таърифи баён қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасида маъмурӣ ҳуқуқбузарликнинг белгиси сифатида унинг ижтимоий хавфлилиги алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. Бироқ, шу модданинг ўзида муайян соҳаларда ижтимоий муносабатларга (шахс, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби ва ҳ.к.) тажовуз қилиш, файри-

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси, дарслик, Т.: ТДЮИ, 2000 й., 349-бет.

хукуқий, айбели хусусиятлари унинг ижтимоий хавфлилигини билдиради, деб фикр юритицга асос бўлади. Бу қилмишлар ижтимоий хавфли бўлғанлиги учун ҳам қонун ҳужжатларида улар учун ҳукуқий (маъмурий) жавобгарликка тортиш назарда тутилган бўлади.

Иккинчидан, барча давлат ва ҳукуқ назариясига оид адабиётларда¹ ижтимоий хавфлилик умуман ҳукуқбузарлик (жумладан, маъмурий ҳукуқбузарлик)нинг мажбурий белгиси сифатида қайд қилинади. Демак, ушбу қоидага асосан маъмурий ножӯя қилмиш, агар у ижтимоий хавфли деб тан олинмаса, ҳукуқбузарликнинг бир тури деб ҳисобланмаслиги керак бўлади. Бинобарин, маъмурий ҳукуқбузарлик билан жиноят ўртасидаги фарқни уларнинг бирида ижтимоий хавфлилик аломати бор, иккинчисида йўқлигига деб қайд қилмасдан, балки бу хавфлиликнинг турли даражада эканлигига, деб тан олиш асосли бўлади.

Жиноят ва маъмурий ҳукуқбузарликни ажратувчи юридик мезонлар жиноят ва маъмурий қонунчилиқда мавжуд бўлиб, тегишли ҳукуқбузарлик таркибларининг барча элементлари (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон)га тегишли бўлиши мумкин. Масалан, қонунга биноан баъзи жиноятларнинг субъекти 13-14 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин бўлгани ҳолда маъмурий ҳукуқбузарлик учун 16 ёш белгиланган; транспорт ҳайдовчиси томонидан йўл қоидаларини бузилиши натижасида жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилиши маъмурий ҳукуқбузарлик ҳисобланса, шу ҳаракатлар оқибатида шахсга оғир ёки ўртacha оғирликдаги зарар етказилиши жиноят деб тан олинади. Шунинг учун ҳукуқбузарликнинг характеристини, унинг юридик табиатини аниқлаш учун шундай ҳаракат учун жавобгарлик белгилайдиган қонунчиликни ҳар томонлама таққослаб ўрганиш талаб қилинади. Зоро бу жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси талабидан ҳам ке-

¹ Давлат ва ҳукуқ назарияси, дарслик, Т.: ТДЮИ, 2000 й., 348-бет.

либ чиқади: «Ушбу кодексда назарда тутилган хукуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу хукуқбузарлик ўз ҳусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.«

Маъмурий хукуқбузарликнинг интизомий ножӯя қилмишдан фарқи шундаки, кейингиси, қоида тариқасида, меҳнат, хизмат муносабатлари жараёнида юз беради.

4. Маъмурий жазо чораларининг тушунчаси ва асосий турлари

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасига биноан маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу хукуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги хукуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг МЖтК маъмурий жазо чораларининг қуидаги турларини ўрнатган: жарима; маъмурий хукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; маъмурий хукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳукуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳукуқидан, ов қилиш ҳукуқидан) маҳрум қилиш; маъмурий қамоқقا олиш.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида лицензияй ёки малака аттестати (гувохномаси)ни чақириб олиш жазоси ҳам назарда тутилади.

Маъмурий жазо чоралари ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маҳсус индивидуал (якка) актлар чиқариш йўли билан қўлланилади. Жазо чоралари маъмурий мажбурашнинг бошқа турларидан шу билан фарқ

Қиласы, жазо чоралари хуқуқбузар учун «жазоланган ҳолат» ни вужудга келтиради. Бу ҳолат қонунда белгиланган мұддатда давом этиб, хуқуқбузарларни тарбиялашнинг бир элементи бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекси маъмурий жазо чораларини асосий ва қўшимча чораларга ажратади. Ашёларнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, қонун билан назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланиши мумкин.

Битта маъмурий хуқуқбузарларлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

Жарима маъмурий хуқуқбузарларлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жариманинг миқдори маъмурий хуқуқбузарларлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий хуқуқбузарларлик учун эса бу хуқуқбузарларлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса - ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи хуқуқбузарларликлар учун фуқароларга - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга - ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Худди шу миқдорда жарима, масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги қонуни билан ўрнатилди.

Маъмурый ҳукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, шу ашёни мажбурий тартибда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатdir.

Маъмурый ҳукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш шу ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора туман (шаҳар) судъяси томонидан қўлланилади. Башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат ҳукуқбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин.

Муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳукуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳукуқидан, ов қилиш ҳукуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судъяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳукуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ўқ отар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ва мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга, маҳсус ҳукуқдан (транспорт воситаларини бошқариш) маҳрум қилиш, ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Транспорт воситаларини алкоголь ичимликтан, гиёхвандлик воситаси таъсирида маст бўлган ҳолда ёки ўзгacha тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари, шунингдек ўzlари иштирокчи бўлган йўл-транспорт қодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Маъмурый қамоқقا олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамомат тартибига тажовуз қилганлиги учун - ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурый қамоқقا олиш туман (шаҳар)

судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан кўлланилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида лицензия ва малака атtestати (гувоҳномаси)ни чақириб олишдан иборат жазо чораси белгиланган. Бундай ҳужжатлар рухсат бериш тизими тартибида ва муайян муддатга берилади. Лицензия ва малака атtestати муайян фаолият билан шуғулланиш ҳукуқини беради, уларни чақириб олиш эса бу ҳукуқдан мақрум қиласи. Шу сабабли бу чора ҳам маҳсус ҳукуқдан мақрум қилиш жазосининг бир тури ҳисобланади.

Лицензияни чақириб олиш ҳукуқдан маҳрум қилиш чорасидан нима билан фарқ қиласи? Биринчидан, ҳукуқдан маҳрум қилиш факат фуқароларга нисбатан кўлланилади. Лицензияни чақириб олиш эса юридик шахсларга ҳам кўлланиладиган таъсир чораси ҳисобланади. Иккинчидан, ҳукуқдан маҳрум қилиш уч йилгача муддатга амалга оширилади. Лицензия ва малака атtestатини қайтариб олиш тамоман муддатсиз бўлади. Бироқ, бу шахс лицензия ёки малака атtestатидан умрбод маҳрум бўлади, деган сўз эмас. Шахс керакли ҳужжатларни тақдим этиб, тўловларни тўландан сўнг янги лицензия олиши мумкин.

Маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар (мансабдор шахслар) тизими ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгилаб қўйилган.

Булар:

1. Туман (шахар) судининг судьяси; вилоят ҳўжалик суди.
2. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;
3. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман

(шаҳар) комиссиялари;

4. Ички ишлар (милиция) органлари (mansabдор шахслари), давлат инспекцияси органлари ва мансабдор шахслар ҳамда қонунлар билан ваколат берилган бошқа органлар ва мансабдор шахслар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқиши, бу ишни қонун хужжатлари асосида ҳал этиш, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, маъмурый ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чораларини белгилаш тақозо этилади.

Маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнининг асосий босқичи – бу ишларни кўриб чиқиши ва ҳал қилиш бўлиб ҳисобланади.

Маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши һатижасида қарор қабул қилинади. Қарорларни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этишлари мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида маъмурый жазо чораларининг ҳар бир тури бўйича қарорларни ижро этиш тартиби белгилаб қўйилган.

Мавзуни ўзлантирганлик даражасини текшириш учун саволлар

- 1) Маъмурый жавобгарлик деб нимага айтилади?
- 2) Маъмурый жавобгарлик қандай белгиларга эга бўлади?
- 3) Маъмурый жавобгарлик соҳасида қандай масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси компетенциясига киради?
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг асосий хусусиятларини тавсифланг.

- 5) Маъмурий ҳуқуқбузарлик деб нимага айтилади?
- 6) Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби де-
ганда нима тушунилади?
- 7) Маъмурий ножӯя қилмиш бошқа турдаги ҳуқуқбузар-
ликдан нимаси билан фарқ қиласи?
- 8) Асосий маъмурий жазо чораларини тавсифлаб беринг.

Адабиётлар.

11;14;18;21;29;38;43;98;106;107;164; (XIII-XIV боблар);
165(13-15 боблар); 166 (18-43 бетлар); 168;.

XI боб. Мамурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритиши

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритишининг умумий қоидалари, таъминлаш чоралари.
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритища қатнашувчи шахслар.
3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни күриб чиқиш.
4. Маъмурий жазо құллаш тұғрисидаги қарорларни ижро этиш.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритишининг умумий қоидалари ва таъминлаш чоралари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритишининг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодекснинг IV бўлими, XIX бобида кўрсатиб ўтилган.

Улар қўйидагилардир: ишларни юритиш вазифалари, ишларни юритиш тартиби, ишларни юритишини истисно этувчи ҳолатлар, ишларни фуқароларнинг тенглиги асосида кўриб чиқиш, иш юритиладиган тил, ишнинг очиқ кўрилиши, ишларни юритиш чофида қонунларнинг устидан прокурор назорати, далиллар, далилларга бақо бериш ва материалларни прокурорга топшириш.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги Кодексида маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгилаб қўйилган. Бу тартиб маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тұла ва объектив рационалда аниклаб чиқиш, бу ишни қонун хужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этиш, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниклаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат вази-

фаларни бажаришга хизмат қилади.

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг яна бир муҳим вазифаси фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руқида тарбиялаш, қонунийликни мустаҳкамлаш бўлиб ҳисобланади. Бутун маъмурий жараён ана шу мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан олиб борилади.

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг тамойиллари:

- фуқароларнинг тенглиги;
- иш олиб бориладиган тилни тўғри танлаш;
- ишнинг очиқ кўрилиши;
- ишни кўриш чоғида қонунларга тўлиқ риоя қилиш; бу борада прокурор назоратини олиб бориш;
- ишни кўришда объективликни таъминлаш, далилларни ҳар тарафлама ўрганиш ва тўғри баҳолаш.

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш мураккаб жараён (маъмурий жараён) бўлиб, уни бир неча босқичларга бўлиш мумкин: маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларини кўриш (маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, ашёларни ва ҳужжатларни олиб қўйиш ва қ.к.); маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш; маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш; маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш.

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнигининг асосий босқичи бу албатта, шу ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўлиб ҳисобланади.

2. Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахслар

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқила-

ди. Мазкур шахсда маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқиши кечиктириш хусусида қеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этилган хукуқбузарлик учун МЖтК да маъмурий қамоққа олиш, ашёларни мусодара қилиш ёки қакини тўлаш шарти билан олиб кўйиш чораларини қўлланилиши назарда тутилған бўлса, маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортиладиган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишига қатнашишдан бўйин товлаган тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар органи томонидан мажбурий олиб келиниши мумкин.

Маъмурий ишларни кўришда иштирок этувчи шахслардан яна бири - жабрланувчидир. Жабрланувчи - маъмурий хукуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахсdir.

Жабрланувчига етказилган зарар турли ҳилда бўлиши мумкин: масадаң, маънавий зарар (енгил тан жароҳати), моддий зарар (йўл ҳаракати қоидаларини бузиб бирорвнинг машинасига зарар етказиш). Жабрланувчи бир вақтнинг ўзида шу иш бўйича гувоқ бўлиб ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари унга етказилган зарарнинг характеристи ва миқдори ҳақида берган кўрсатмалари содир этилган хукуқбузарликни жиноий ҳодиса сифатида квалификация қилишга олиб келиши ҳам мумкин.

Қонуний вакиллар ҳам маъмурий ишни кўришда иштирок этувчи шахслардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 296-моддасида кўрсатиб ўтилганидек: вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий қасалликлари сабабли маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз хукуқини ўзи амалга ошираолмайдиган маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур

шахсларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, эр-хотинлари, вояга етмаган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар.

Қонунда қонуний вакиллар бир вақтнинг ўзида гувоҳ бўлиб ўтишлари тақиқлаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш жараёнида адвокатнинг роли ҳам каттадир. Маъмурий ишларни юритиш жараёнига адвокат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ушланиши билан қатнашиши мумкин. Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топширигига биноан ва унинг номидан шикоят беришга ҳақлидир. Маъмурий жавобгарликка гортилаётган ҳар бир шахс маъмурий иш қўрилаётган пайтда адвокатнинг ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Гувоҳ ҳам маъмурий ишни қўриб чиқишида иштирок этадиган асосий шахслардан бири бўлиб ҳисобланади. Гувоҳ бўлиб маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирор бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс ҳисобланиши мумкин.

Ишни қўраётган органнинг чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсани айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган томонидан маҳсус тушунчага эга бўлиш зарурати туғилган ҳолларда тайинланади.

Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган томонидан тайинланади. Таржимоннинг мазкур органнинг чақириғига биноан келиши, ўзига топширилган вазифани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажариши шарт.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш.

Бизга маълумки ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш жараёнининг асосий босқичи – шу ишларни қўриб чиқиш ва

ҳал қилиш бўлиб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тегишли тайёргарликни тақозо қиласди. Бу даврда тегишли орган (мансабдор шахс) бир неча ҳолатларни аниқлаши ва тадбирлар ўтказиши лозим. Жумладан, мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслигини, ишга оид барча ҳужжат ва материаллар тўғри тузилган ёки тўғри тузилмаганлигини, ишни кўриб чиқишида қатнашиши лозим бўлган шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида маълум қилинган ёки қилинмаганлигини, ишни кўриш учун зарур қўшимча материаллар сўраб олинган - олинмаганлигини аниқлаши, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, ҳимоячи қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш лозим.

Қонунларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш муддатлари ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 305- моддасидаги ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida кўриб чиқилиши лозим.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилиувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўрилиши лозимлиги, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қиласди, ишни кўриб чиқишида қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари ни тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб ошигтиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида ишни кўраётган орган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки этилмаганлигини, уни содир этилган жойи, вақти ва мазкур шахс уни содир этганликда айборлиги, ёки айбор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш - тортилмаслигини, жавобгарликни ен-

гиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор йўқлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишга аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши керак. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённома билан расмийлаштирилади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг асосий босқичи – иш юзасидан қарор чиқариш бўлиб ҳисобланади.

Қарорда қўйидагилар кўрсатилган бўлишиш керак: қарор чиқарган орган (мансадбор шахс)нинг номи; иш кўриб чиқилган сана; кўриб чиқилаётган шахснинг маълумотлари; ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; хукуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим. Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят берилиши мумкин. Белгиланган муддатда берилган шикоят маъмурий жазо кўлланилиши тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўрилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси кўлланилиши тўғрисидаги қарор ва маъмурий хукуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Прокурорнинг протест билдириши ҳам қабул қилинган қарорнинг ижросини протест кўрилгунга қадар тўхтатиб туради.

4. Маъмурий жазо кўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш

Маъмурий жазо кўллаш тўғрисида қарорларни ижро этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексининг V бўлимида ўз ифодасини топган.

Кодекснинг 325-моддасида маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ижросининг мажбурийлиги ҳақида гапирилади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорга шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда бу қарор шикоят ёки билдирилган протест қаноатлантирилгандан кейин ижро этилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор МЖтК да ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ижросининг муҳлати ҳам мавжуд бўлиб, уни қўйидагича изоҳлаб ўтамиш: агар маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди. МЖт кодексининг 318-моддасига мувофиқ қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган тақдирда, кучини йўқотган муддат шикоят ёки протест кўриб чиқилгунга қадар қарор тўхтатиб турилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб кечикирилмай, Ўзбекистон Республикасининг жамғарма банки муассасасига тўланади, ҳуқуқбузар содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима бундан мустасно. Агар жарима солинадиган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадлари, пенсия ёки степендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг имкони бўлмаса, уни ундириб олиш суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти худудий бўлимлари суд ижрочилари, туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг

шахсий мулкидан, шунингдек умумий мулқдаги ҳиссасидан ундириб олиниши мумкин.

Ҳақини тұлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарор асосида олиб қўйилган нарсаларни сотиш учун воситачи дўконга ёки олиб қўйилган мол-мулк турган жойдаги шундай мақсад учун маҳсус белгилаб қўйилган дўконга топширилади. Ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни ҳақини тұлаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш куроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари томонидан ижро этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай ашё бўлган мусодара қилинган нарсаларни сотиш ва йўқ қилиб ташлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор МЖтК 248-моддасида кўрсатиб ўтилганидек ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш худудий органларининг бош давлат инспекторлари, инспекторлари, ўринбосарлари амалга оширадилар.

Транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор ҳайдовчилик гувоҳномасини, шунингдек унинг талонини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Маъмурий жазо чораларидан бири маъмурий қамоқ жазоси ҳисобланади. Маъмурий қамоқقا олинган шахслар ички

ишлиар органлари белгилаб қўйган жойларда қамоқда сақланадилар. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида қамоққа олинганлар шахсий қўрикдан ўтказиладилар. Маъмурий қамоқ жазосини ўташ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний ишлиарда фойдаланилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар мөхнатидан фойдаланишни ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи тўланмайди.

Маълумки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлиар бўйича чиқарилган қарорда ножуя ҳаракат орқали етказилган мулкий зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим. Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми ижро хужжати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланишича мулкий зарар хукуқбузар томонидан унга қарор топширилган кундан бошлиб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги маълум қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми белгиланган муддатда ижро этилмаса, фуқаролик-процессуал қонун хужжатларида назарда гутилган ижро қилиши тартибида зарарни ундириб олиш учун юборилади.

Манзуни ўзлаштиргашилик даражасини текшириш учун саволлар:

1. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлиарни юритиш деганда нима тушунилади?
2. Бу ишлиарни юритиш қандай чоралар билан таъминла-

нади үе қандай тамойиллар асосида амалға оширилади?

3. Кимлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни юритишда иштирокчи бўлиши мумкин?

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишлар бўйича қарор қабул қилиш тартибини сўзлаб беринг.

5. Маъмурий қамоқ шаклидаги жазо чораси тұғрисидаги қарор қандай тартибда ижро этилади?

Адабиётлар:

14; 21; 43; 106; 164 (XIV боб); 166 (89-117- бетлар).

XII боб. Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш

1. Бошқарув соҳасида қонунийлик ва интизом тушунчаси.
2. Қонунийлик ва интизомни таъминлаш кафолатлари ва усуллари.
3. Ижроия ҳокимият органлари устидан Президент контроли.
4. Қонунчилик (вакиллик) ҳокимияти органларининг контроли.
5. Ижроия ҳокимият органларининг контроли.
6. Маъмурий (ижроия) ҳокимиятни амалга оширишнинг қонунийлиги устидан суд контроли.
7. Прокуратура органларининг бошқарув соҳасида қонуларнинг ижроси устидан прокуратура органларининг назорати.
8. Умумий маъмурий назорат.

1.Бошқарув соҳасида қонунийлик ва интизом тушунчаси

Қонунийлик - демократия негизида қурилган жамиятнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг зарурий шарти. У фуқаролар эркинлигини таъминлаш ва ҳуқуқларини рӯёбга чиқариш, демократияни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва фаолият кўрсатиши, давлат аппаратини илмий асосда ташкил этиш ва нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлади. Қонунийлик давлат механизмининг барча элементлари (давлат органлари, давлат ташкилотлари, давлат хизматчилари), фуқаролик жамиятининг элементлари (жамоат ташкилотлари, диний ташкилотлар, норасмий бирлашмалар ва б) ҳамда барча фуқаролар учун зарур.

Қонун, юридик норма ижтимоий муносабатларни махсус тартибга солувчи сифатида мамлакатда иқтисоднинг

мавжуд даражаси, ташкилий етуклиги, маданият, ахлоқ-этика нормаларига мос келиши керак. Қонунчилик давлат томонидан ҳуқуқни жамият ва фуқаролар манфаати учун расмийлаштириш воситаси бўлиши лозим. Қонунийлик - энг аввало етарли миқдорда юқори сифатли юридик нормаларнинг мавжудлиги, ундан кейин ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан уларга қатъий риоя қилинишидир.

Қонунийлик - жамият ва давлатни ташкил бўлиши ва фаолият кўрсатувининг конституциявий принципи. Қонунийлик принципи Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Қонунийлик принципи бошқарув соҳасида алоҳида аҳамиятга эга. Бу қўйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

Биринчидан, бошқарув давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кўпчилик соҳаларини қамраб олади. Айнан шу доирада уларнинг иқтисодиётга, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш бўйича кўп тарафлама фаолияти амалга оширилади. Қонунийликка қатъий риоя қилиш бошқарув тизими барча бўғинларининг уйғунликда фаолият кўрсатишнинг, улар олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, бошқарув субъектлари ўз функциялари ва ваколатларини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқни қўллаш фаолиятини олиб борадилар. Бу учун ҳуқуқни қўллаш акти ҳисобланадиган бошқарув қарорларини ишлаб чиқадилар ва қабул қиласдилар (м: лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқ, фуқаронинг шикояти бўйича қарор ва шу кабилар). Бундай актлар ҳуқуқ нормаларининг умумий кўрсатмаларини аниқлаштиради, турли ҳуқуқ тармоқлари доирасида аниқ ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгари-

ши ва бекор бўлишига асос бўлади. Бошқарув субъектлари-нинг хуқуқни қўллаш фаолияти қонунийлик принципига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Учинчидан, бошқарувни кўп сонли субъектлар амалга оширади. Улар билан фуқаролар, турли ташкилотлар тез-тез дуч келиб турадилар. Бошқарув субъектларининг қонунларга ва қонун ости актларига қатъий риоя қилиш, юклатилган мажбуриятларини сўзсиз бажарилишига асосланган аниқ тартибли ишидан кўп жиҳатдан фуқароларнинг кундалик ҳаёти ва ташкилотларнинг фаолиятига оид масалаларни тўғри, объектив ва тезкорлик билан ҳал қилиниши боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам ижро этувчи ҳокимият органлари ўз компетенцияси доирасида ўзлари қарамогида бўлган ташкилотларнинг фаолиятида қонунлар ва қонуности актларига риоя қилинишини таъминлашлари ва давлат интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўришлари даркор.

Тўртингидан, бошқарув органлари ижтимоий ҳаётнинг кенг ва рангбаранг соҳаларини қамраб оловчи хуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга оширадилар.

Бошқарув органлари томонидан норматив актлар чиқариш қонунийлик принципига асосланади, яъни улар қонунларга мувофиқ (мос) бўлиши керак. Норматив актлар чиқаришда қонунийликка риоя қилишнинг аҳамияти улардаги кўрсатмалар кўп ҳолларда фуқароларнинг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг хуқуқлари ва манфаатларига алоқадор бўлганлиги туфайли ошиб бормоқда. Хуқуқ ижодкорлиги фаолиятини қонунийлик доирасида амалга оширилиши уларнинг кафолатларини кучайтиради.

Бешинчидан, бошқарув органлари маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш соҳасида кенг ваколатларга эга. Маъмурий ишларни ҳал қилиш (юрисдикция) жараённада улар мустақил равишда низоларни (конфликт, можаро, жанжал) ҳал қиласидилар, давлат мажбурлаш чораларини қўллаш орқали хуқуқбузарларга таъсир кўрсатадилар. Уларнинг юрисдикцион фаолияти қатъий қонун талаблари доирасида амалга

оширилиши лозим.

Шундай қилиб, қонунийлик турли бошқарув фаолиятини қамраб олади, бошқарувчилар томонидан ҳам, бошқарилувчилар томонидан ҳам ҳуқуқ нормаларини бир хилда тушуниш ва қўлланишни таъминлайди. У бошқарув самарадорлигининг объектив шарти бўлиб ҳисобланади.

Бошқарувнинг самарадорлиги нафақат қонунийлик дарражасига, балки бошқарув жараёни иштирокчиларининг интизомига ҳам боғлиқ. Интизом қонунларнинг, юқори турувчи органларнинг бошқа норматив актларини давлат аппаратининг барча ходимлари, шунингдек молдий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш соҳасида бевосита банд бўлган шахслар томонидан сўзсиз ижро этилишини тақозо қиласди.

Интизом бошқарув фаолияти барча иштирокчиларининг ҳаракатларини юксак уюшқоқлик ва мослашганлиги (согласованность) ни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Интизом бошқарувнинг муҳим омили бўлиб, қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқий нормаларнинг талаблари таъсирида шаклланади ва такомиллашади.

Бу ҳол, бир томондан, қонунийлик ва интизом мустақил тушунчалар (категориялар) эканлигидан дарак берса, иккинчи тарафдан улар ўзаро боғлиқликда бўлишилигини, бир бирига таъсир кўрсатишилигини англатади. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги шунда намоён бўладики, қонунийлик интизомнинг асоси, ўзаги бўлиб хизмат қиласди, зеро интизомнинг асосий талабларидан бири бўлиб қонунларга ва бошқа норматив актларга риоя қилишилик ҳисобланади. Қонунийлик интизомни муҳофаза қилиш усули, чунки интизомнинг асосий талаблари ҳуқуқий актларда назарда тутилган нормалар (қоидалар) шаклида расмийлаштирилади. Бинобарин, қонунийликнинг роли ва вазифаси интизомни қўллаб- кувватлаш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Қонунийлик ва интизомнинг боғлиқлиги, шунингдек, давлат томонидан фойдаланиладиган қонунийликни мус-

таҳкамлаш ва таъминлашнинг юридик воситалари айни вақтда интизомни ҳам мустаҳкамлаш воситалари бўлиб ҳисобланишида ҳам намоён бўлади. Ўз навбатида интизомга риоя қилинмасдан қатъий қонунийликка эришиб бўлмайди.

2. Қонунийлик ва интизомни таъминлаш кафолатлари ва усуллари

Қонунийлик принципини таъминлаш унинг тегишли кафолатлар тизими мавжуд бўлишлигини тақозо қиласди. Қонунийлик режимини таъминлашнинг умумий шарт-шароитлари (асослари) ва маҳсус юридик, ташкилий-хуқуқий воситаларини ажратадилар.

Умумий шарт-шароитлар орасида сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ғоявий (мафкуравий) асосларини қўрсатиш мумкин.

Қонунийликнинг сиёсий асослари - бу демократия, ошкоралик режимининг мавжудлиги. Ҳокимиятларнинг ҳақиқий (реал) тақсимланиши, хукмон партиядан, давлатдан мустақил бўлган оммавий ахборот воситалари, партияларнинг фаолият қўрсатиши, давлат тузилмаларини марказлаштирилганлигига барҳам бериш қонунийлик режимининг ҳақиқий кафолатлари бўлиши мумкин.

Қонунийликнинг иқтисодий асослари сирасига мамлакат эришган фаровонлик даражаси, давлатда зарур ресурсларнинг мавжудлиги, фуқаролар, ташкилотлар хуқуқларини амалда кафолатланганлиги, уларнинг иқтисодий эркинлиги, иқтисодиётнинг кўп укладлилиги, товарлар, капитал, меҳнат бозорининг фаолият қўрсатишини қўшиш мумкин.

Хуқуқий тартибни таъминлаш учун мансабдор шахслар ва фуқароларнинг инсон хуқуқларининг мутлақ қадриятлигини тан олишга асосланган хуқуқий маданияти, хуқуқий онги катта аҳамиятга эга. Бошқарувда қонунийлик ва интизомни таъминлаш тегишли давлат тузилмаларининг қўидагиларга йўналтирилган фаолиятини тақозо қиласди:

а) ижроия ҳокимият органлари, уларнинг мансабдор

шахслари фаолиятида қонунларда ва қонун ости актларида мустаҳкамланган ва улар кундалик ишида риоя қилишлари лозим бўлган талаблар ва кўрсатмаларни бузилишига йўл қўймаслиқ;

б) бундай бузилишларни ўз вақтида ва тезкорлик билан аниқлаш, тўхтатиб қолиш ва бартараф қилиш;

в) буларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш;

г) қонунийлик ва интизомни бузишликда айбдор бўлганларни тегишли жавобгарликка тортиш;

д) қонунийлик ва интизомни бузишликни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

е) қонунийлик ва интизомни бузишлик содир этилганда жавобгарликнинг муқаррарлиги вазиятини яратиш.

Қонунийлик ва интизомни таъминлашга ташкилий-хуқуқий воситалар ёрдамида ҳам эришилади. Булар биргалиқда қонунийлик ва интизомни таъминлаш усуллари тизимини ташкил этади.

Бу тизим фаолияти турли даражада қонунийлик ва интизомни таъминлаш билан боғлиқ ҳар хил давлат органларини ўз ичига олади.

Қонунийлик ва интизомни таъминлаш масалалари билан шугулланувчи барча органлар бунинг учун юридик-мажбурий (ҳокимият) ваколатлар билан таъминланганлиги уларнинг фаолиятига давлат-хуқуқий характер бахш этади. Бундай фаолият қонунийлик ва интизомни таъминлаш усули сифатида тан олинади.

Бу фаолият давлат ҳокимиятининг, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Қонунийлик ва интизомни таъминлашда Ўзбекистан Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, инсон ва фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларининг кафили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти алоҳида роль ўйнайди.

Бошқарув соҳасида қонунийлик ва интизомни таъминлаш бўйича фаолият жараёнида давлат органлари ўзларининг ваколати доирасида контролъ ва назоратни амалга оширади. Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунларнинг ўзбек тилидаги матнларида «контроль» ва «назорат» (рус тилида «надзор») иборалари битта атама-«назорат» деб юритилади. Ҳукуқшуносликда, жумладан маъмурий ҳукуқда улар алоҳида мазмунга, ўзига хос хусусиятларга эга эканилигини эътиборга олиш лозим бўлади.

Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш усули сифатида контролъ қўйидагиларни англатади:

а) назорати остида бўлган обьектларнинг фаолиятини кузатиб бориш, улар томонидан қоидалар ва топшириқларни бажарилиши, уларнинг ҳолати тўғрисида обьектив ахборот олиш. Ахборот олиш шакллари - ҳисоб, ҳисобот, маълумотларни ўрганиш, жойларда ҳужжатларни текшириш, инвентаризация, тафтиш ўтказиш, тушунтиришлар олиш ва бошқалар.

б) тўпланган ахборотни таҳлил қилиш, тенденцияларини, сабабларини аниқлаш, режалар ишлаб чиқиш;

в) қонунийлик ва интизомнинг бузилишининг олдини олиш, зарарли оқибатларни, етказилган зиённи бартараф қилиш, баҳтсиз ҳодисалар, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар ва харажатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

г) қонунийлик ва интизом аниқ бузилганлик ҳолатларини ҳисобга олиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш;

д) зарарли оқибатлар келиб чиқиши, янги ҳукуқбузарликлар содир бўлишига йўл қўймаслик учун ҳукуққа зид фаолиятни тўхтатиб қолиш;

е) айборларни аниқлаш, уларни жавобгарликка тортиш. Шундай қилиб, контролъ ижро қилувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар томонидан қонунлар ва қонун ости актларини қатъий ва сўзсиз бажарилиши интизомга риоя қилинишини таъминлаши лозим.

Контроль турли хил бўлади. Масалан, текшириладиган фаолиятининг ҳажмига кўра умумий ва маҳсус контроль бўлади;

Контролни олиб бориш босқичларига кўра дастлабки, жорий ва кейинги контролга ажратиш мумкин.

Контролни олиб борувчи субъектлар ва улар ваколатла-ри характерига кўра:

- а) Ўзбекистан Республикаси Президентининг контроли;
- б) қонунчилик (вакиллик) ҳокимият органларининг кон-троли;
- в) ижроия ҳокимият органларининг контроли;
- г) суд ҳокимияти органларининг контроли.

Қонунийлик ва интизомни таъминлаш усули сифатида назорат қўйидаги характерли хусусиятларга эга:

1) назорат органлари ўз функциялари ва ваколатлари-ни ўзларига ташкилий жиҳатдан бўйсунмайдиган объек-тларга нисбатан амалга оширадилар; контроль органлари эса асосан ташкилий жиҳатдан бўйсунган ва баъзи ҳол-ларда бўйсунмайдиган объек-тларга нисбатан фаолият олиб борадилар.

2) контроль жараёнида айбор шахсларга нисбатан ин-тизомий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин; маъмурий назорат жараёнида эса жисмоний ва юридик шахсларга маъмурий таъсир чоралари қўлланилади.

3) ҳозир амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ конт-роль органлари ўзларининг контроли остида бўлган объек-тлар фаолиятининг турли томонларини текшириш билан шуғулланадилар; маъмурий назорат органлари улар назо-рати остида бўлган объек-тларда маҳсус қоидаларга риоя қилинишини текширадилар.

Назорат фаолияти уни амалга оширувчи субъектларга кўра икки турга бўлинади:

Биринчи тури прокуратура органларининг бошқарув соҳасида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш фаолият билан боғлиқ.

Назоратнинг бошқа тури - маъмурий назорат. Унинг мо-

ҳиятини ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунлар ва қонун ости актларида белгиланган бошқарув соҳасидаги амалда бўлган турли-туман маҳсус нормалар, умуммажбурий қоидаларнинг ижро қилиниши устидан назорат ташкил этади (йўл ҳаракати қоидалари, санитария нормалари ва б.).

Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашда фуқароларнинг мурожаатларининг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида белгиланишича ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, мусассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хукуқига эга. Ариза, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Бу конституциявий қоидани амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 мартағи «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тавсиясига кўра Республикамизда 2003 йилда фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Фуқаролар ўз мурожаатлари(ариза, таклиф, шикоят)-да, бир томондан ўзларининг эҳтиёжларини қондириш, хукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, улар бузилган тақдирда тиклашга эришсалар, иккинчи томондан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятларидаги камчиликлар ва қонун бузилишлик ҳолларини очиб ташлайдилар ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатадилар.

Фуқаролар мурожаатларини давлат органлари ва бошқа тузилмалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг бир қўриниши деб баҳолаш мумкин.

3. Ижроия ҳокимият органлари фаолияти устидан Президент контроли

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижроия ҳокимият бошлиги эканлигини белгилаб қўйган. У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Президент Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг ҳамда фуқаролар ҳукуқлари ва эркинликларининг кафили ҳисобланади. Президентнинг бундай Конституциявий мақоми унга катта контроль ваколатларини беради.

Республика Президенти ўзининг контроль ваколатларини ҳам бевосита, ҳам Девон орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти бевосита контролни, энг аввало кадрлар танлаш ва жой жойига қўйиш соҳасида амалга оширади. У ижроия ҳокимият аппаратини шакллантиради ва унга раҳбарлик қиласи, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг ўзаро алоқасини таъминлайди, Республиканинг вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини ташкил қиласи ва тугатади ҳамда бу тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритади. Бош вазирни, унинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлайди ва лавозимдан озод қиласи; Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги вакилларини, Куролли Кучларнинг олий қўмондонлиги ва б. тайинлайди. Бу ваколатларни амалга оширишда Президент ўзининг контроль функцияларини бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг контроль ваколатларини таъминлаш бўйича муҳим функция ва ваколатларни Президент Девони амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 февралдаги «Республикада давлат назорати тизимини

такомиллаштириш бўйича баъзи чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Девони таркибида маҳсус контроль қилувчи тузилма Контрол инспекцияси ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 1994 йил 5 март фармойиши билан контроль инспекциялари тўғрисида Низомни тасдиқлади.

Ушбу хужжатга мувофиқ Президент девонидаги Контрол инспекциясининг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича Идоралараро Кенгашнинг қарорларининг, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг ижроси устидан таъсирчан контролни ташкил этиш;

Контроль олиб борувчи органлар ишида параллелчilik ва бир-бирини такрорлашни бартараф қилиш.

Контроль инспекциялари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Республика ҳукуматининг қарорларини ижросини текширишни ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича зарур чоралар кўрадилар; идоралараро ва идоравий органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, текширишлар ўтказишнинг бориши устидан назоратни амалга оширади, идоравий контрол йўлга қўйилишини текширади, унинг таъсирчанлигини оширишни таъминлайди. Президентни фармонлар, қарорлар, фармойишларнинг, Президент ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро Кенгашнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларини бажарилмаётганлиги ҳолатлари тўғрисида хабардор қиласи.

Президент Девони контроль инспекцияси жойларда ижро интизоми ҳолатини ўрганишни ташкил қиласи, бозор иқтисодига ўтишни таъминлашга қаратилган норматив хужжатларнинг ташаббускор лойиҳаларни тайёрлашда қонунчилик ва ижроия ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкор

ликни амалга оширади. Давлат ва бошқа органлардан, корхоналардан, хўжаликлардан, муассасалардан, ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўладиган ахборотлар ва маълумотларни талаб қилиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Контроль инспекциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси ҳисобланади.

4. Қонунчилик (вакиллик) ҳокимияти органларининг контроли

Ижроия фаолият устидан контролни амалга ошириш тизимида давлатнинг қонунчилик (вакиллик) органлари Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари муҳим роль ўйнайди. Бу органларнинг контроль ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлис тўғрисида» ги Конституциявий қонунида, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар ва қарорларнинг ижросини контроль қилиш соҳасида кенг ваколатларга эга.

Албатта, Олий Мажлиснинг контрол ваколатларини белгилашда ҳокимиятлар тақсимланиши тўғрисидаги конституциявий қоида, ҳокимият уч кўринишининг, жумладан, ижроия ҳокимиятнинг мұстақиллиги қатъий ҳисобга олиниди.

Олий Мажлис сессияларида ижтимоий ҳаётга оид масалаларни муҳокама қилиш вақтида, ижроия ҳокимият, аппаратни шакллантириш ва унинг таркибини ўзgartариш масалалари бўйича Президент фармонларини тасдиқлаш жараёнида ижроия ҳокимият устидан контрол олиб боради.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш бўйича ҳукумат фаолияти устидан олиб борадиган контроли унинг контроль фаолиятининг муҳим йўналишини ташкил қиласди. Ҳукумат Республика давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун Олий Мажлисга тақдим қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддаси («Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 18-моддаси)га биноан Олий Мажлис қўмиталар ва комиссияларни сайлайди. Бу тузилмалар қонун лойиҳаларини, Олий Мажлис сессияларига киритиладиган масалаларни кўриш ва тайёрлаш билан бирга қонунларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг бошқа қарорларини ижроси устидан контроль олиб боради. Олий Мажлис, зарурат бўлганда, доимий ёки вақтинчалик асосда депутатлар, тафтиш ва бошқа комиссиялар ҳам тузади.

Олий Мажлис депутати ёки депутатлар гурухининг сўрови ҳам контролнинг шакли бўлиб ҳисобланади. Депутат сўрови - Олий Мажлиснинг сессиясида давлат органлари ёки мансабдор шахсларга ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича расмий тушунтиришлар бериш тўғрисида-ги талабдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида депутатлар мақоми тўғрисида»ги қонунига биноан депутат ёки депутатлар гуруҳи Олий Мажлиснинг сессиясида Олий Мажлис раисига, ҳукуматга, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига, шунингдек маҳаллий давлат ва бошқарув органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларига ёзма ёки оғзаки шаклда сўров билан мурожаат қилиши мумкин.

Сўров йўналтирилган давлат органи ёки мансабдор шахс сессияда, лекин уч кун ёки Олий Мажлис томонидан белгиланган бошқа муддат ичida ёзма ёки оғзаки тарзда сўровга жавоб бериши лозим. Сўров билан боғлиқ муҳокама на-

тижаси бўйича қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимиюти тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгашлари бўлимлар, бошқармалар, муассасалар, ижроия ҳокимиятнинг бошқа тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшигадилар. Ҳокимлар қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа актларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг актларини, юқори турувчи идораларнинг ва тегишли халқ депутатлари Кенгащининг қарорларининг ижросини ташкил қиласди; қуий турувчи ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга ва Олий Мажлиснинг бошқа актларига, Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг актларига, шуннигдек юқори турувчи халқ депутатлар Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид қарорларини бекор қиласди, қуий турувчи халқ депутатлар Кенгашиларининг шундай қарорларини бекор қилиш тўғрисида халқ депутатлари Кенгашига тавсиянома киритади; раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ижроия ҳокимият органлари тузилмалари ишини контролъ қиласди.

5. Ижроия ҳокимият органларининг контроли

Ижроия ҳокимият органларининг контроли хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш бўйича топширилган ишлар доирасида уларга бўйсунувчи органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тизимида қонунийлик ва интизомни таъминлашга хизмат қиласди.

Ижроия ҳокимият органларининг контролини умумий ва маҳсус турларга бўлиш мумкин.

Умумий контроль контроль остида бўлган обьектлар фолиятининг барча масалалар бўйича текширишни англатади. У ижроия ҳокимиятнинг умумий компетенцияга Эга

бўлган органлари: Ўзбекистон Республикаси хукумати, ҳокимлар ва б. томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» ги қонунига биноан Ўзбекистон Республикаси хукумати унга бўйсунувчи ижроия ҳокимият органларининг ишини бирлаштиради ва йўналтиради. У вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва хўжалик органлари фаолияти устидан контролни амалга оширади, уларнинг актларида амалдаги қонунчиликка зид бўлган ҳолатлар аниқланса, бу актларни бекор қиласди.

Махсус контроль барча ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан алоҳида давлат бошқарувида ёки муайян масалалар бўйича (савдо, санитария ҳолати, аҳоли соғлиги ва бошқа фаолият қоидаларига риоя қилиниши устидан махсус органларнинг олиб борадиган контролдир.

Вазирликлар таркибига кирувчи идоралар ёки органлар, давлат инспекциялари махсус контроль органлари бўлиб ҳисобланади. Жумладан, бу функцияларни кичик ҳажмдаги кемалар бўйича давлат инспекцияси органлари; табиатни муҳофаза қилиш органлари; давлат солиқ органлари; божхона идоралари; макроиқтисодиёт ва статистика органлари ва б. бажарадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг контроль тафтиш бошқармаси фаолият характеристига кўра бу органларга яқин туради.

Бу органларнинг қонунийлик ва интизомни таъминлаш бўйича фаолиятининг асосий шакллари:

барча ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан фаолиятнинг муайян соҳасида қонунийликка риоя қилиниши устидан контроль;

- тегишли қонунлар ва бошқарув актларида мустаҳкамланган тартибни бузувчиларга маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

- уларнинг контроли остида бўлган ташкилотлар ва шахслар фаолиятини, шунингдек, улар томонидан қонун бузилиши ҳолларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш.

Махсус контрол органларига ўз компетенцияси доирасида улар контроли остидаги ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолияти билан танишиш, зарур материаллар ва маълумотлар олиш, экспертлар жалб қилиш, қонун бузилишлар ҳолатлари аниқланганда, улар хусусида тушунтиришлар олиш хуқуқи берилган.

Баъзи органлар улар контролида бўлган ташкилотларнинг чора-тадбирлари, техник ва бошқа лойиҳаларининг ўрнатилган қоидалар (қурилиш-меъморчилик ва б)га мослиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва хуносалар бериш йўли билан дастлабки контрол олиб бориш ваколатига эга бўлади. Бироқ бу органлар контролининг асосий шакли бўлиб жойларда амалга ошириладиган кундалик жорий контроль ҳисобланади. Масалан, Йул ҳаракати хавфсизлиги гурухи ходимлари автохўжаликлар автопаркларининг техник ҳолатини, тъмиrlаш сифатини, ҳайдовчиларнинг ва бошқа ходимларнинг интизоми нуқтаи назаридан текшириши мумкин.

6. Маъмурий (ижроия) ҳокимиягни амалга оширишнинг қонунийлиги устидан суд контроли

Давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида суднинг бош вазифаси одил судловликни амалга ошириш ҳисобланади. Бу жараёнда фуқароларнинг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг хуқуқлари тъминланади ва уларнинг қонуний манфаатлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоя қилинади. Судлар бу билан қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Одил судлов органлари ўз фаолияти жараёнида, шунингдек, бошқа функцияни ҳам амалга оширади. Улар ижроия ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг чиқарадиган актлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги устидан суд контролини амалга оширади.

Давлат маъмурияти (ижроия органи) нинг фаолияти устидан суд контролининг зарурлиги ва устунликлари тўғрисидаги масала маъмурий хуқуқдаги энг муҳим масалалар-

дан бири. Суд контролининг бошқарувда қонунийликни таъминлаш усули сифатида асосий мазмуни суд томонидан ижроия ҳокимият органлари, мансабдор шахслар ҳаракати ва қарорларига хуқуқий баҳо бериш, қонунийликни, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар хуқуqlари ва қонуний манфаатларини бузилиш ҳолларини, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, бузилган хуқуқ ва манфаатларни тиклаш чораларини куриш, айборларни жавобгарликка тортишдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Суд контролининг субъектлари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари ҳисобланади.

Бошқарув соҳасида қонунийликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди муҳим роль ўйнайди. Унинг хуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (108-109 моддалари), Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуни билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонунчилик ва ижроия ҳокимият актларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўрувчи суд ҳокимияти оғанидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган бошқа актларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини, давлатларо шартномалар ва бошқа мажбуриятларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни қараб чиқади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мослиги тўғрисида хулоса беради. Конституция нормаларини ва қонунларни

шарҳлайди, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан унинг компетенциясига киритилган бошқа ишларни кўради.

Юқорида кўрсатилган ишларни Конституциявий судда кўрилиши учун Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар груҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва Бош прокурорининг Конституциявий судга мурожаат қилиши асос бўлади. Масала Конституциявий суднинг камида уч судъяси ташабbusi билан ҳам киритилиши мумкин.

Конституциявий суднинг қарорлари барча давлат ҳокимиёти ва бошқарув органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Конституциявий суднинг норматив ва бошқа ҳужжатларни, уларнинг нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги, қараб чиқилаётган масалалар юзасидан тушунтириш ва маслаҳатлар бериш хусусидаги талаблари улар юборилган органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Умум юрисдикция судлари фуқаролик, жиноят, маъмурӣ ишлар бўйича суд ишлари юритишни амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида» (янги тақрир) ги қонунига биноан мамлакатда жиноят ишлари бўйича ва фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолият кўрсатади.

Суднинг қонунийликни таъминлаш бўйича фаолияти бошқа давлат органларининг шу соҳадаги фаолиятидан жиддий фарқ қиласди. Одил судловлик суд мажлисларида фуқаролик ва жиноят ишларини кўриш ва ҳал қилиш ҳамда қонун билан ўрнатилган жавобгарлик чораларини қўллаш йўли билан ўзига хос принциплар асосида маҳсус процес-суал шаклларда амалга оширилади.

Давлат бошқарувида суд томонидан қонунийликни таъминлаш икки асосий шаклда намоён бўлади:

1. Одил судловликни юритиш (аниқ фуқаролик ва жиноят ишларини кўриш) жараёнида ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар фаолиятида қонун бузилиш ҳолларини аниqlаш.

